

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**САИДОВ САНЖАР ШАВКАТОВИЧ**

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ**

(ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ)

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

(Бакалавриатнинг барча таълим йўналишлари учун)

**Тошкент – 2020**

Ушбу ўқув қўлланмада Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг тараққиёти, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари шаклланиши ва ривожланиши тенденциялари очиб берилган. Ўқув қўлланма олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан мазкур мавзулар бўйича маъруза машғулотлари, семинар ва амалий дарслар жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тақризчилар:**

**М.Қирғизбоев,**  
сиёсий фанлар доктори,  
профессор

**В.Қўчқоров,**  
сиёсий фанлар доктори,  
профессор

«Фуқаролик жамияти (Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши)» ўқув қўлланмаси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашининг 2019 йил 18 декабрдаги мажлисининг 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>5</b>
<b>I БОБ.</b>	
<b>    1.1 §     МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА</b>	
<b>    ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛариНИНГ</b>	
<b>    ЎРНИ .....</b>	<b>7</b>
<b>    1.1.1 §     «Учинчи сектор» вакилларининг жамиятни ижтимоий</b>	
<b>    модернизация қилиш жараёнидаги иштироки .....</b>	<b>7</b>
<b>    1.1.2 §     Фуқаролик фаоллиги – фуқаролик жамияти ривожининг</b>	
<b>    муҳим фактори сифатида .....</b>	<b>22</b>
<b>    1.1.3 §     Фуқаролик жамияти тизимида секторлараро ижтимоий</b>	
<b>    шерикликнинг аҳамияти .....</b>	<b>39</b>
<b>    I боб бўйича хулоса .....</b>	<b>54</b>
<b>II БОБ.</b>	
<b>    ЎЗБЕКИСТОНДА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК</b>	
<b>    ЖАМИЯТИ РИВОЖИНИНГ ИЖТИМОЙ-</b>	
<b>    СИЁСИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>57</b>
<b>    2.1 §     Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти</b>	
<b>    шаклланишининг асосий мезонлари .....</b>	<b>57</b>
<b>    2.2 §     Маҳалла – фуқаролик жамиятининг миллий институти</b>	
<b>    сифатида .....</b>	<b>75</b>
<b>    2.3 §     Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг</b>	
<b>    ривожланиши .....</b>	<b>92</b>
<b>    II боб бўйича хулоса .....</b>	<b>104</b>
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>105</b>
<b>ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>108</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>111</b>

## СОДЕРЖАНИЕ

	<b>ВВЕДЕНИЕ .....</b>	5
<b>I ГЛАВА.</b>	<b>МЕСТО ИНСТИТУТОВ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ОБЩЕСТВЕННО- ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ СТРАНЫ .....</b>	7
1.1 §	Участие представителей «третьего сектора» в процессе социальной модернизации общества .....	7
1.2 §	Гражданская активность – как важный фактор в развитии гражданского общества .....	22
1.3 §	Значение межсекторального социального партнерства в системе гражданского общества .....	39
	<b>Выводы по I главе .....</b>	54
<b>II ГЛАВА.</b>	<b>СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ 57 РАЗВИТИЯ СИЛЬНОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ .....</b>	57
2.1 §	Основные критерии формирования сильного гражданского общества в Узбекистане .....	57
2.2 §	Махалля – как национальный институт гражданского общества .....	75
2.3 §	Развитие многопартийной системы в Узбекистане .....	92
	<b>Выводы по II главе.....</b>	104
	<b>ЗАКЛЮЧЕНИЕ .....</b>	105
	<b>ГЛОССАРИЙ .....</b>	108
	<b>СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ .....</b>	111

## КИРИШ

Бугунги кунда глобал миқёсда кечётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар турли мамлакатлар истиқболига ҳам таъсир ўтказмоқда. Жумладан, ҳозирда ҳар бир давлат тараққиёти нафақат халқаро муносабатлардаги фаол ҳаракати, балки ички сиёсатидаги демократик бошқарув тизими, иқтисодий барқарорлик, мамлакатда қонун устуверлиги ва инсон ҳуқуқлари таъминланганлиги, нодавлат сектор институтларининг ривожланганлиги, аҳолининг сиёсий-хуқуқий маданияти, фаол фуқаролик позициясининг шаклланганлиги билан бирга, энг аввало, **фуқаролик жамияти** тараққиётининг қай даражада эканлиги билан чамбарчас боғлиқdir. Сўнгги йилларда фуқаролик жамияти категорияси турли мамлакатлар сиёсий жараёнлари ва илмий тадқиқотларида кўп ишлатилаётган замонавий трендга айланиб улгурган.

Демократик бошқарув тизими, эркин бозор иқтисодиёти ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг рўёбга чиқаришни том маънодаги фуқаролик жамиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фуқаролик жамияти – ҳеч қандай воситалар билан чегараланмайдиган, социумнинг ўз-ўзини ташкил этишга қаратилган аҳолининг реал ижтимоий фаоллик даражаси билан характерланади.

Қачонки давлат, сиёсий ҳокимият ва унинг аъзолари жамият устидан эмас, балки жамият давлат институтлари устидан назоратни амалга оширасагина мамлакатда шахс эркинликлари тўла маънода рўёбга чиқарилиши мумкин. Бундай тизимга ўтиш тарихий жиҳатдан узоқ жараён бўлиб, у айнан фуқаролик жамиятини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқdir. Шунинг учун ҳам «**фуқаролик жамияти**» категориял тушунчаси бугунги кунда кўплаб ижтимоий-сиёсий фанларнинг бош тадқиқот обьектига айланиб улгурган.

Фуқаролик жамияти ўзида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, оиласвий, этник, диний ва маънавий муносабатлар йиғиндисини жамлаган

мураккаб тизимга эга бўлиб, у энг аввало шахс билан давлат ўртасида юзага келадиган сиёсий жараёнларда ўз аксини топади. Давлат тизилмасидан фарқли равишда фуқаролик жамиятида вертикал муносабатлар эмас, аксинча эркин ва teng хукуқли шериклар ўртасидаги рақобат ва бирдамликка асосланган – горизонтал алоқалар тизими устуворлик касб этади.

Замонавий шароитларда фуқаролик жамиятини тушуниш учун уни фақатгина давлат ҳокимиятига мұқобиллик нүктай назаридан ва шунга кўра, жамоатчилик манфаатларини илгари сурис соҳасида эътироф этиш етарли эмас, албатта. Асосийси, фуқаролик жамиятининг замонавий, умумдемократик концепциясида энг аввало жамиятнинг замонавий шароитларда талаб ва эхтиёжларидан келиб чиқувчи, унинг тараққиётига хизмат қилувчи ва шахс–жамият–давлат форматидаги ўзаро ижтимоий шериклик асносида ривожланиши зарур.

Маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жамиятимизда шакланаётган янги иқтисодий тизим билан бир қаторда, фуқароларимизнинг сиёсий тафаккурида ҳам юксалиш кузатилмоқда. Шу ўринда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини босқичмабосқич шаклланиб бораётгани, янги йўналиш ва компонентлар билан бойиб боришини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» муҳим норматив асос бўлиб хизмат қилмоқда.

# **І БОБ. МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛариНИНГ ЎРНИ**

## **1.1 § «Учинчи сектор» вакилларининг жамиятни ижтимоий модернизация қилиш жараёнидаги иштироки**

Маълумки, фуқаролик жамияти ривожланар экан унинг институционал асослари ҳам шаклланиб, тараққий этиб боради. Жамиятдаги кўплаб ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маърифий муаммоларни ҳал қилишда «учинчи сектор» деб аталувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)нинг иштироки янада кучаяди. Бугунги кунда, «учинчи сектор» тушунчаси дунёдаги барча мамлакатлар сиёсий жараёнлари ва ижтимоий ҳаётида ташаббус кўрсатаётган ва фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларига нисбатан кенг кўлланилади (биринчи сектор - давлат, иккинчи сектор - бизнес ёки шахсий сектор, учинчи сектор - нодавлат нотижорат ташкилотлари).

Нодавлат нотижорат ташкилот деганда, жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда тузилган, фаолияти давомида факат фойда олишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўймаган ва олинган фойдани унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқарадиган ташкилот тушунилади<sup>1</sup>.

Агар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жаҳонда ривожланиш тенденциясига назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор қизиқарли фактларга дуч келамиз. Хусусан, булар ННТларнинг номланиши билан бевосита боғлиқ. Аксарият хорижий давлатларда нодавлат сектори турлича номлар билан аталади. Халқаро доираларда «ННТ» – нодавлат нотижорат ташкилотлар деб номланади. Буюк Британияда “non-statutory sector” ёки “informal sector”, яъни қонун билан ташкил этилмаган норасмий ташкилот

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. 14.04.1999. №763-І., 2-модда.

ёки сектор деб аталади. АҚШда эса “tax-exempt sector” ёки барча солиқлардан озод этилган сектор дейилади. Францияда ва Европа Иттифоқининг кўплаб давлатларида “*économie sociale*”, Германияда - “*gemeinnützige Organisationen*”, “*gemeninwirtschaftliche Unternehmen*”, Чехияда “*občanský sektor*”, яъни фуқаролар сектори деб аталади.

Халқаро умумқабул қилинган стандартларга кўра ННТлар ижтимоий фойдали ишлар билан шуғулланиб, жамият, фуқароларнинг турмуш даражасини яхшиланиши ва ҳаёт фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласди. Улар ўз фаолияти орқали бирор иқтисодий, молиявий фойда кўришни мақсад қилиб олмайди. ННТлар ўз аъзоларини ижтимоий фойдали ишларга жалб этгани ҳолда жамият ҳаётига тобора интеграциялашиб боради.

Хорижий эксперталарнинг фикрига кўра, нодавлат сектори субъектлари биринчи навбатда жамиятда ижтимоий капиталнинг кўпайишига ва ривожланишига хизмат қиласди. Ижтимоий капитал ўзаро бир-бирига ёрдам берувчи ва ҳамкорлик қилувчи ижтимоий муносабатлар тизими кўринишидаги жамоат ташкилотлари, ижтимоий тармоқ, ижтимоий нормалар ва ишонч орқали мустаҳкамланиб борилади.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиш жараёнида нодавлат секторнинг иштироки ўрганилганда айрим қиёсий таҳлил асосида ҳам фикр юритиш мумкин. Масалан, АҚШнинг Дж.Хопкинс университети фуқаролик жамиятини тадқиқ қилиш маркази маълумотларига кўра, Шаркий ва Гарбий Европа мамлакатларида нодавлат секторнинг ривожланиш тенденцияси турличадир. АҚШда ҳам нодавлат сектори бошқа давлатларда кузатилмайдиган хусусиятларга эга. Марказнинг маълумотларига қараганда, Гарбий Европа ва АҚШда фуқароларнинг нодавлат секторидаги иштироки 8-10 фоизни ташкил этади. Лотин Америкаси мамлакатларида 4 фоиз, постсовет давлатларда бор йўғи 1,3 фоизни ташкил қилиб келмоқда<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Руководство по некоммерческим организациям в Системе национальных счетов. [Электрон манба] URL: <https://www.hse.ru/news/126676910.html> (Мурожаат қилинган сана 22.11.2017).

ННТларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши, уларнинг моддий-техник ва ташкилотчилик фаолиятини ривожлантириш билан бир қаторда, жамиятда аҳолининг кам таъминланган қатламига ижтимоий хизматлар кўрсатишни яхшилашдан ҳам иборат. Шундай экан, ННТлар, унинг вакиллари ва аъзоларининг ҳам ижтимоий хизматлар соҳасида компетентлиги ва професионализми талаб қилинади. ННТлар томонидан аҳолига ижтимоий ёрдам берилиши жамиятда ижтимоий капитални ривож топишига ва мустаҳкамланишига олиб келади.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, фуқароларнинг ННТларга бўлган интилиши ва аъзолиги мамлакатда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий омили бўлиб хизмат қиласи. Жаҳон тажрибасида нодавлат сектори турли ижтимоий соҳалар: соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт, маданият, санъат соҳалари, тарихий обидаларни, фауна ва флораларни, экология, атроф-мухитни сақлаш, номоддий бойликларни, инсон ҳуқуqlари, аҳолига юридик хизматлар кўрсатиш каби тармоқларни қамраб олади.

«Учинчи сектор» фуқароларга самарали ижтимоий хизматлар кўрсатища энг фаол ташкилотлардан ҳисобланади. Сабаби, ННТлар аҳолининг муаммолари, эҳтиёжларини тез пайқайди ҳамда қисқа вақт ичida масаланинг ечимини топа оладилар. Унинг энг катта ютуғи – ўз фаолиятига кўнгиллиларни жалб эта олишидадир. Нодавлат секторнинг фаолияти натижасида таълим, соғлиқни сақлаш, спортни ривожлантириш орқали иқтисодиётга катта фойда келтириб ва ривожланган давлатларнинг ЯИМ ўсишида ўзининг муносиб улушкига эга бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, инсон капитали ва ижтимоий капиталнинг ривожига ижобий таъсир ўтказади<sup>3</sup>.

Маълумки, нодавлат сектори аҳолини иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўргатиш, кадрларни қайта тайёрлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож

<sup>3</sup> Исраелян Е.В. Взаимодействие государства и гражданского общества: опыт Канады и российские реалии. Россия и Америка в XXI веке. Электронный научный журнал. №2. 2008. [Электрон манба] URL: <http://www.rusus.ru/?act=read&id=82> (Мурожаат қилинган сана: 22.11.2017).

қатламни (ногиронлар, ишсизлар, турли ёшдаги аёллар ва ёшлар) ижтимоий ва иқтисодий соҳага жалб қилишда муҳим вазифаларни ҳам бажариб келади.

Бундан ташқари, ННТлар жамиятда ижтимоий адолатни қарор топиши, демократик тамойилларни ривожланишида етакчи ролни ўйнайди. Айнан, ННТлар кўпчилик фуқаролар учун «демократия мактаби» вазифасини бажариб, давлат ва жамият тўғрисида ижтимоий фикрни шакллантиради. Давлатнинг «қўли етмаган» соҳаларни ривожлантиришга бевосита кўмак беради. Фуқароларни Ватанга муҳаббат, масъулият, фидойилик, фаол фуқаролик позициясини, ўзини ўзи бошқариш каби кўникмаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, уларнинг ўрнини ҳеч бир давлат органи боса олмайди. ННТлар томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали давлат органлари фаолиятининг шаффоғлиги ва очиқлиги таъминланади. Шу аснода нодавлат сектори – фуқаролик жамиятининг ажралмас ва муҳим бўғини ҳисобланади.

«Учинчи сектор»нинг жамият модернизацияси ва фуқаролик жамияти ривожидаги ўрни қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- ННТларнинг ҳар қандай вазият ва шароитга тез мослашувчанлиги;
- турли ижтимоий вазифаларни бажаришда уюшқоқлиги, тактика ва стратегияси, инструментларининг ранг-баранглиги;
- жамиятдаги муайян муаммони тезкорлик билан ҳал қилишга интилиши;
- аҳолига аниқ йўналтирилган ва манзилли ижтимоий ёрдам қўрсатиши;
- муаммони ҳал қилишда янги инновацион ғоялар ва механизmlарни жорий қила олиши;
- сарфланган меҳнатнинг административ ресурслар сарфига нисбатан анча арzonлиги;
- кўнгиллилар сифатида фаолият олиб борадиган юқори малакали мутахассисларни жалб қилганда ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаши;

- давлат органлари дастурлари ва фаолиятига муқобил равища ўзига хос фаолият тури;
- муаммолар ечимини топишда комплекс ва интеграциявий ёндашувнинг мавжудлиги;
- ННТлар аҳолига кўрсатадиган ижтимоий ёрдамининг турли- туманлиги ва самарадорлиги.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар ННТлар фаолиятини янада самаралироқ олиб боришга ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, кўп ҳолларда уларнинг фаолиятига тўсқинлик қиласидиган бир қанча муаммолар ҳам мавжуд, албатта. Германия Бундестаги Фуқаролик жамияти масалалари қўмитаси раиси **Михаэл Бюршнинг**, давлат қачонки ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал қилишга қурби етмай қолгандагина нодавлат секторига эҳтиёжи жуда ортади<sup>4</sup>, дея таъкидлаши ҳам бежиз эмас.

Учинчи сектор вакиллари жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрни, аҳоли билан бевосита ишлиши, уларни ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнига жалб қилиш, умуман фуқаролик жамияти ривожидаги ўрнидан келиб чиқиб бир қанча функцияларни бажаради.

**Нодавлат секторнинг иқтисодий функциялари.** Нодавлат сектор аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида катта салоҳиятга эга ҳисобланади. Ривожланган Фарбий Европа мамлакатларида бу кўрсаткич анчагина юқори бўлиб, масалан, Бельгия ва Голландияда аҳолининг иш билан банд бўлган қисмининг 10-14 фоизини ташкил қиласиди.

Бундан ташқари, учинчи сектор бўлажак мутахассисларни тайёрлайди ҳамда ўз сафига кўнгиллиларни жалб этади. Уларда нафақат ўз соҳаси бўйича ходимлар, балки ҳалқ хўжалигининг турли йўналишларида фаолият юргизадиган мутахассисларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш ишларини амалга оширади. Шунингдек, нодавлат сектор инсоннинг ижтимоий, диний эҳтиёжларини қондириш, жамиятда ўзаро бирдамликни мустаҳкамлаш

---

<sup>4</sup> Гражданское общество в Германии: особенности развития и регулирования. [Электрон манба] URL: <http://2020strategy.ru/g16/news/32656316.html>. (Мурожаат қилинган сана: 03.01.2018).

орқали бозор иқтисодиётининг шафқатсиз қонуниятлари (market failure) билан курашишга ҳам ёрдам беради.

**Нодавлат секторнинг ижтимоий функциялари.** Шахснинг турли туман интилишлари, ҳис-туйғулари ва манфаатларини ифода этишда ННТларнинг роли катта. Улар қадриятлар, манфаатлар ва қизиқишлиар умумийлигига асосланган инсонлар учун мулоқот (ҳамкорлик) «майдончаси» вазифасини ўтаб беришади. Турли уюшмалар, хорлар, спорт клублари, диний жамоалар, касаба уюшмалари, этник гурухлар ассоциациялари, ўқувчилар клублари, скаутлар (scout) ва кўплаб бошқа турдаги бирлашмалар сифатида фаолият олиб боришади. Бир сўз билан айтганда, ННТлар ҳамжиҳатлиқда нималарнидир қилишга интиладиган инсонларни бирлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳаётини, инсон яшаётган ҳаётни янада бойитишга хизмат қиласи.

Нодавлат сектор турли хилдаги фикрлар жамланмаси ҳисобланиб, жамоатчилик манфаатларини илгари суриш ҳамда демократик тамойилларни тарғиб қилиши билан жамиятда ижтимоий фикрнинг плюрализациясини таъминлаб беради. Бу эса, ягона фикр ва мафкуранинг монополиясини олдини олишга, жамиятда ғоялар ва қарашлар хилма-хиллигига асосланган ижтимоий мунозара ва мулоқотнинг шаклланишига ёрдам беради.

Учинчи секторнинг энг муҳим вазифаларидан яна бири бу – жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатlam ва дискриминацияга учраётган гурухлар манфаатларини ҳимоя қилиш (*advocacy*) ҳисобланади. Бундан ташқари, экологик муаммолар, инсон хуқуқларини ҳимояси, коррупцияни олдини олиш, жамоатчилик назорати каби «умумий фаровонликни қўзловчи» (*watchdog*) вазифаларни бажаришда ННТлар ҳам катта аҳамият касб этади.

Нодавлат ташкилотлари, маргинализация хавфи остидаги инсонлар ва социал гурухларни (масалан, узоқ вақтдан бери ишсиз инсонлар ёки ногиронлар) жамиятга интеграциялашувида ёрдам беради. ННТлар, уларнинг демократик институтларга ишончини ошириб, ўзаро ижтимоий ҳамкорлик

кўникмаларини шакллантиради. Жамиятда ижтимоий адолат ва бағрикенглик омилларини ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

**Нодавлат секторнинг сиёсий функциялари.** Учинчи сектор соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизматлар, маданият соҳаларида давлат сиёсатидаги камчиликларни (пробел) тўлдириб боришга ёрдам беради. Мисол сифатида битта нодавлат таълим муассасаларининг фаолиятига эътибор қаратиш кифоя. Шунинг учун ҳам, ННТларнинг давлат ва шахс ҳаётидаги ўрни жуда катта.

Нодавлат ташкилотлари тизими ўзига хос демократия мактаби ҳисобланади. Улар фуқароларни жамоатчилик муҳокамаларида иштирок этишга, давлат ва жамият ҳаётига тааллуқли масалалар юзасидан эркин фикр билдиришга, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга ёрдам беради. Шунингдек, улар жамоатчилик лидерлари ва ижтимоий иш менеджерларини шакллантиради. ННТлар давлат сиёсий элитаси ротацияси жараёнида иштирок этиб, жамият билан давлатни боғловчи ўзига хос «ижтимоий-сиёсий лифт» вазифасини бажариб келади. Шундай қилиб учинчи сектор вакиллари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиётида ўз ўрни ва овозига эга дейишимиз мумкин.

Агарда бу борада жаҳон тажрибасини таҳлил қиласиган бўлсак, бугунги қунда, АҚШ нодавлат секторнинг ривожланиши бўйича етакчи давлатларидан биридир. Ўтган асрнинг 90 йилларида АҚШда 1 млн.дан ортиқ ННТлар фаолият олиб боришган. Буюк Британияда эса ушбу кўрсаткич бир оз камроқ, яъни 1 млн.га яқинни ташкил этади. ННТлар сонининг тез суръатлар билан ўсиб бориши фуқароларнинг ижтимоий фаоллигига бевосита боғлиқ дейишимиз мумкин. Расмий маълумотларга қараганда, фуқароларнинг «учинчи сектор»да фаол иштирок этиши қўйидаги омилларга боғлиқ:

- аҳолининг ёрдамга муҳтоҷ қатламига давлатнинг ижтимоий харажатлари ва маблағини тежаш ва уларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

- бошқа фуқароларни ҳам ижтимоий фаолликка, ННТларга жалб қилиш;
- давлат ва жамият ҳаётида кечәётган ижтимоий-сиёсий процессларга ўз позициясини билдириш;
- ижтимоий хизматлар турлари ва сифатини янада ошириш;
- ўз инновацион гояларини ҳаётга татбиқ қилиш ва бошқалар.

Агарда Канада давлати мисолида қўрадиган бўлсак, бу ерда давлат томонидан «учинчи сектор»ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш амалиёти жуда яхши йўлга қўйилган. ННТлар давлат ва унинг органлари олиб бораётган сиёсатга фуқаролар **ишончини** ортиши ҳамда ислоҳотларни қўллаб-қувватлашида ҳукуматга жуда катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳам давлат нодавлат сектори субъектларига субсидиялар ажратиш, ҳомийлар, донорлар, меценатларни топишда ёрдам бериш, қолаверса, давлат бинолари, транспорт воситаларини имтиёз асосида беришга, солиқ юқини камайтиришга ёки бутунлай озод қилишга яқиндан ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг жамият аъзолари орасида имиджининг ўсишига ва ННТларнинг янада самарали фаолият юритишига асос бўлади<sup>5</sup>.

Хорижий эксперталарнинг фикрига кўра, давлат томонидан нодавлат секторини қўллаб-қувватланиши ва ҳамкорлик қилиши жамиятда ижтимоий капиталнинг ўсишига кўмак беради. Ривожланган хорижий давлатлар Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Швеция, Швецария, Нидерландия, Япония каби давлатларда иқтисодий таракқиёт билан бир қаторда фуқаролик жамияти ривожи суръати ҳам жуда юқоридир. **В.Траттнер** олиб борган изланишлари натижасига кўра, британияликлар ижтимоий фаоллигининг энг юқори нуқтаси 40-50 ёшларга тўғри келар экан. Бу эса жамият ижтимоий ҳаётида аҳолининг аксарият кўпчилик қисми фаол эканлигидан далолат беради.

АҚШда ННТларнинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий муносабатлардаги иштирокини баҳолашда нодавлат секторининг ҳайрия фаолиятини амалга

---

<sup>5</sup> Исраелян Е.В. Взаимодействие государства и гражданского общества: опыт Канады и российские реалии. Россия и Америка в XXI веке. Электронный научный журнал. №2. 2008. [Электрон манба] URL: <http://www.rusus.ru/?act=read&id=82> (Мурожаат қилинган сана: 03.01.2018).

ошириши, фуқароларни кўнгилли сифатида ижтимоий фойдали ишларга жалб этилиши ва бошқа кўплаб жиҳатлар билан изоҳланади. Бу борада, ижтимоий муносабатлар тизимини янгилаш, мустаҳкамлаш ва келгусида уни трансформациясида фуқароларнинг нодавлат секторига бирлашиши ҳамда ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйилиши билан боғлиқ. Ҳамкорликда амалга оширилган барча ижобий ишлар охир-оқибат **миллат капиталига** айланади. Масалан, ногиронлар, кексалар, етим болалар, мигрантларга ҳар томонлама ижтимоий ёрдам берилиши бунинг ёрқин мисоллари дейишимиз мумкин.

Статистик маълумотларга қараганда, 1995 йилда 22 та давлатда (Нидерландия, Германия, Ирландия, Испания, Бельгия, Австрия, Франция, Финляндия, Буюк Британия, Австралия, АҚШ, Истроил, Япония, Чехия, Венгрия, Словакия, Румыния, Аргентина, Перу, Бразилия, Колумбия, Мексика) учинчи секторнинг умумий молиявий пул айланмаси 1,1 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Уларнинг таркибига диний ташкилотлар киритилмаган. Маълумот ўрнида, биргина Швеция нодавлат секторининг мамлакат иқтисодиётдаги улуши 15% ни ташкил этади. АҚШнинг 1 млн.дан ортиқ нодавлат ташкилотларининг молиявий пул айланмаси 1996 йилда 670,3 млрд. долларни ташкил қилган. 1993 йилда «Гэллап» халқаро ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқот ишларидан маълум бўлишича, АҚШнинг 51% катта ёшдаги аҳолиси кўнгиллилар сифатида нодавлат секторида ҳафтасига 4,7 соат фолият олиб борган. 1991 йилда АҚШ кўнгиллиларининг меҳнат қилиш вақти 15,2 млрд соатни ташкил этган. 1996 йилда АҚШ нодавлат секторида 10,9 млн. фуқаро жалб қилиниб, бу кўрсаткич умумий ишчи кучининг 7% ни қамраб олган. Уларнинг асосий кўпчилик қисми волонтёrlар сифатида фаолият олиб боради<sup>6</sup>.

Жаҳон тажрибасида давлат, нодавлат, хусусий секторларнинг ҳуқуқий, иқтисодий функционал-ташкилий жиҳатларини амалга оширишда ижтимоий шериклик тамойилларига асосланиши катта аҳамият касб этади. Кўргина

<sup>6</sup> Алексеева О., Джебладзе Г. и др. Государственная политика в области содействия гражданским инициативам: позиция неправительственных организаций. М.: 2001.

хуқуқий демократик давлатларда ННТлар фаолияти давлат томонидан расман эътироф этилади. Улар жамиятдаги долзарб ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишда ижтимоий шерик сифатида тан олинади. Масалан, 1997 йилда Буюк Британияда давлат ва ННТларни ўзаро ижтимоий шериклиги тамойиллари тўғрисида расмий ҳужжат қабул қилинган. Бунинг муҳим жиҳатларидан бири ННТлар фуқароларни жамият муаммоларини ҳал қилишда жонбозлик ва фаоллик кўрсатишга ўргатишида ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ролига алоҳида урғу берилади. Шунинг учун ҳам Англия хукумати учинчи секторни ижтимоий хизматларни амалга оширувчи муҳим институт сифатида билади ва уларнинг асосий қисмини давлат бюджетидан молиялаштиради.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланиш даражасини ошишида инсон капитали ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролар қанчалик олий маълумотга эга бўлсалар, маънавий етук, руҳий ва жисмоний соғлом бўлсагина турли ННТлар фаолиятида бевосита иштирок этишга интиладилар. Бу эса, биринчи навбатда, таълим тизимининг самарадорлигига боғлик. Оддий ҳисоб-китобларга қараганда бугунги кунда ННТларда фаолият юритаётган фуқароларнинг аксарият кўпчилик қисмини олий маълумотли шахслар ташкил этади. Шу сабабдан ҳам нодавлат сектори таълим соҳасини ривожлантиришга асосий эътиборини қаратади. Бу биринчидан, инсон капиталининг ривожланишига, иккинчидан, келгусида ўз фаолиятига жалб қилиш бўйича кўнгиллиларни тайёрлашга ёрдам беради.

Нодавлат секторини кўплаб ижтимоий соҳаларда фаолият олиб бориши иқтисодиёт секторида ўзига хос рақобат муҳитини юзага келтирди ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта роль ўйнади. Замонавий босқичда мамлакатда туб ислоҳотларни амалга оширишда давлат органлари билан ижтимоий диалог, ижтимоий контракт ва ижтимоий инновациялардан самарали фойдаланишга асос бўлади. Нодавлат секторининг кенг кўламли фаолияти давлат бошқарувини

номарказлаштириш ва маҳаллий бошқарувда аҳолини бевосита иштирокини кучайтира боради.

Р.Патнэм ўз тадқиқотларида шуни исботладики, фуқаролик жамияти ва ижтимоий капитал ривожининг энг асосий шартларидан бири жамиятда «ўзаро ишонч муҳити»ни шакллантириш ҳисобланади. Айнан шундай муҳитни нодавлат сектори яратиб беради. Социумнинг шаклланишида ўзаро ишонч, ННТларнинг эркин фаолияти, демократик тамойиллар, ижтимоий шериклик, жамоатчилик назорати каби омилларнинг қарор топиши билан узвийлиги таъминланади. Ижтимоий капитал “good governance” самарали бошқарув тизими니 ташкил этилиши, маҳаллий бошқарув органларининг хусусий ва нодавлат сектори билан ҳамкорлигини таъминлайди. Буларнинг барчаси кучли фуқаролик жамиятининг тараққиётига олиб келади. Барча субъектлар фаолияти натижасида (sustainable development) барқарор ривожланиш таъминланади<sup>7</sup>.

Нодавлат сектори ижтимоий, иқтисодий, сиёсий феномен сифатида XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб тадқиқотчилар эътиборини торта бошлади. Уларнинг мамлакат иқтисодиётида, айниқса, ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги бекиёс хизмати англаб етилгандан сўнг, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада кучайтиришга бўлган ҳаракатлар бошланди. Ҳозирда давлат, муниципал ва ҳудудий сиёsat нодавлат секторининг қай даражада ривожланганига қараб белгиланади.

Агарда бу борадаги миллий тажрибани таҳлил қиласиган бўлсак, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш йўлини танлаб, ўз олдига ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизга муносиб турмуш шароитларини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш каби мақсадларни қўйди. Кенг қамровли демократик ўзгаришларнинг устувор йўналиши сифатида инсон ҳукуқлари, манфаатлари ва

<sup>7</sup> Гончарова Т., Чахор Р. Роль «третьего сектора» в развитии социального капитала. Томский журнал ЛИНГ и АНТР. Tomsk Journal LING & ANTHRO. № 3(9). 2015. С.14-15.

эркинликлари, унинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай шароитлар таъминланган кучли ва очик фуқаролик жамиятини қуриш белгиланди. Қисқа вақт ичida Ўзбекистонда аҳолининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-кувватланадиган фуқаролик жамияти институтлари, мустақил, барқарор ННТ тизимини ривожлантиришга қаратилган қўплаб ишлар амалга оширилди.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Унинг мазмун-моҳияти фуқаролик институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг кишилар ҳукуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти ва ваколатларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда кенг иштирокини таъминлаши каби тамойилларни қамраб олмоқда.

Агарда 1991 йил 1 январ ҳолатига республикамиздаги ННТ сони 95 тани ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб уларнинг сони бир неча баробарга кўпайди ва 9 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. Мамлакатимизда 530 та хотин-қизлар ННТ, 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда. Махаллаларга илгари жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ваколатига тааллуқли 30 дан ортиқ вазифалар босқичма-босқич ўтказилди.

Ўзбекистонда «учинчи сектор»нинг фаолият юргизиши ва ривожланиши борасида етарли даражадаги ҳукуқий асослар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамоат ташкилотларига бағищланган 13-бобида белгилаб қўйилган ҳукуқий нормалар ҳам фикримиз исботидир. Бундан ташқари, ННТлар фаолиятининг меъёрий асослари «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги (1991 й.), «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996 й.), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги (1999 й.), «Жамоат фондлари тўғрисида»ги (2003 й.), «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (2013 й.), «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014 й.), «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018 й.) Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва бошқа бир

қанча хуқуқий-меъёрий асосларда белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги (2008 й.) қўшма Қарори ҳам мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фондининг ташкил этилиши ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Ҳар бир жамиятда иқтисодий ўсиш суръатлари кун сайин ортиб бораётган даврда фуқаролик жамиятининг аҳамияти ҳам ошиб бориши тайин. Агар жамиятдан саноатлашган жамиятга ўтиш даврида ижтимоий капитални ривожлантириш, ислоҳотларнинг туб моҳиятини ахолига етказиш, фуқаролар онгida янги замонавий тафаккурни ва инновацион ғояларни шакллантиришда нодавлат секторнинг роли бекиёсdir. Биз ўрганаётган масаланинг туб моҳияти шундаки, нодавлат секторининг жамиятда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иштироки асносида фуқаролик жамияти асослари бойиб бориши ҳамда бунинг самараси ўлароқ параллел равиша мемлакат иқтисодиёти ҳам барқарор ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун нодавлат секторнинг иқтисодиёт билан боғлиқлик жиҳатларини эътибордан четда қолдириш асло мумкин эмас. Жамиятнинг барча соҳаларида фуқароларнинг ўзаро бир-бирига бўлган ишончи, ҳамкорлигининг янги қирралари ва истиқболларини очишда ННТлар муҳим аҳамиятга эга дейишимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, нодавлат секторнинг асосий вазифаларидан бири – фуқароларда масъулият ҳиссини уйғотиш, ўзгаларга ёрдам кўрсатиш, миллат, айниқса, ёшлар келажаги ҳақида қайғуришга ўргатишdir. Маълум бўлишича, кўплаб фуқароларнинг нодавлат секторида иштирок этиши натижасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ишлаб

чиқиладиган ҳамда қабул қилинадиган қарорлар, қонунларга муайян ўзгартиришлар киритилишига замин яратади.

Демак, учинчи секторнинг жамият модернизациясидаги роли тобора ошиб бориши шундан далолат берадики, ННТлар давлат ва жамият қурилишига, ислоҳотларни ҳаётга самарали татбиқ этилишига ва мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, учинчи сектор давлатнинг кўпгина ваколатларини тобора ўз зиммасига олгани ҳолда жамият бошқарувининг тўлақонли иштирокчисига айланиб боради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда қабул қилинган «Ҳаракатлар стратегияси»ни ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга татбиқ этишда жуда катта аҳамият касб этади.

## **Таянч тушунчалар**

*Фуқаролик жамияти; учинчи сектор; давлат сектори; бизнес сектори; нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ); Ҳаракатлар стратегияси; «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси; давлат сиёсати; ижтимоий капитал; модернизация; интеграциявий ёндашув; нодавлат секторнинг ижтимоий, иктисодий ва сиёсий функциялари; ижтимоий гурӯхлар манфаатларини ҳимоя қилиши (advocacy); ижтимоий ишонч.*

## **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. «Учинчи сектор» деганда қайси ташкилотларни тушинамиз?
2. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги ўрни қандай?
3. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясининг мазмун-моҳиятини тушинтириб беринг.
4. Давлат ва жамият ҳаётида «учинчи сектор» вакиллари қандай функцияларни бажаради?

5. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг дунёнинг бошқа мамлакатларида қандай номланишини биласизми?
6. Ижтимоий капитал феномени нималарда ўз аксини топади?
7. «Учинчи сектор»нинг жамият модернизацияси ва фуқаролик жамияти ривожисидаги ўзига хос ҳусусиятлари нималарда намоён бўлади?
8. «Ҳаракатлар стратегияси»да фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қаратилган асосий тамоийилларни биласизми?
9. Турли нодавлат нотижорат ташкилотлари жамиятда ижтимоий гурухлар манфаатларини ҳимоя қилишида қандай воситалардан фойдаланади?
10. Нодавлат секторни ривожлантириши бўйича миллий тажриба ҳақида гапириб беринг.

## **1.2 § Фуқаролик фаоллиги – фуқаролик жамиятининг муҳим фактори сифатида**

Бугунги кунда фуқаролик фаоллиги тушунчаси илмий соҳалар (сиёсатшунослик, тарих, психология, фалсафа, педагогика, социология, иқтисодиёт) ва сиёсий баҳс-мунозараларда кўп ишлатилмоқда. Фуқаролар фаоллиги – атамаси турли фанлараро тадқиқотлар предметига айланган бўлсада, ҳанузгача унинг яхлит маъно жиҳатдан нимани англатиши борасида бирон бир яқдил тўхтамга келинмаган. Илмий адабиётларда фуқаролар фаоллиги категориясининг турли ишчи вариантлари ишлатилмоқда. Бироқ, унинг умумий жиҳатларига тааллуқли бўлган хусусиятлар сақланиб қолмоқда. Барча вариантларда фуқаролар фаоллиги категорияси ўзининг маъно жиҳатдан «фундаментал ядросини» сақлаб қолган. Шунинг учун ҳам кўплаб илмий изланишларда инсонни фаол фуқаро сифатида тадқиқот обьектига айланиши катта аҳамият касб этади. Тадқиқотларда фуқаролар фаоллигини инсоннинг ижтимоий етуклигига сабаб бўлувчи омиллар – психологик, ақлий, интеллектуал, меҳнатга лаёқатлилиги, сиёсий, ҳуқуқий, маданий савиясининг юқорилигига эътибор қаратилмоқда. Бунда инсонни ижтимоий-сиёсий мавжудот эканлиги ва уни ҳар қандай ҳолатда ҳам ижтимоийлашувга интилишига алоҳида ургу берилади.

Шунинг учун ҳам фуқаролар фаоллиги тушунчаси моҳиятини очиб беришда масалага чукурроқ ёндашувни талаб қиласи. Масалан, фуқаролар фаоллиги масаласи ижтимоий фанларда кўпроқ ўрганилган категориялардан бири сифатида алоҳида эътироф этиш лозим. Н.Аберкромби, Д.Джери, Б.Тернер ва С.Хилл каби тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, фуқароларнинг ўз ихтиёрлари билан ННТларда иштирок этиши социумнинг интеграциялашувига ва ижтимоий баҳамжиҳатликка олиб боради<sup>8</sup>.

---

<sup>8</sup> Аберкромби Н. Социологический словарь. – 2-е изд., перераб. и доп. изд. – М.: ЗАО «Экономика», 2004. – С.188.; Джери Д. Большой толковый социологический словарь: русско-английский, англо-русский. том 1. – М.: Вече-АСТ, 1999. – С.83.

Фуқаролик фаоллиги энг аввало инсонларнинг «кўнгилли» (волонтёр) сифатида фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Америкалик сиёсатшунослар X.Анхер ва Л.Саламонларнинг фикрига кўра, «кўнгиллилар» тушунчасининг ғарб мамлакатларидағи таҳлили шуни қўрсатмоқдаки, “volunteering” атамаси Буюк Британия ва АҚШда, французча “voluntariat”, шведча “frivillig verksamhet”, итальянча “voluntariato”, немисча “ehrenamt” каби атамалар тарихан вужудга келишининг мазмун-моҳияти бир-бирига мутаносибдир. Бироқ тушунчаларни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ишлатиш усул ва услублари турлича дейишимиз мумкин. Уларнинг таъкидлашича, Буюк Британия ва Австралияда кўнгиллилар, яъни фуқаролар фаоллиги фуқаролик жамияти институтлари, давлат ва хусусий сектордан алоҳида фаолият юритувчи жамоат сектори сифатида тан олинади. Бошқа тадқиқотларда фуқаролар фаоллиги давлат ва жамиятга ижтимоий фойдали хизматларни келтирувчи фаолият тури сифатида баҳо берилади<sup>9</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунё бўйича (немис, француз, рус ва бошқа тилларида) кенг қўлланилаётган «Волонтёр» атамаси ўзининг моҳиятига кўра, инглиз тилидаги “Volunteering” тушунчасининг эквиваленти ҳисобланади. Волонтёрлик – бу ихтиёрий равища амалга ошириладиган, жамият фаровонлигига ҳисса қўшадиган фойдали иш маҳсулидир. Буларнинг барчаси фуқаролар фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу атамани турли тилларда ишлатилиши унга қўшимча равища ўзгача маъно, моҳият ва функцияларни юклайди. Volunteering – атамаси фақатгина инглиз тилида гаплашадиган давлатлар учунгина эмас, балки бутун дунёда кенг миқёсда ишлатиладиган ва қўлланиладиган тушунчадир. Volunteering бу ихтиёрийликка асосланган, ижтимоий фойдали бўлган ва ниҳоят, фуқаролар фаоллиги натижасида амалга ошириладиган хатти-харакатлар йигиндисидир<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Anheier H. K., Salomon L. M. Volunteering in cross-national perspective: Initial comparisons. Civil Society Working Paper 10. 2001. – P.5.

<sup>10</sup> Кристиане Б. Координация работы добровольцев и менеджмент волонтерских программ в Великобритании. Перевод: Санникова М., Мюллер И. М., 2014. С.6-7.

Бошқача қилиб айтганда, волонтёрлик ихтиёрий ва шахсий мажбурият бўлиб, волонтёр иш ҳажми, қаерда ишлиши, қанча муддат ишлишини ўзи белгилайди. Волонтёрнинг қанча вақт мобайнида ишлиши ва иш ҳажмининг оз ёки кўплиги аниқ бўлиб, кўп ҳолларда у волонтёрнинг қайси ташкилотда фаолият олиб бориши билан боғлиқдир.

Немис тилидаги “**Bürgerliches Engagement**”, яъни «Фуқаролар фаоллиги» атамасининг этимологик келиб чиқиши французча “Engagement” сўзидан олинган бўлиб, боғланмоқ, бирор нарсани амалга оширишда иштирок этмоқ каби маъноларни англатади<sup>11</sup>. Ушбу категория инсоннинг ички мотивацияси, бирор фаолият турида ўз хоҳишига кўра иштирок этишида намоён бўлади. Германияда кўнгиллилар хизмати (**Ehrenamt**) ва фуқаролар фаоллиги (**Bürgerschaftliches Engagement**) тушунчалари кенг тарқалган. Унда фуқаролик жамияти шаклланиши, ижтимоий фаровонликни таъминлашда фуқаролар фаоллиги, кўнгиллилар хизмати, ўзига ўзи ёрдам кўрсатиши ва халқаро атама бўлган волонтёрлик тушунчалари бараварига ишлатилади. Фуқаролар фаоллиги категорияси юқоридаги барча тушунчаларни ўзида акс эттириб, илмий доираларда мазкур атама фуқаролик жамияти, жамоат ишлари, масъулият, адолат, демократия ва ижтимоий маконда мустақил фаолият каби тушунчаларни ўзида мужассамлаштиради.

«Фуқаролар фаоллиги» атамасининг туб мазмун-моҳияти Германиянинг Анкет-Комиссия (Enquete-Kommission) ташкилотининг маъruzасида кенгроқ ва батафсилроқ ёритилган. Унга кўра, «*фуқаролар фаоллиги* – шахс ташаббускорлиги, интилишилари ва хатти-ҳаракатлар иигиндиси бўлиб, у ихтиёрий равишда амалга оширилади, моддий манфаатдорлик кўзланмайди, аммо ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишига қаратилган якка шахс ёки гурӯҳлар томонидан амалга ошириладиган фаолият тури ҳисобланади<sup>12</sup>.

<sup>11</sup> Duden “Etymologie”: Herkunftswörterbuch der deutschen Sprache. - 2., völlig neu bearb. und erw. Aufl. / von Günther Drosdowski. - Mannheim [u.a.]: Dudenverlag, 1989. – S.156.

<sup>12</sup> Enquete-Kommission “Zukunft des Bürgerschaftlichen Engagements”: Bürgerschaftliches Engagement: auf dem Weg in eine zukunftsähige Bürgergesellschaft. Bericht. Deutscher Bundestag. Opladen: Leske+Budrich, 2002.

Немис олимларининг таърифига кўра, «фуқаролар фаоллиги» (Bürgerliches Engagement), фуқаролар амалга ошириши зарур бўлган мажбуриятлар, яъни уюшган, индивидуал ҳолда ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши, шунинг билан бирга, общиналар ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга эришиш тушунилади<sup>13</sup>. Берилган таърифларга кўра, фуқаролар фаоллиги қўйидан бошлаб юқорига фуқароларнинг ташаббуслари ва иштироки асосида амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий фаолият тури эканлиги маълум бўлади ва бу хол фуқаролик жамиятининг ажралмас феномени сифатидан тан олинади.

Шунинг билан бирга, инглиз тилидан олинган “voluntary work”, “volunteer labour” («кўнгиллилар фаолияти» ёки «кўнгиллилар меҳнати») каби тушунчалар ҳам кенг тарқалган.

Х.Анхер ва Л.Саламонларнинг кросс-маданий таҳлилига кўра, фуқаролар фаоллиги (волонтёрлик) тушунчасини халқаро, миллий ва маҳаллий даражада қиёсий ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда шуни айтиш жоизки, фуқаролар фаоллиги бир қанча кўрсаткичлар ва ўлчовларни ўзида мужассамлаштиради: вақт ўлчовида (кўнгиллиларни тўлиқ ёки қисман иш кунида банд бўлиши); иқтисодий жиҳати (волонтёр фаолияти учун пул оладими ёки йўқми); ижтимоий жиҳати (волонтёр индивидуал ёки жамоа бўлиб фаолият олиб борадими) каби саволлар муҳим аҳамият касб этади<sup>14</sup>.

Европа ва АҚШда кўнгиллилар фаолияти қисман иш вақтида шуғуланиши ва ҳақ тўланмайдиган фаолият тури сифатида кўрилади. Ривожланаётган давлатларда эса, тўлиқ бўлмаган иш кунига қисман ҳақ тўлаш тушунилади. Лекин, унинг асосий туб моҳияти шундаки, фуқаролар фаоллиги шахс ва жамият томонидан ижтимоий қадрият сифатида тан олингандагина фуқаролик жамиятига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

<sup>13</sup> Eva More-Hollerweger a. o. Univ.-Prof. Dr. Arno Heimgartner. 1. BERICHT ZUM FREIWILLIGEN ENGAGEMENT IN ÖSTERREICH. Erstellt vom Institut für interdisziplinäre Nonprofit Forschung an der Wirtschaftsuniversität Wien (NPO-Institut). Wien, Juni 2010. S.15.

<sup>14</sup> Anheier H. K., Salamon L. M. Volunteering in cross-national perspective: Initial comparisons. Civil Society Working Paper 10. 2001. – P.8.

Фуқаролар фаоллиги субъекти ўзи учун қадрият сифатида ўз ғоялари, қарашлари, манфаатлари, ҳаётый позициясини қарор топиши, тобора сайқаллашиб бориши ва ниҳоят жамиятда ижтимоий капиталнинг ривожи учун асос сифатида хизмат қиласи.

Р.Стеббинс берган таърифига кўра, волонтёрлик – ижтимоий фаолият сифатида жамият манфаатлари ва фаровонлиги йўлида ўзгаларга ёрдам берувчи шахслар ёки ижтимоий гурӯҳлар тушунилади<sup>15</sup>. Албатта буларнинг барчаси, икки кўринишда амалга оширилиши мумкин. **Биринчиси**, шахснинг келгуси ҳаётидаги жиддий мақсадлар – карьера қилиш йўлида фуқаролар фаоллиги билан шуғулланиши. Унда фаолият юритиш мобайнида назарий ва амалий билим, кўникмаларини, тажрибасини оширишга катта эътибор қаратилади. **Иккинчиси**, бўш вақтларини мазмунли ва бирор манфаат кўзламаган ҳолда ижтимоий фойдали ишларга йўналтириш тушунилади<sup>16</sup>.

Дж.Хопкинс институти олимлари бир неча йиллик тадқиқотлардан сўнг шундай хulosага келишадики, «кўнгиллилар фаолияти – бу бўш вақтларда амалга ошириладиган, моддий манфаат кўзланмайдиган комплекс чора-тадбирлар йиғиндисидир»,<sup>17</sup> дея таъкидлашади.

Масалан, «Volunteering» категориясини экспериментал тадқиқоти шуни кўрсатдики, америкаликлар тилида ушбу тушунча кўнгиллилар фаолиятини қадрият сифатида тан олиниши ва уларни жамият фаровонлиги йўлида биргалиқда ҳаракат қилиши, субъектив жиҳатдан эса, иштирокчидан маълум билим ва кўникмаларни талаб қиласидиган хатти-ҳаракатлар мажмуи сифатида қаралади<sup>18</sup>.

Фуқаролар фаоллиги тушунчаси хорижий адабиётлардаги ёндашувларда фуқаролар фаоллиги иштирокчиларининг ўzlари учун ҳам катта қийматга эга эканлиги қайд этилади. **К.Бидерманнинг** таъкидлашича,

<sup>15</sup> Стеббинс Р. А. Свободное время: к оптимальному стилю досуга (взгляд из Канады) // Социологические исследования. – 2000. №7. – С.66.

<sup>16</sup> Ўша жойда. – Б.68.

<sup>17</sup> Salamon M., Sokolowski S., Haddock M. Measuring the economic value of volunteer work globally: concepts, Estimates, and a roadmap to the future // Annals of Public and Cooperative Economics 2011. Vol. 82. № 3. – P.224.

<sup>18</sup> Лисовская Т. А. Концепт volunteering в сознании американцев // Вестник ВГГУ. 2010.Т 4. № 2. – С.74.

фуқаролар фаоллиги гоялари ва фаолиятига содик бўлиши амалга ошириладиган ижтимоий фойдали ишларнинг сифатини янада ошишига олиб келади<sup>19</sup>.

Италия илмий адабиётларида фуқаролар фаоллиги категорияси – фуқаро масъулияти ва фуқаро маърифати тушунчалари билан боғланиб кетади. Ушбу тушунчалар Европа Иттифоқи томонидан берилган таърифларга таянади. Европа мамлакатларининг аксарият қисмида фуқаролар фаоллиги тушунчаси фуқаролик жамиятининг таркибий қисми сифатида тан олиниб, фуқаро ҳамда давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатни англатади. Аммо, ҳуқуқий жиҳатдан қонун чиқарувчи субъектлар томонидан *масъулиятли фуқаро* тушунчасига аниқ бир таъриф берилмаган.

Италия илмий адабиётларига кўра, фуқаролар фаоллиги (**compromiso cívico**) – барча фуқароларга бирдай тааллукли воқеиликдир. Чунки улар жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланади. Фуқаролар фаоллиги тушунчаси замирида индивидуал ёки жамоавий хатти-ҳаракатлар мажмуи ётади ҳамда ижтимоий фойдали ишларга йўналтирилган бўлади. Умумий мақсад йўлида ҳамкорик қилиш жамиятда ижтимоий капитални, яъни ишончни ортишига олиб келади<sup>20</sup>.

Кўпгина давлатлар тажрибасида фуқаролар фаоллиги концепциясига муқобил бўлган тушунчаларни ишлатишади. Масалан, Латвия ва Румынияда фуқаролар иштироки, Польшада фуқаролар позицияси ва фуқаролар онги, Нидерландия, Буюк Британия, Шотландияда фуқаролар ҳуқуки ёки мажбуриятлари, Германияда эса фуқаролар фаоллиги тушунчалари кенг кўлланилади<sup>21</sup>. Моҳиятан эса ушбу тушунчалар демократия, инсон қадр-қиммати, эркинлиги, ҳуқуқларининг хурмат қилиниши, бағрикенглик,

<sup>19</sup> Кристиане Б. Координация работы добровольцев и менеджмент волонтерских программ в Великобритании. Перевод: Санникова М., Миоллер И. М., 2014. –С.39.

<sup>20</sup> Definición de compromiso - Qué es, Significado y Concepto. [Электрон манба] URL:<http://definicion.de/compromiso/#ixzz3eMDqokle> (Мурожаат қилинган сана: 18.02.2018).

<sup>21</sup> IR - INNOVAZIONE E RICERCA. Il concetto di cittadinanza in Europa. Termini diversi per uno stesso significato? 12 Maggio. 2005. [Электрон манба]

URL:<http://www.indire.it/content/index.php?action=read&id=1275> (Мурожаат қилинган сана: 18.02.2018).

тенглик, адолат, ўзаро ишонч, қонун устуворлиги, масъулият, ижтимоий шериклик каби феноменал категорияларни ўзида мужассамлаштиради.

Бугунги кунда, фуқаролар фаоллиги ўз табиати ва моҳияти жиҳатидан дунё бўйича жуда тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Масалан, БМТ томонидан 2001 йилни «**Кўнгиллилар йили**» деб эълон қилиниши ҳамда ҳар йили 5 декабрда «**Халқаро қўнгиллилар куни**»нинг нишонланиши фикримизнинг исботидир. Ўз навбатида Европа Иттифоқи, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти (ОЭСР), Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятида ҳам фуқаролар фаоллиги ва у билан боғлиқ ижтимоий капитал омилини ривожлантиришга катта эътибор бериб келинади<sup>22</sup>.

Европа ва АҚШдаги кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, диний бирлашмаларда, сиёсий ҳамжамиятларда ва спорт соҳасидаги волонтёрлик ҳаракатлари бошланғич даврда ташаббускор гурухлар шаклида, жамоатчилик асосида шаклланган. Ўтган асрнинг 90 йилларида давлат институтлари ўз функцияларини қисман бажара олмай қолиши ва аҳолининг аксарият қисми ишончининг сўниши каби ҳолатлар ижтимоий муҳитнинг ичидан емирилишига олиб келди. Шу асосда давлатларда ижтимоий бирлашмаларга ва фуқаролар фаоллигига эҳтиёж жуда кучайди. Бундай ҳолат Европа мамлакатларининг аксариятида кузатилди. 90 йилларда Германияда ўртача ҳисобда 150 мингта яқин католик ва протестант черковлари мавжуд эди. Ўз навбатида черковлар атрофида ижтимоий хизматлар кўрсатиш секторлари пайдо бўла бошлади. Натижада улар томонидан аҳолига сифатли, профессионал хизматлар кўрасатиларди. Айнан шу омил аҳолига юқори сифатли ижтимоий хизматлар қўрсатилиши ва кўплаб фуқароларнинг ўз хоҳишига қўра ихтиёрий равишда, умуман бепул тарзда бундай ишларда иштирок этишига туртки берди.

---

<sup>22</sup> Katherine Gaskin and Justin Davis Smith (1995), A New Civic Europe: A Study of the Extent and Role of Volunteering, London, Volunteer Centre, P.20.

Шундай мисоллардан яна бири, 2012 йилда Финляндияда 28 минг волонтёрлар «Фин черков ёрдами» тадбирида ихтиёрий равища иштирок этиши билан боғлиқ. Кейинчалик **«pro bono»** (лотинча - *pro bono publico – ижтимоий фаровонлик учун*) акциясида ҳайрия, жамоат фондлари, нодавлат ташкилотларга аъзо бўлган мутахассислар томонидан аҳолига, жисмоний ва юридик шахсларга бепул, сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Юқоридаги ҳолат аҳолининг нақадар фуқаролар фаоллигига интилиши, давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этиш учун масъулиятни ҳис этишидан далолат беради<sup>23</sup>.

Швецияда черковларда фуқаролар фаоллиги эндиғина ривожланиш босқичида давлат томонидан улардан олинадиган солиқлар бекор қилинган. Шу тариқа фаол фуқаролар томонидан аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламига ҳар томонлама кўмак берилиши янада оммалашди. Ушбу ҳол ижтимоий масалаларни энг самарали ва мақбул ечими бўлиб, ижтимоий капиталнинг ривожланишига асос бўлади.

Бундай тенденцияни Англия, Австрия ва Франция мамлакатларида ҳам кузатиш мумкин. Айтиб ўтиш жоизки, Европада йирик сиёсий партиялар, уюшмалар, клублар, касаба уюшмаларининг етакчилари айнан анъанавий черковлардан етишиб чиққан. Ғарб мамлакатларида йирик общиналар, уюшмаларнинг кўп йиллар давомида фаолият олиб боришининг асосий омили, ҳайрия, жамоат ташкилотлари анъаналарининг ворисийлиги ва бардавомийлиги билан узвий боғлиқ. Немис тадқиқотчиси Сюзанна Хутнинг «фуқаролар фаоллигининг муҳимлиги шундаки, у инсонларни жамиятда муваффақиятли интеграция қилишга ундейди», дея таъкидлаши ҳам бежизга эмас<sup>24</sup>.

---

<sup>23</sup> Моя поездка в Финляндию и Данию: опыт благотворительности скандинавских стран. [Электрон манба] URL: [www.otkazniki-spb.ru](http://www.otkazniki-spb.ru) (Мурожаат қилинган сана: 12.02.2018).

<sup>24</sup> Susanne Huth (2010) Die Bedeutung bürgerschaftlichen Engagements für eine gelingende Integration. Engagement für alle! Kooperation zwischen Engagementförderung und Integrationsarbeit. Fachtagung des Hessischen Ministeriums der Justiz, für Integration und Europa am 14 Januar 2010 in Frankfurt am Main. [Электрон манба] URL: [www.inbas-sozialforschung.de](http://www.inbas-sozialforschung.de) (Мурожаат қилинган сана: 12.02.2018).

Замонавий босқичда Европада фуқаролар фаоллиги нафақат мазмунан, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам ўзгариб бормоқда. Европа давлатларида кўнгиллилар фаолиятининг турли моделлари шаклланган бўлиб, уларни асосан учинчи секторда кузатиш мумкин. Масалан, Франциядаги ECONOMIE Sociale модели давлат хизматининг ижтимоий-иктисодий таркибий қисми ҳисобланади. Улар фаолиятининг асосини ихтиёрий равишдаги волонтёрлик, нодавлат сектори ва жамоат ташкилотларидағи фуқаролар фаоллиги элементлари ташкил этади.

Италияда фуқаролар фаоллигига давлат ва черковга муҳолиф турадиган восита сифатида қаралади. Маҳаллий даражада у кооператив бошқарувнинг ижтимоий-иктисодий аспекти сифатида намоён бўлади.

Буюк Британияда эса мазкур феномен фуқаролик жамияти анъаналарини сақлаб қолувчи, ўзида буржуа муносабатлари ва индивидуал алоқаларни қамраб олган тизим сифатида қаралади. Масалан: “National Trust UK” нодавлат ташкилотининг 3,2 млн. расмий аъзоси бўлиб, унда 61.000 кўнгиллилар фолият олиб боришиди. Ушбу ташкилот ўз олдига тарихий обидалар, ҳайкаллар, боғларни саклаш, реставрация қилиш, археология ишларини амалга ошириш каби кўплаб вазифаларни қўйган. Бундан ташқари, табиий қўллар, ўрмонлар, денгиз қирғоқлари соғлигини сақлашга қаратилган акцияларни ҳам уюштириб келади<sup>25</sup>.

Швейцария моделида фуқаролар фаоллиги халқ ҳаракати ва давлатнинг ижтимоий хизматлар, дастурларни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилишини кўришимиз мумкин<sup>26</sup>. Швейцарияда фуқаролар фаоллиги асосан уч асосий шаклга бўлинади. Булар, формал фаолият (яъни ижтимоий-сиёсий жараёнларда, черков, экологик ҳаракатлар, жамоат ташкилотларида иштирок этиш), ноформал фаолият (худуд (район, квартал) миқёсида дўйстларга, ночор оилалар, кексалар, ногиронларга ёрдам бериш, ҳолидан хабар олиш) ва

<sup>25</sup> Dietmar Wiegand Univ.Prof. Prof. h. c. Dipl.Ing. Arch. TU Wien. Beteiligungsengagement und Finanzierungsbürgerschaftliches”. S.12. Quelle: Manager Magazin. 29.05.2012.

<sup>26</sup> Freiwilligenarbeit in der Schweiz 2010 / Bundesamt für Statistik (BFS). BFS; Konzept: Netthoevel & Gaberthüel, Biel. Neuchâtel 2011.

ҳомийлик фаолияти (ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун натурал ёки пул маблағлари орқали қўллаб-қувватлаш).

2010 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, Швейцариянинг 15 ёшдан катта бўлган аҳолисининг 33 фоизи кўнгилли сифатида ННТлар фаолиятида иштирок этишга тайёр эканлигини билдиришган. Аҳолининг ҳар бешинчиси турли ННТда у ёки бу шаклда қатнашиб келади. Шуниси алоҳида аҳамиятга моликки, 40-54 ёшдаги аҳоли қатлами фуқаролар фаоллигида жонбозлик кўрсатишади. Кўнгиллилар томонидан йилига ижтимоий фойдали ишларга 750 млн. соат вақт сарфланган бўлиб, уларнинг фаолиятидан келадиган иқтисодий самара давлат ЯИМнинг деярли 37 фоизини ташкил этади<sup>27</sup>.

Данияда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги йиллар давомида шаклланиб келган. Данияда турли клублар шаклидаги ННТлар фаолияти оммалашган бўлиб, улар мустақил институтлар, ҳайрия жамғармалари шаклида фаолият юргизиб фуқаролар фаоллигини оширишда ва молиявий қўллаб-қувватлашда катта роль ўйнайди. Тадқиқот натижаларига кўра, Дания қироллиги ЯИМнинг 9,6 фоизи учинчи сектор ҳиссасига тўғри келади. Мустақил институтлар томонидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсати, ижтимоий, коммунал, соғлиқни сақлаш, обшина марказлари, музейлар, спорт клублари фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Германиядаги каби Данияда ҳам учинчи секторнинг ўсиш суръатлари жуда юқори ва бу муқим трендга айланган. ННТларнинг аксарият қисми 1975 йилда ташкил топган ва 2017 йил маълумотларига кўра, аҳолининг учдан икки қисми фуқаролар фаоллиги билан шуғулланишади. Шунинг учун ҳам учинчи сектор фаолияти барқарор ривожланмоқда. Бугунги кунда, Дания фуқаролари нодавлат секторда бир ойда ўртacha 16 соат ишлашади. Аҳолининг энг фаол қисми 36-45 ёшдаги фуқаролар ташкил этади. Ҳудуди жиҳатдан кичкина бўлган Данияда 65 тага

<sup>27</sup> Freiwilligenarbeit in der Schweiz. 2010. 20 Wirtschaftliche und soziale Situation der Bevölkerung. Bundesamt für Statistik (BFS). Neuchâtel, 2011. -S.4.

яқин күнгиллилар агентликлари мавжуддир<sup>28</sup>. 2013 йилда ҳукумат томонидан давлат бошқаруви органлари ва нодавлат ташкилотларнинг фаолияти ва функционал вазифаларини аниқ белгилаб берувчи ҳужжат қабул қилинган. Унда ўзаро ижтимоий шериклик соҳаси ва механизмлари ҳам ўз аксини топган.

**Италияда** ННТлар, жамғармалар ва күнгиллилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи доимий қўмита фаолият олиб боради. Ҳозирда Италияда 2 млн. фуқаро фуқаролар фаоллиги – волонтёрлик билан доимий асосда шуғулланади. Мамлакатда фуқаролар фаоллигини янада ривожлантириш мақсадида «Ижтимоий күнгиллилар тўғрисида»ги қонун қабул қилинган<sup>29</sup>.

**Жанубий Кореяда** 2001 йилда 4 млн. фуқаро күнгиллилар сифатида ННТларда фаолият олиб борган ва 450 млн. соат вақтларини ижтимоий фойдали ишларга сарфлаганлар. **Японияда** эса бу кўрсаткич аҳолининг 26 фоизга яқинини ташкил этади.

Евropa тадқиқот институтларидан бири Values Survey<sup>30</sup> томонидан фуқаролар фаоллиги ва волонтёрликни ривожланиши доимий равишда тизимли баҳоланиб, таҳлил этиб борилади. Тадқиқот натижаларига кўра күнгиллилар ҳаракати, фуқаролар фаоллигининг ошиши охир-оқибат фуқаролик жамиятининг ривожига олиб келади. Волонтёрлик фаолиятига йилдан йилга кўплаб инсонлар жалб қилинмоқда ва у ўз мамлакати равнақига ҳисса қўшиш истагида бўлган барча инсонларни бирлаштирадиган глобал жараёнга айланиб улгурди. Фикримиз исботи сифатида, 1990 йилда Халқаро Волонтёрлар Ассоциацияси Конгреси томонидан қабул қилинган «Бутун дунё волонтёрлар декларацияси»ни алоҳида эътироф қилишимиз лозим.

<sup>28</sup> The National Civil Society Strategy in Denmark. [Электрон манба] URL:<http://english.sm.dk/social-issues/civil-society/sider/start.aspx> (Мурожаат қилинган сана: 17.02.2018).

<sup>29</sup> Сергиевская И.А. Волонтерство в контексте занятости. [Электрон манба] URL:<https://en.creativeeconomy.ru/lib/36094> (Мурожаат қилинган сана: 17.02.2018).

<sup>30</sup> **World Values Survey** - Инсонларнинг қадрият ва ишонч даражаси, ҳамда уни ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсирини тадқиқ этувчи бутунжаҳон илмий лойиҳаси. Лойиҳа 1981 йилдан бошланган бўлиб, халқаро социологлар ассоциацияси ёрдамида ҳамда дунёнинг 100 га яқин давлатларида ўтказилади. <http://www.worldvaluessurvey.org/wvs.jsp>.

1996 йилда ЕИ томонидан «Европа волонтёрлик хизмати» (EVS) ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси сифатида ёшларнинг ижтимоийлашуви, жамиятда фуқаролар фаоллигини оширишга ҳамда ижтимоий капиталнинг мустаҳкамланишини рағбатлантириб боради. Бу билан ташкилот ёшларни фаол фуқаролик позицияси, маданияти, демократик тамойилларга амал қилишлари ва фуқаролик жамиятини ривожланишига тўғридан-тўғри кўмаклашади<sup>31</sup>.

Бугунги кунда, дунё бўйича қўнгиллилар фаолияти жамиятнинг турли соҳаларини қамраб олиб, давлатнинг ижтимоий сиёсатида катта роль ўйнамоқда. Жумладан, улар:

- жамиятнинг кам таъминланган, ёлғиз кексалар, оғир касаллар, отаонасиз ва васийликсиз қолган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- гиёҳвандлик, алкоголизм ва ВИЧ инфекцияга қарши кураш ва профилактика қилиш;
- инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг манфаатларини илгари суриш (Advocacy);
- моддий ва маънавий тарихий қадриятларни сақлаш, қайта тиклаш ва келажак авлодга тўлиқлигича етказиб бериш;
- ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни (илмий, маданий-маърифий, спорт-кўнгилочар ва б.) ташкиллаштириш ва уларга фуқароларни кенгроқ жалб қилиш;
- атроф-мухит ва экологияни асраш;
- турли конфликтлар ва ижтимоий ихтилофлар жабрдийдаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда реабилитация қилиш.

Ўзбекистонда волонтёрлик фаолияти замонавий кўринишда мустақилликдан сўнг шаклланди, дейишимиз мумкин. Бугунги кунда, у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бир қанча қонунларга асосланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-

---

<sup>31</sup> «Европа волонтёрлик хизмати» (European Voluntary Service) билан ташкилотнинг расмий сайтида танишиш мумкин. URL: <https://europeanvoluntaryservice.org>.

моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиши ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиши, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириши ва такомиллаштириши йўли билан амалга оширилади», 33-моддасида «Фуқаролар ўз ижтимоий фаоликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йизилишилар ва намойишлар шаклида амалга ошириши ҳуқуқига эгадирлар», 34-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиши, оммавий ҳаракатларда иштирок этиши ҳуқуқига эгадирлар»<sup>32</sup> дея белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунида: «Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқарииш ва ҳимоя қилиши; фуқароларнинг фаолиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришида уларнинг иштирок этишини ривожлантириши; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишиларини қондириши; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириши; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаши, хайрия фаолиятида қатнашиши; маданий-маърифий, физкультура-согломлаштириши ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиши; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириши, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда таъкидланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириши мақсадида тузилади»,<sup>33</sup> деб асослаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасида: «Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон». 2017.

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни, 3-моддаси. Т., 1991 й.

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиши, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиши, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириши, ҳайрия фаолиятини амалга ошириши учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилиши»,<sup>34</sup> каби принциплар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти шаклланишига фуқаролар фаоллигисиз эришиб бўлмайди. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролар фаоллиги тушунчаси доимий равишда соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, дам олиш, фан-таълим, тарбия соҳаларида кенг ишлатилмоқда.

2019 йил 3 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Волонтёрлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳам бу борада катта ижтимоий аҳамият касб этади. Қонунга мувофиқ, волонтёрлик фаолияти – жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бепул асосда амалга ошириладиган, жамоат учун фойдали бўлган ихтиёрий фаолият тури хисобланади.

Волонтёрлик фаолияти қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- якка тартибдаги волонтёрлик фаолияти;
- волонтёрлар груҳи таркибидаги волонтёрлик фаолияти;
- волонтёрлик ташкилоти орқали волонтёрлик фаолияти.

Кам таъминланганларни, иксизларни, кўп болалиларни ва бошқа шу каби шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ёрдам кўрсатиш волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш йўналишларидан биридир. Қонунга мувофиқ 18 ёшга тўлган жисмоний шахслар волонтёрлик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Волонтёрлик волонтёр ва волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси ўртасида ёзма шаклда тузилган шартнома асосида амалга оширилиши

---

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни. Т., «Ўзбекистон». 1999.

мумкин. Волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси, агар у волонтёрлик фаолияти билан ойига 20 соатдан кўпроқ банд бўлса, волонтёр билан волонтёрлик шартномасини тузиши шарт. Волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси волонтёрга маҳсус кийим-бош беради ҳамда волонтёрлик акцияси ўтказилаётган жойга келиб кетиши учун йўл ҳақи, яшаш, овқатланиш ва бошқа харажатларининг ўрнини қоплади<sup>35</sup>.

Шунингдек, фуқаролар фаоллиги жамиятда ахолининг, айниқса, ёшларимизнинг хуқуқий-сиёсий маданияти ва фаоллиги даражаси билан ҳам белгиланади. Ёшлар қатлами ҳаётимизнинг барча соҳаларида, жумладан, иқтисодий соҳада ва тадбиркорлик йўналишида ҳам ўзини намоён этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг маълумотларига кўра мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларининг 37 фоизга яқинини айнан 35 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ёшларининг сиёсий фаоллиги ҳам сезиларли даражада ошди. Мисол учун, ҳозирги кунда 1) ЎзЛиДепнинг 40%, 2) «Миллий тикланиш» ДПнинг 42,3%, 3) Халқ демократик партиясининг 31,2%, 4) «Адолат» СДПнинг 30,5% аъзолари ёшларни (30 ёшгача) ташкил этади<sup>36</sup>. Ҳар бир сиёсий партиялар тизимида электорат билан ишлаш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтириш, «ёшлар қанотлари» орқали сиёсий партиялар сафига иқтидорли, ташаббускор ва фаол йигит-қизларни жалб қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Фридрих Эберт халқаро фонди ташаббуси билан 2016 йилда ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, Ўзбекистон ёшларининг кўпчилик қисми (52,7%) мамлакатда содир бўлаётган сиёсий жараёнларга у ёки бу даражадаги қизиқишлирини билдиришган. Сўровда иштирок этганларнинг 87,5% давлат ва жамият сиёсий ҳаётидаги муҳим

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Волонтёрлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>36</sup> Фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятнинг хуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга оид Ўзбекистон тажрибаси. Ўқув қўлланма. Т., 2017. Б.49.

воқеа – сайловларда иштирок этишларини маълум қилишади<sup>37</sup>. Кўриниб турибдики, ўсиб келаётган ёш авлод ҳар томонлама ташаббускор, илғор ҳамда жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий процессларда фаол тарзда иштирок этиб келадилар. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан ортигини айнан ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, мазкур ижтимоий феномен мамлакатимизни ижтимоий ва сиёсий модернизация қилишдаги ролини янада оширади.

Ўтган қисқа давр мобайнида, Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишининг ташкилий-хукуқий асослари яратилди. Айни пайтда турли фуқаролик жамияти институтлари, улар таркибида ташаббускор фуқароларимиз давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол қатнашиб келмоқда. Давлат томонидан фуқаролик жамияти ривожланиши, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда аҳоли фаоллигини ошириш учун зарурий шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатимизда қонунчилик базаси, маҳсус институционал асослар шаклланиши изчиллик билан давом этмоқда. Мазкур жараёнларда эса, фуқароларимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёшларимизнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги энг муҳим факторлардан бири бўлиб қолаверади.

## Таянч тушунчалар

*Фуқаро фаоллиги; социум; ижтимоий интеграция; «кўнгилли» (волонтёр); ижтимоий фойдали машгулом; шахс ташаббускорлиги; ижтимоий қадрият; фаол фуқаролик позицияси; сиёсий партияларга аъзолик; БМТнинг «халқаро кўнгиллилар куни»; ижтимоий хизматлар; Халқаро волонтёрлар ассоциацияси; ёшлар ташаббускорлиги.*

## Назорат учун савол ва топшириқлар

<sup>37</sup> Хурельман К., Тешендорф П. Молодежь Центральной Азии. Узбекистан: На основе социологического опроса. Алматы. 2016. С.150-151.

1. «Фуқаро фаоллиги» атамасига таъриф беринг.
2. Фуқаролар фаоллиги феноменининг фуқаролик жамияти тизимидағи ўрни ва роли қандай?
3. Волонтёрликни қандай ижтимоий фаолият тури киритишсиз мүмкін?
4. «Волонтёр» атамасининг келиб чиқиши ва турли давлатларда номланиши қандай?
5. Фуқаролик жамиятининг ажралмас феномени ҳисобланған – фуқаролар фаолигини илмий тадқиқ этгандықтан қайси олимларни биласиз?
6. Дунё мамлакатлари тажрибасида күнгиллилар ҳаракатини гапириб беринг.
7. Ўзбекистонда фуқаролар фаолигини таъминлашга қаратилған қандай қонунчилик асосларини биласиз?
8. Турли күнгиллилар ҳаракатлари жамиятда қандай функцияларни бажарышади?
9. Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишига қаратилған ишлар.
10. Сизнинг ўзингиз қайнадай жамоат ташкилотлари ва ННТлар фаолиятида қатнашасиз?

### **1.3 § Фуқаролик жамияти тизимида секторлараро ижтимоий шерикликнинг аҳамияти**

Бугунги куннинг ижтимоий-сиёсий инновацияларидан бири бу секторлараро ижтимоий шерикликдир. Мазкур институционал концепциянинг афзаллик томони шундаки – у давлат, жамият ва бизнес институтларининг конструктив ва ўзаро манфаат асосида ҳамкорликка киришишига ёрдам беради. Ижтимоий шериклик ўзига хос синергетик эфект бўлиб, томонларнинг ҳар бирига манфаат келтириш асосида бутун жамият тараққиётiga хизмат қилади. Секторлараро ижтимоий шериклик модели ва унинг механизмлари, айниқса, Европа ва АҚШ мамлакатларида фаол тарзда ҳаётга тадбиқ этиб борилмоқда.

Рус тадқиқотчиси А.Н.Михеевнинг таъкидлашича, «секторлараро шериклик энг аввало шерикларнинг мақсадлари, маштаби, мураккаблиги, ҳаракат даражаси (локал ёки глобал), кўлами ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради». Уларнинг ҳаракатлари турли-туман масалаларнинг ечимиға қаратилган бўлиб, асосан жамиятнинг барқарор тараққиётiga хизмат қилади. Секторлараро ижтимоий шериклик кун тартибини белгилаш ва қабул қилинган қарорларни ҳаётда таъминлашга ҳам қаратилади. Улар маҳаллий, миллий ва глобал даражада мавжуд бўлсаларда, айрим шериклик ўз навбатида бир нечта даражани ҳам қамраб олиши мумкин. Пировардида эса, «секторлараро шериклик ўзига турли хил манфаатдор томонларни жамлайди ва уларга янги имкониятларни очиб беришга ёрдам беради»<sup>38</sup>.

«Секторлараро ижтимоий шериклик» категориясини инсониятнинг барқарор тараққиётга эришиш мақсади учун шериклар ўртасидаги алоҳида муносабат шакли сифатида эътироф этишимиз мумкин. Бугунги кунда, секторлараро ижтимоий шериклик масаласи нафақат файласуф, социолог, сиёсатшунос ва бошқа олимларнинг, балки амалиётда ижтимоий-иктисодий

<sup>38</sup> Михеев А.Н. Многосторонние партнерства: определение, принципы, типология, процесс осуществления // Информационное общество. 2005. № 3. С.18-25.

ривожланиш масалалари билан шуғулланувчи турли даражадаги давлат органларининг ҳам диққат-эътиборидадир. Сўнгги йилларда жамиятда ижтимоий шерикликка эътиборнинг ортиши гносеологик ва амалий аҳамиятга эга бўлган бир қатор омилларга боғлик дейишимиш мумкин.

Манфаатларнинг яқинлашуви асосида шаклланган секторлараро ижтимоий шериклик ёки унинг бошқачароқ формаси бўлган давлат, бизнес ва фуқаролик жамияти ўртасидаги структуравий ҳамкорлик, энг аввало, жамиятда умумий фаровонликка эришиш мақсадини кўзлаган синергетик эфектга қаратилган бўлади.

Шериклик турли даража ва шаклларни қамраб олади, аммо бунда иштирокчилар мустақил равища ҳаракат қилишдан кўра бошқа соҳалар (секторлар) билан стратегик ҳамкорлик орқали ўз мақсадларига янада самарали равища эришишлари мумкин. Бу жараёнда эса ресурсларни бирлаштириш, хавфларни аниқлаш, фойдани тақсимлаш асосида ягона организмга айлантириш орқали устуворликка эришилади. Секторлараро ижтимоий шерикчиликнинг тараққий этиши ўз тарихига эга бўлиб, у нафақат ривожланган давлатларда, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам жадаллик билан ҳаётга татбиқ этиб борилмоқда. Дарҳақиқат, шериклик бугунги кунда турли хил терминологик ривожланишга эга бўлсада, давлат, жамият ва бизнес ресурсларини ягона тамойиллар асосида бирлаштирадиган бошқарувнинг янги модели сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, шиддат билан ўзгариб бораётган шароитларда давлат органлари томонидан тўғри ва оптималь қарорлар қабул қилиш анъанавий бошқарув моделларида муаммо ва дифицитнинг юзага келиши асносида жамиятда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти янада ошиб бораверади.

Ижтимоий шерикликнинг «энг яхши амалиёт»га асосланган тамойилларини яратиш ҳаракатларига қарамасдан, илмий манбалар ва сиёсий таҳлилга асосланиб шуни таъкидлаш лозимки, секторлараро шериклик – бу

маълум маънодаги қарама-қаршиликка эга ва шунинг билан бирга умумий фаровонликни кўзловчи ижтимоий ҳодисадир<sup>39</sup>.

Фикримизнинг яққол намунаси сифатида эътироф қиласизки, масалан, 1999 йилда Жаҳон иқтисодий форумида БМТ Бош котиби Кофи Аннан бизнес тармоқларини секторлараро ижтимоий шерикликда фаол иштирок этишга чақирди, ҳамда 2002 йилда Йоханнесбургда Барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммитида ҳукумат, жамоат ташкилотлари ва бизнес ўртасидаги деярли 300 дан ортиқ шериклик алоқалари ҳақида эълон қилинди. 2010 йилга келиб секторлараро шерикликни ривожлантиришга қаратилган бир нечта ташкилот ва лойиҳалар вужудга келди, булар жумласига Европа Иттифоқида “LIDER+” дастури, Африка мамлакатларида БМТнинг тараққиёт дастури (UNDP) ва БМТнинг капитал ривожланиш фонди (UNCDF) каби лойиҳа ва дастурларни эътироф этишимиз мумкин.

Бугунги кунда, шерикликнинг самарадорлигини аниқлаш учун маълум даражадаги тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, мазкур изланишлар асосида секторлараро ижтимоий шерикликнинг ривожи бўйича бир қанча тамойиллар ишлаб чиқилган. Ушбу тамойиллар қуйидаги талабларга асосланади: 1) ижтимоий шерикликни эътироф этиш ва қабул қилиш; 2) аниқ ва амалга оширилиши мумкин бўлган мақсадларни ишлаб чиқиш; 3) мажбуриятлар ва эгаликни таъминлаш; 4) ишончни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш; 5) шерикликнинг аниқ ва мустаҳкам механизмларини яратиш; ва 6) мониторинг, баҳолаш ва ўқитиш<sup>40</sup>. Юқорида қайд этилган дастлабки учта принципдаги асосий хусусият шундаки, ижтимоий шерикликнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса эканлигини ҳамда барча секторлар учун зарурий аҳамият касб этишини англашимиз мумкин.

Секторлараро ижтимоий шериклик бугунги кунда мамлакат ҳаётидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш, фуқаролик жамияти ривожига муҳим ҳисса

<sup>39</sup> Плотников А.И. Межсекторное партнерство как социальная инновация для муниципальной власти России // Современные научные исследования и инновации. 2011. №1. [Электрон манба] URL: <http://web.sciencedata.ru/issues/2011/05/404> (Мурожаат қилинган сана: 20.02.2018).

<sup>40</sup> Ўша жойда.

кўшиш ва жамиятда ижтимоий капитални шакллантиришда ўзига хос юксак салоҳиятга эга модел сифатида илгари суримоқда.

**Давлат секторининг жамоат ташкилотлари билан шериклик ўрнатиши давлат тизимининг легитимлигини оширишига ёрдам берувчи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.** **Жамоат ташкилотлари** учун эса мазкур шериклик ташкилий ривожланиш, қўшимча ресурсларга эга бўлиш, лоббизм маҳоратининг шаклланиши, ННТнинг жамиятда тан олиниши ва статусининг мустаҳкамланиши билан изоҳланади. Мазкур шериклик **бизнес сектори** учун ўз брендининг обрўсини яхшилаш, маҳаллий бозорларда унга бўлган ижобий муносабат шаклланиши, рискларни бошқариш имкониятини кенгайтириш, янги кадрларни жалб қилиш, ушлаб туриш ва мотивациясини оширишга ёрдам бергани ҳолда бизнеснинг гуманизациясига асос бўлиб хизмат қилади<sup>41</sup>.

Ўзининг специфик ресурсларига эга бўлган мазкур томонлар алоҳида алоҳида ҳолатда жамият ҳаётининг барча қисмини қамраб ололмайди, ўз имкониятларини бирлаштирган шароитда эса тараққиётга самарали таъсир этишлари мумкин. Секторлараро ижтимоий шериклик доирасидаги турли институтлар, хоҳланг бу: тадбиркорларнинг васийлик ёки жамоатчилик кенгашлари, жамоатчилик эшитувлари, инсон ҳуқуqlари институтлари, ёшлар парламентлари, бизнес ассоциациялар ва турли бошқа турдаги уч томонлама шерикликнинг субъекти ҳисобланган тизилмалар бўлсин, охироқибат фуқаролик жамияти ривожланиши учун шарт-шароит яратиб беради.

Секторлараро ижтимоий шериклик концепциясининг генезисига эътибор қаратадиган бўлсак, муҳим факторлардан бири бу мазкур ижтимоий ҳодисанинг миллий фанимиз учун нисбатан янги йўналиш сифатида эътироф этишимиз мумкин. Масалан, собиқ Совет Иттифоқи даврида ҳар қандай ижтимоий шериклик категорияси илмий тадқиқот предмети бўла олмаган, чунки у синфийлик назариясининг асосий қоидалари ва расмий мафкуравий

---

<sup>41</sup> Jorgensen M. Evaluating cross-sectoral partnerships; Working paper presented at the conference “Public-private partnerships in the post WSSD context”; Copenhagen Business School; 2006. -Pp.17-20.

йўналишига зид, дея қаралар эди. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик фақатгина капиталистик ижтимоий муносабатларга хос бўлган ҳодиса сифатида талқин этиб келинган. Бугунги кунга келиб эса, хуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнларини секторлараро ижтимоий шерикликсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда ижтимоий шериклик институтининг яратилиши, ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ҳамда қонунчилик асослари мустаҳкамланди. Шунингдек, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда. Ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда парламент ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ННТ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари, шакллари ҳамда мезонлари шакллантирилмоқда. Айни пайтда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида хуқуқ-тартибот органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро алоқалари механизми, ушбу жабҳадаги халқаро тажрибага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантиришда давлат, хусусий ва нодавлат сектори вакиллари фақатгина мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар, хуқуқий нормалардан хабардор бўлиши эмас, балки ижтимоий фаровонликка, юрт равнақига, аҳолининг турмуш даражасини янада ошишига ҳисса қўшувчи фаолиятда иштирок этиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий шериклик давлат органлари раҳбарларини жамоат ташкилотлари билан дўстона муносабатларни ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш ва уни доимо мустаҳкамлаб боришга хизмат қиласи.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепцияси» ННТлар фаолиятини янада фаоллаштириш ҳамда уларнинг иш кўлами, жамият ва давлат бошқарувидаги ваколатларини кенгайтиришда янги босқичга асос солди. Сўнгги йилларда фуқаролик жамиятини барқарор ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларнинг қабул қилиниши фикримизнинг ёрқин намунасиdir.

Жамоатчиликнинг кенг муҳокамаларидан сўнг 2013 йилда «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. У экологик назоратни амалга ошириш, ҳудудларда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича вазият устидан мониторинг олиб боришда, бу борада ННТ ҳамда бутун жамиятимиз иштирокини янада фаоллаштиришга йўналтирилган.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг амалиётга жорий этилиши ҳам бу борада катта роль ўйнади. Боиси, унга мувофиқ, аҳоли ҳамда жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган, авваламбор, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришлари таъминланмоқда.

«Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади»<sup>42</sup>, – деган эди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов. Шу асосда, 2014 йилнинг 25 сентябрида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди ва 2015 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди.

---

<sup>42</sup> Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т., 2011. Т 19. Б: 94

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун 5 боб ва 30 та моддадан иборат бўлиб, 1-боб умумий қоидаларга бағишиланган. Ушбу бобда қонуннинг мақсади, ижтимоий шериклик тушунчаси, субъектлари, асосий принциплари ва соҳалари очиб берилган.

Хусусан, қонунда ижтимоий шерикликка қўйидагича таъриф берилади: «Ижтимоий шериклик – давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-хуқуқий хужжатларни ҳамда фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир»<sup>43</sup>.

Бугун ижтимоий шериклик институти ривожланиб бораётгани туфайли ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонун лойиҳаларини, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид муҳим дастурларни ишлаб чиқиша фаол иштирок этмоқда, ушбу дастурларнинг амалга оширилишига бевосита ҳисса қўшаяпти, уларнинг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқда, давлат ва жамият ўртасида асосий ижтимоий масалаларни ҳал этишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда,<sup>44</sup> дея таъкидлайди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Г.Хотамова.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунда – фаоллик, ташаббускорлик, ижтимоий масъулият ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда давлат ва жамиятнинг мустаҳкам ҳамкорлиги механизмларини яратиш мақсад қилиб қўйилган<sup>45</sup>.

Ушбу Қонунлар қабул қилингунгача давлат ва ННТ ўртасидаги муносабатлар миллий қонунчилигимиздаги 30 дан ортиқ қонун ҳамда 100 дан зиёд бошқа норматив-хуқуқий хужжатларида қамраб олинган эди.

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шерик тўғрисида»ги Қонуни, З-модда. Т., 2014 й.

<sup>44</sup> Ижтимоий шериклик – фаолият мезони://«Халқ сўзи». 2015 й. 3 ноябрь.

<sup>45</sup> Нодавлат ташкилотларини самарали ривожлантириш. Услубий қўлланма.Т.: 2015 й. Б.203.

Қолаверса, ҳокимият ва ННТ алоқаларининг шакллари, тамойиллари, механизмларининг изчил тизими, турли қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топган ҳар икки томоннинг хуқуqlари ҳамда мажбуриятларини назарда тутувчи яхлит кодификацияланган хуқуқий ҳужжат йўқ эди<sup>46</sup>.

Қонунга мувофиқ ижтимоий шерикликнинг субъектлари сифатида бир томондан давлат органлари, иккинчи томондан эса, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этадилар. Дунё тажрибасини инобатга олиб, бу тизимни «трипартизм» асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида ижтимоий шерикликнинг амалдаги «давлат + фуқаролик жамияти институтлари» механизмини «давлат + фуқаролик жамияти институтлари + тадбиркорлик субъектлари» механизмига ўзгартериш лойиҳаси киритилган<sup>47</sup>.

Бу эса, энг аввало, ижтимоий шерикликни амалга оширишда иштирок этадиган субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишга, республика давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назорати механизмларини кучайтиришга ва охир-оқибат том маънодаги фуқаролик жамияти ривожига ижобий таъсир этади.

Қонуннинг 2-боби ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартибини белгилайди. Унда ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари сифатида:

- ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат

<sup>46</sup> Махсумов С. «Ахолининг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзууда халқаро конференция материаллари. [www.UzA.uz](http://www.UzA.uz) – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. 2015. 2 ноябрь.

<sup>47</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироқи;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари хузуридаги ишчи гурӯхлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргалиқда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш;
- ижтимоий шериклик субъектлари томонидан битимлар ва шартномалар тузиш, биргалиқдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш кабилар белгиланиб, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари кўрсатилган.

Германиянинг Ф.Эберт фонди эксперти, сиёsatшунос ҳамда публицист Серж Эмбахер: «Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнининг ўзи давлат ва жамият ўзаро ҳамкорликдан нақадар манфаатдор эканлигини кўрсатди. Бугун мазкур қонун самарали ишламоқда. Фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари билан конструктив муносабатга киришар экан, жамият ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни шакллантиради, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини илгари суради, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлайди. Ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий, социал ҳамда гуманитар ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда аҳоли фаоллигини оширади, инсонлар фаровонлиги ва турмуш ободлигини, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади»,<sup>48</sup> дея таъриф беради.

<sup>48</sup> Ижтимоий шериклик - фаолият мезони. «Аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантаришнинг долзарб масалалари» мавзууда ҳалқаро конференция бўлиб ўтди:// «Халқ сўзи» 2015 й. 2 ноябрь.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунидан келиб чиқиб Республикализнинг барча худудларида маҳаллий вакиллик органлари хузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари шакллантирилди. Бу эса, жамиятда ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар давлат ва фуқаролик институтлари ҳамкорлигини ривожлантиришга, маҳаллий ҳокимият вакиллик ҳамда ижро органлари фуқаролик жамияти институтларининг эмин-эркин ривожланиши, жамиятда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги роли ва масъулиятини оширишга хизмат қиласиди.

Умуман олиб қараганда, давлат томонидан ижтимоий шерикликни ривожлантириш сиёсати қўйидагилар билан изоҳланади:

- ижтимоий шерикликни мувофиқлаштирувчи қонунчилик базасини шаклланишига замин яратади;
- ижтимоий соҳада қарорлар қабул қилишда нодавлат сектори вакилларини бевосита иштирок этиши таъминлайди;
- ижтимоий шерикликнинг янги қирралари, метод ва воситалари ишлаб чиқлади;
- ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг ахборот маконини вужудга келтириш, яъни аҳолининг ахборотга бўлган талаби, эҳтиёжи қондирлади;
- ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал қилинишида ижтимоий шериклик борасида жамоатчилик фикри шакллантирилади;
- нодавлат субъектларининг давлат бюджетидан молиявий қўллаб-куватлаш, унинг ижтимоий соҳадаги сиёсати «ижтимоий дастурлар» сифатида амалга оширилади. Дастурлар ижросини таъминлашда ННТлар фаол тарзда жалб қилинади;
- худудий дастурларни амалга оширишда, аҳолини манзилли қўллаб-куватлашда ННТлар салоҳияти, тажрибасидан фойдаланилади. Яъни,

давлат дастуридаги ижтимоий хизматлар ННТлар орқали аҳолининг мухтоҷ қатламига етказилади;

- давлат дастурларини амалга оширилишида учта секторнинг масъулиятини бир хил тарзда ортиши таъминланади;
- давлат дастурларини амалга оширишда барча иштирокчиларга солик имтиёzlари ва ҳуқуқий кафолатлар тақдим этилади;
- ижтимоий шериклик тамойиллари, механизмлари қонуний, бир вақтнинг ўзида очиқ ва шаффоф бўлишини тақозо қиласди.

**Юқоридаги принципларни инобатга олиниши ўз навбатида жамиятда қўйидаги ижобий эфектларга асос бўлади:**

- секторлараро муносабатларда ўзаро ишончнинг ортишига;
- ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишларини кашф этилишига;
- ижтимоий хизматлар соҳасида янги иш ўринларини вужудга келиши;
- меҳнат бозори сегментининг ошишига;
- меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасида мувозанат, мувофиқлашувни вужудга келишига;
- нодавлат секторида фуқаролар фаоллигини кучайишига;
- жамиятнинг ҳар томонлама барқарор ривожланиши ва бошқалар.

Демак, ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантириш объектив зарурий ҳолат бўлиб, унинг меҳнат муносабатлари, ижтимоий хизматлар соҳасида мавжудлиги кутилган ижобий натижаларни беради.

Шунинг билан бирга, Ўзбекистонда ижтимоий шериклик асосларини таҳлил қилас, эканмиз, айrim жиҳатларга янада чуқурроқ эътибор қаратиш лозим, деган холосалар пайдо бўлади. Масалан, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий шериклик феномени ўз иштирокчиларидан энг аввало профессионализмни талаб этади ва шу билан бирга, зиммасига юклатилган вазифаларни тўла-тўқис бажаришда масъулиятни ҳис қилишлари лозим бўлади. Ижтимоий шериклик самарасини аниqlаш учун тизимли мониторинг олиб борилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Кўзланган асосий мақсад ижтимоий шерикликнинг ривожланиш даражаси, мавжуд муаммолар,

камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга имкон беради. Бироқ, бугунги кунгача ижтимоий шерикликни мониторинг қилиш мезонлари аниқ ва равshan шаклантирилмаган. Бу борада олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар кетмоқда.

Аксарият ҳолларда ННТларнинг ижтимоий шерикликда фаол иштирок этмасликлари сабабларидан бири уларнинг фаолиятини тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва мувофиқлаштирилмагани ҳисобланади. ННТларнинг институционаллашуви масаласида ҳам сусткашлик рўй бермоқда. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари ҳам бор албатта.

*«Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши борасида амалга ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли бекиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз, – дея эътироф этади Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, – аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиши, уларни аниқ ҳал этиши, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлиар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиши, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти»<sup>49</sup>.*

Бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, дунёда кечеётган ижтимоий-сиёсий тенденциялар шуни кўрсатмоқдаки, секторлараро ижтимоий шерикликни қай даражада муваффақиятли йўлга қўйиш давлат ва жамиятнинг тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин. Шунинг билан бирга, ижтимоий шериклик тамойиллари фуқаролик жамиятини шакллантираётган ва бозор иқтисодиётини ривожлантираётган Ўзбекистон учун ҳам стратегик аҳамият касб этади. Мамлақатимизда том маънодаги ижтимоий шериклик тамойилларини мустаҳкамлаш жамият ижтимоий муносабатлар субъектлари ўртасида ижтимоий келишувни таъминлаш, ўзаро

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти:  
URL:<http://president.uz/uz/lists/view/1371>.

ижтимоий ҳамжиҳатликка, миллатлараро тотувликка, давлат бошқаруви органларининг бизнес тизилмалар ва жамоат ташкилотлари билан бўладиган мулоқотларини мўътадиллаштиришга хизмат қиласди. Ижтимоий бирдамликни ва ижтимоий шерикликни таъминлаш – аҳолининг турли қатлам ва ижтимоий гурухлари ўртасидаги зиддият ва тенгсизликларни бартараф қилишга, пировардида эса фуқаролик жамияти ривожланишига олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, секторлараро ижтимоий шериклик серқирра ва кўп тармоқли феномен ҳисобланиб, у жамиятнинг барча институционал компонентларини синхрон ҳаракати асосида ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин. Масалан, секторлараро ижтимоий шериклик тизимида давлат институти алоҳида ўринга эга. Жамиятда нодавлат секторини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришга ёрдам берадиган янги инновацион ғоялар ва технологияларни ҳаётимизга татбиқ қилишга асосланган қонунларни қабул қилиш унинг зиммасидаги энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Давлатнинг мажбуриятларидан яна бири, бу мамлакатда ижтимоий соҳани ривожланишига ёрдам берувчи мақсадли дастурларни шакллантиришdir. Лекин, давлат тизимларида ўрнатилган қаттиқ бюрократик аппарат мазкур жараённи самарали бўлишига ҳар доим ҳам имконият беравермайди.

Бизнес секторнинг асосий вазифаси, энг аввало, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш асосида жамиятнинг турли секторларида фаолият олиб бораётган фуқароларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳамда секторлар ўртасидаги товар ва хизматлар айланмасини таъминлаш ва ошириб борищдан иборатdir. Шунингдек, бизнес сектор жамиятда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш жараёнларида маълум даражада иштирок этади. Бу жараён тадбиркорлик фаолиятини юргизувчи ассоциациялар ва алоҳида бизнесменлар томонидан турли хил хайрия ёрдамлари ва ҳомийликлар шаклида олиб борилади.

Нотижорат бирлашмалар жамият ижтимоий шериклик тизимида учинчи секторни ташкил этиб, мазкур сектор ўзида, биргаликда турли хил ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида уюшган фуқароларни бирлаштиради. Бундан ташқари, нотижорат ташкилотлари умумий муаммоларни ечими борасида ўзининг ғоялари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Нотижорат характердаги ташкилот ва ассоциацияларнинг муҳим вазифаларидан яна бири бу – давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳисобланади. Мазкур функцияни амалга оширишда эса ННТлар фаолиятига кўнгиллилар жалб этилади.

Шунинг билан бирга, нодавлат нотижорат секторнинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Масалан, мазкур ташкилотлар ўз мақсад ва вазифаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун мунтазам молиявий манбаларга эга эмаслар. Нодавлат ташкилотларининг яна бир камчилиги шундаки, унинг аъзолари орасида маълум даражадаги тартиб-интизомнинг сустлиги билан ҳам изоҳлашимиз мумкин. Уларнинг кўпчилиги нодавлат ташкилотлар сафида узоқ муддат фаолият юргизмайди ва кадрлар алмашинуви жуда тезлиқда амалга оширилиб борилади.

Шунинг билан бирга, сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳалқ билан мулоқотни йўлга қўйилиши, фаол тадбиркорликни қўллаб-куватлаш, давлат ва жамият бошқарувига инновацион ғоялар ва технологияларни жалб қилиш мамлакатимизни сиёсий модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида учта секторнинг ижтимоий масъулиятини янада оширишга замин яратмоқда. Бунда давлат, тадбиркорлик ва нодавлат секторларнинг юрт келажаги ва жамият фаровонлиги йўлидаги ўзаро шериклиги – келажак тараққиётимизни белгиловчи бош омиллардан бири бўлиб қолаверади.

### **Таянч тушунчалар**

*Секторлараро ижтимоий шериклик; барқарор тараққиёт; давлат секторининг легитимлиги; лоббизм маҳорати; жамоат ташкилотлари статуси; бизнес сектори бренд; мотивация; ижтимоий шериклик*

мезонлари; «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун; давлат дастурлари; аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиши; ижтимоий масъулият.

### **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. Секторлараро ижтимоий шериклик деганда нимани тушинасиз?
2. Секторлараро ижтимоий шерикликнинг тамойилларини санаб беринг.
3. Европа Иттифоқининг “LIDER+” дастури ҳақида нималарни биласиз?
4. Ижтимоий шериклик тизимида давлат секторининг ўрни қандай?
5. Турли жамоат ташкилотлари учун ижтимоий шериклик қандай шаклларда намоён бўлади?
6. Бизнеснинг гуманизацияси деганда нимани тушинасиз?
7. Собиқ Совет иттифоқи даврида нега ижтимоий шериклик категорияси илмий тадқиқот предмети бўла олмаган?
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни ҳақида гапириб беринг.
9. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунга асосан ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари нималардан иборат?
10. Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий шерикликни амалга оширишдаги асосий муаммоларни санаб ўтинг.

## **І БОБ БҮЙИЧА ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР**

Давлат ва жамият қурилиши тобора тараққий этиб борар экан, ижтимоий ҳаётимиз ҳам унга хамоҳанг равища янгиланиб, бойиб бораверади. Том маънодаги хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётимизни либераллаштиришда эса фуқаролик жамияти институтларининг ўрни бекиёсдир. Улар жамиятда нафақат ташкилий-институционал вазифаларни, балки инсон ва ижтимоий капиталларнинг шаклланиши ва тобора ривожланиб, такомиллашиб бориши каби маънавий (ғоявий) функцияларни ҳам бажариб беради.

Фуқаролик жамияти, энг аввало, жамиятнинг ўзини ўзи ташкил қилиш шаклларини мувофиқлаштириб, ижтимоий ресурсларни индивид ёки ижтимоий гурухларга адолатли равища тақсимланишида муҳим роль ўйнайди. ННТлар эса, бу борада жамиятимизда мавжуд ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал қилишда фуқароларни бирлаштиради ва йўналтиради. Натижада фуқаролар ўртасида ўзаро ишонч, тушуниш, баҳамжиҳатлик, дўстлик ва энг муҳими – муаммолар ечимини топишда ноодатий усуслардан фойдаланиш, инновацион ғояларни шаклланишига замин яратди.

Бундан ташқари, ННТлар – фуқароларни давлат органлари билан ва аксинча, давлат ташкилотларини фуқаролар билан ҳамкорлик қилишининг ўзига хос «лабораторияси» вазифасини бажариб келади. Айнан шу лабораторияларда фуқароларни давлат органлари билан ҳамкорлигининг янги қирралари, йўналиш ва механизмлари апробациядан ўтказилади. Фуқаролик жамиятининг ривожи ва тараққий этиб бориши фуқароларнинг ННТлар фаолиятида кенгроқ иштирок этиши, умуман олганда, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражасининг ошиб боришида муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, дунёning ривожланган мамлакатлари тажрибасига эътибор қаратилса, аҳолининг катта қўпчилик қисми турли ННТларга бирлашган

ҳолда ижтимоий фойдали ишларда қантасиб келади. Шу асосида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб, хукуқий маданияти юксалиб боради. Натижада жамиятда янги қатлам – «кўнгиллилар» (волонтёрлар) қатлами ва «ижтимоий ишчи» (социальный работник) каби касб эгалари шаклана бормоқда.

Бунинг натижаси ўлароқ жамиятимизда, ўзида фуқаролик фаоллиги ва секторлараро ижтимоий шериклик каби фуқаролик жамиятининг ажралмас факторларини жамлаган *фуқаролик диалоги* феномени вужудга келишига асос бўлади. Фуқаролик диалоги шахс–жамият–давлат концепцияси доирасидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга, жамиятимизни ижтимоий-сиёсий модернизация қилишга ҳамда фуқаролар хукуқ ва эркинликларини таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» доирасида учинчи секторни янада ривожлантириш ва ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, фуқаролик фаолигини ошириш ҳамда жамиятимизда ижтимоий шерикликни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида бир қатор фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида чоралар кўрилди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида жамоат ташкилотларининг бир қатор янги нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ва қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифлари давлат томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунинг билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни асраш каби соҳаларда, шунингдек, аёллар ва ёшлар хуқуқларини таъминлаш, уларнинг мамлакатимизда рўй берадиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ислоҳотларда тўлақонли иштирокини таъминлаш, миллатлараро ва конфессиялараро тутувлик, маданиятлараро мустаҳкам

алоқани ўрнатиш, халқимизнинг кўп асрлик тарихий, маънавий-ахлоқий, маданий қадриятларини асрраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш ишларида давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ролини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, жамиятимизда ўзаро бирдамлик, меҳр-оқибат, дахлдорлик ва ишонч каби ахлоқий нормаларни жамлаган, фуқароларнинг манфаатли алоқалари, турли қўнгилли уюшма ва бирлашмалар асосида шаклланадиган, жамиятимизнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик асосларидан бири ҳисобланган – фуқаролик жамияти омилини янада бойиб бориши ва тараққий этишига ёрдам беради.

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИННИГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АСОСЛАРИ**

### **2.1. Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий мезонлари**

Бугунги кунда, ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиши ва ўз халқига муносиб турмуш даражасини таъминлаши учун энг аввало демократик бошқарув тизими, иқтисодий барқарорлик, мамлакатда қонун устуворлиги ва инсон хуқуқларининг таъминланиши, фуқаролик жамияти институтларининг ривожи, аҳолининг ижтимоий-сиёсий маданияти, фуқаролик позициясининг юқорилиги каби кўплаб омиллар асос бўлиб хизмат қиласди. Шу ўринда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳар бир мамлакат учун устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов таъбири билан айтганда: «*Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рӯёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунни бир вақтнинг ўзида амал қиласди, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади... Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт*»<sup>50</sup>. Фуқаролик жамияти, энг аввало, ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз аксини топиб, мамлакатда демократия, ҳукуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қиласди.

---

<sup>50</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1998. Б:139-140.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга ва унинг доимо тараққий этиб боришига жуда катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини, барча ҳаётий орзу-мақсадлари шу жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гурух, оила ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашдир. Бу сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва гурухлар ҳар бир инсонга ўзи яшаётган жамиятда ҳокимиятнинг манбай эканлигини, ҳуқуқ ва эркинликлари, қобилияти ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар<sup>51</sup>.

Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитидагина давлат тасарруфидан бўлмаган ташкилотлар, уюшмалар, эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро плюрализмига асосланган муносабатлар уйғунлигидан ташкил топади<sup>52</sup>.

Фуқаролик жамиятининг бирламчи асоси бу энг аввало шахс бўлиб, ва ундан кейин унинг томонидан асос солинган ижтимоий институтлар ҳисобланади. Ҳар бир шахс оила аъзоси, жамоат бирлашмаси иштирокчиси ёки ижтимоий институт фаоли сифатида фуқаролик жамияти ичидаги ҳуқуқий муносабатлар жараёнида иштирок этади. Шунинг билан бирга, инсонлар умумий муаммоларини биргаликда ҳал қилиши, жамиятнинг барча соҳаларида ўзларининг талаб ва манфаатларини ҳимоя қилишида фуқаролик жамиятининг муҳим ва ажralmas элементи ҳисобланган фуқаролик жамияти институтлари асосий роль ўйнайди. Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши борасида амалга

<sup>51</sup> Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2001. – Б.236-238.

<sup>52</sup> Кирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Т., Ўзбекистон, 2010. Б.247.

*ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли бекиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз*<sup>53</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади»<sup>54</sup>.

Маълумки, бугунги кунда дунё бўйича фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишини илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар асосида таҳлил қилиш кучайиб бормоқда. Шу ўринда, фуқаролик жамияти ривожланиш даражасини ўлчаш омили эмпирик тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Замонавий сиёсий-хуқуқий фанларда ҳар бир мамлакат мисолида фуқаролик жамияти ва демократиянинг ривожланиш даражасини аниқловчи кўплаб кўрсаткич – **индикаторлар**<sup>55</sup> ишлаб чиқилган бўлиб, улар тадқиқотлар давомида самарали қўлланилиб келинади.

Маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жамиятимизда шаклланаётган янги иқтисодий тизим билан бир қаторда, фуқароларимизнинг сиёсий тафаккурида ҳам юксалиш кузатилмоқда. Шу ўринда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини босқичмабосқич шаклланиб бораётгани, янги йўналиш ва компонентлар билан бойиб боришини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: URL:<http://president.uz/uz/lists/view/1371>.

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. XIII боб, 56-модда. Т., 2016 й.

<sup>55</sup> **Индикатор (индекс)** – бу бутун тизим ҳақида хулоса чиқаришга имкон берадиган маълумотлар фрагменти ҳисобланиб, даврийлик жиҳатидан ижтимоий-сиёсий тараққиётни белгилаб берувчи омил дея таърифлашимиз мумкин. Ҳар битта индикаторнинг динамикаси ўзига хос ёндашувга асосланиши лозим. Шунинг билан бирга, жамиятдаги мавжуд вазиятни «бир нигоҳ» билан баҳолашда индикаторларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта.

куйидаги мезон (индикатор)ларни ишлаб чиқиш ва концептуал жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдик:

**Биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари эркин ва мустақил фаолият юритиши учун самарали қонунчилик асосларининг яратилганлиги.** Шуни таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида «турли сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат тузилмаларининг фаол, энг муҳими, амалий фаолияти учун кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди»<sup>56</sup>. Мамлакатимизда фуқароларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қуллаб-кувватлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий асослари, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий ҳамкорлиги ривожланишининг яхлит бир тизимини белгилаб берди.

Айниқса, 2018 йил 4 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши ҳамда унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг тузилиши бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.


Бугунги кунда, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари сон ва сифат жиҳатидан ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд ҳамда 30 та халқаро ва

<sup>56</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т: «Ўзбекистон». 1998. Б:128.

хорижий нохукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда<sup>57</sup>.

Куйидаги жадваллар асосида Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланиш тенденциялари, уларнинг классификацияси ва жамиятнинг турли ижтиомий соҳалар кесимидаги ўрни статистик таҳлил қилинади.

## **2.1-Жадвал. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўсиш динамикаси<sup>58</sup>**



<sup>57</sup> Нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар соҳасида амалга оширилган ишлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълумотномаси. [Электрон манба] URL: <http://www.minjust.uz/uz/activity/nnosphere/89267/?print=Y> (Мурожаат қилиш санаси: 11.03.2018).


<sup>58</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Адлия вазарлиги маълумотлари асосида шакллантирилган. URL: <http://www.minjust.uz>.

## 2.2-Жадвал. Жамоат ташкилотларининг классификацияси<sup>59</sup>



<sup>59</sup> Республика жамоат ташкилотларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий статистик маълумотномасидан фойдаланилди. URL: <http://www.minjust.uz/ru/interactive/nnt/389/3144>.

## 2.3-Жадвал. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг соҳалар кесимидағи фаолияти<sup>60</sup>



**Иккинчидан, Республикаизда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти ривожланишининг иқтисодий ва ташкилий кафолатларини шаклланиши.** Мазкур соҳада 2008 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбилиари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори муҳим аҳамият касб этади. Шу асосида Парламент ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг ташкил этилиши ҳамда Фонд маблағларини

<sup>60</sup> Салихов Э.Т. Материалы международной научно-практической конференции «Роль институтов гражданского общества в охране и реализации трудовых прав граждан». 25 мая 2012 г. Ташкент.

бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилиши жуда катта ижтимоий ҳодиса бўлди.

#### **2.4-Жадвал. ННТларга давлат бюджетидан ажратилган маблағлар микдорининг ўсиш динамикаси<sup>61</sup>**



<sup>61</sup> Олий Мажлиси хузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси. [Электрон манба] URL:<http://www.fundngo.uz/uz/publications/item/224-fu-arolik-zhamiyatini-shakllanishida-nodavlat-tashkilotlarining-rni.html> (Мурожаат қилинган сана: 25.02.2018).

**Учинчидан, мамлакатимизда хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас бўғини ҳисобланган кўп partiya viliylik tizimi шакллантирилди.** Сиёсий партияларнинг хуқуқий асослари яратилиб, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва роли тобора кучайиб бормоқда. *Шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашиб, ўзининг нималарга қодир эканини исботлашига, амалда бу партияларни Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жорий этиб борилмоқда*<sup>62</sup>. Сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида самарадорлигини ошириш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Парламентда фракцияларнинг фаолияти, қонун лойиҳалари тайёрланиши жараёнидан тортиб тики назорат-таҳлил ишларида ҳам ўз позициясига асосланиши кўп partiya viliylik tizimini mustaҳкамlaşı, давлат ва жамият ҳаётида siёsий партияларнинг taъsirini oshiriš, ular ўrtasida soglom raқobat muҳitini shakllanterishi vazifasi bugungi kunnинг dolzарб vazifasidir<sup>63</sup>.

Бундан ташқари, 2019 йилда Ўзбекистон Экологик партиясининг ташкил этилиши ҳам фуқаролик жамияти ривожида муҳим аҳамият касб этди.

**Тўртингидан, оммавий ахборот воситаларининг очиқлиги ва самарали фаолияти тобора кенгайиб бормоқда.** Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, шу билан бирга, уларнинг онги, дунёқарashi ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда.

Юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот

<sup>62</sup> Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.: «Ўзбекистон». Т.18., Б:124.

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миронович Мирзиёевнинг дастури: [Электрон манба] URL:<http://www.uzlidep.uz/uzc/content/uzbekiston-respublikasi-prezidentligiga-nomzod-shavkat-mironovich-mirziyoevning-tarzhimai> (Мурожаат қилинган сана: 12.10.2017).

воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга доир босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда, мазкур йўналишда ўндан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, соҳадаги қатор тармоқлар негизида журналистларнинг профессионал фаолияти учун зарур қуликлар яратиласпти. Хусусан, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш белгилаб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ОАВ соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мезони – оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидағи ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқарии<sup>64</sup>дан иборатдир. Бугунги кунда юртимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда<sup>65</sup>. Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир.

**Бешинчидан,** ҳозирги кунда, фуқаролик жамияти шаклланишини баҳолаш мезонлари таркибиغا халқ билан очик мулокот ҳолатини ва унинг ривожланиши, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишининг тизимлигини киритишимиз мумкин.

Бу борада, 2016 йилнинг 28 декабр куни қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон

<sup>64</sup> Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараккиётининг асосий мезонидир. Т., «Ўзбекистон». Т:19. 2010. Б: 79-80.

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 22.12.2017. [www.Uza.uz](http://www.Uza.uz) – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.

Республикаси Президентининг Фармонини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Мазкур ҳуқуқий асосларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «виртуал қабулхонаси» ва мамлакатимизнинг бутун худудида «халқ қабулхоналари» ташкил қилинди. «...Аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиши имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳўжалик бошқаруви органлари, барча дараҷадаги ҳокимиятлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмини»<sup>66</sup> яратиш халқ қабулхоналарининг асосий вазифасига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, давлат ҳокимиятининг барча органлари виртуал қабулхоналари ҳам ташкил этилган. Мазкур қабулхоналарга келиб тушган ҳар бир мурожаат ўрганилиб, таҳлил қилиниб борилади ва ижобий ечими бўйича мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

**Олтинчидан**, ушбу мезонлар доирасига, **демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари, аҳолининг ижтимоий қайфиятига таъсир этувчи омиллар, фуқаролик жамиятига оид кенг ижтимоий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишини ҳам киритиш мумкин.**

Одамларнинг ўзига ўзи ижобий баҳо бериши, ўзини аҳолининг ўсаётган гуруҳига мансублигини англаши фуқаролик жамиятининг умумий ва муҳим индикатори ҳисобланади.

Амалдаги қонунчилик демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнларини мониторинг қилишга етарли ҳуқуқий асос бўймоқда. Шунуктаи назардан, масалан, фуқаролик жамияти институтлари **мехнатни муҳофаза қилиш** соҳасидаги давлат дастурларини, худудий дастурларни амалга оширишда иштирок этиши, меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашда иштирок этувчи давлат органларига ва бошқа ташкилотларга кўмаклашиши, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда

---

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2016 йил 28 декабрь., [www.Uza.uz](http://www.Uza.uz) – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.

иштирок этишини баҳолаш мумкин<sup>67</sup>. Ёки ижтимоий хизматлар соҳасидаги жамоатчилик назоратини ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини тадқиқ этиш мумкин<sup>68</sup>.

**Еттингчидан, фуқаролик жамиятининг энг асосий бўғинларидан бири ҳисобланган - ўзини ўзи бошқариш тизимининг янада такомиллашуви.** Мустақиллик йилларида маҳаллалар фаолиятининг хуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга эришилди. Бу институтнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас, бирламчи бўғини сифатида шакллантириш, унинг учун зарур моддий ва молиявий шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Биз фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожланиб борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»<sup>69</sup>. Бугунги кунда, юртимиздаги маҳаллалар сони 10 минга яқинни ташкил этади. Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос миллий демократия мактабидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини янада кучайтириш, маҳалла институтини аҳолининг манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидағи фаолиятини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 3 февралда қабул қилинган «Маҳалла

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида (янги таҳрири)»ги Қонуни // [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонуни // [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

<sup>69</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон». 1995., Б:14.

институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони диққатга сазовордир.

**Саккизинчидан**, фуқаролик жамияти шаклланишини муҳим индикаторларидан яна бири – бу ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти, ёшларга таълим бериш ва уларни тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, дам олишларини ташкил этиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга оид амалга оширилаётган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалардир<sup>70</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, амалдаги қонунчиликка асосан **ОАВ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қиласади**<sup>71</sup>.

**Тўққизинчидан**, шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти билан боғлиқ хусусий мулкни ривожлантириш учун унинг очиқлик даражасини ва бу соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссасини аниқлаш борасидаги баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш», деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда дунёда 154-ўриндан 42-ўринга қўтарилди ва 2018 йилнинг ўзидаги рейтингини 63 позицияга яхшилади.

Республикамиизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида янги кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш имконини берди. Натижада 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра фаолият

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни // [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни // [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 218.170 тани (дехқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ташкил этган<sup>72</sup>.

**Ўнинчидан**, фуқаролик жамияти нафақат ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий асослар билан ўлчанади, балки фуқаролик жамиятининг муҳим ва якуний индикатори – бу **ижтимоий капиталнинг тобора юксалиб бориши** билан ҳам баҳолашимиз мумкин. Жамият тафаккурининг ўсиши, яъни инсонларнинг ҳуқуқий маданияти, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик позицияси ошгани сари фуқаролик жамияти инсонлар учун **қадрият** тусига кира боради. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда ижтимоий институтларнинг ривожига, инсонпарвар ғояларнинг шаклланишига ва ишонч омилиниң мустаҳкамланиши, яъни бир сўз билан айтганда, ижтимоий капиталнинг ривожига олиб келади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишида тадрижийлик ва узокни ўйлаб ҳаракат қилиш омили катта аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимиз, энг аввало, ўзига хос йўлни танлаган бўлиб, «*бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриши, фуқаролик жамиятини шакллантириши, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтиши ва янада равнақ топтиришининг мустаҳкам замини*»<sup>73</sup> ни яратишдан иборатdir.

Шунинг билан бирга, илмий изланиш ва таҳлиллар натижасида айrim омилларни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида айrim камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Булар жумласига:

- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштириш масаласи ҳануз долзарблигича қолмоқда. Парламент ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

<sup>72</sup> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали: [Электрон манба] URL: <https://www.gov.uz/uz/news/view/8841> (Мурожаат қилинган сана: 20.11.2017).

<sup>73</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: «Ўзбекистон». 2016. Б:8.

томонидан ажратиладиган маблағлар мамлакатда ННТларнинг микдор ва сифат жиҳатдан ўсишига номутаносиб ҳолатда қолиб келмоқда. Кейинги пайтларда Фонд томонидан ННТларга ажратилаётган молиявий маблағ ва ёрдамнинг ҳаддан ташқари марказлашуви ва монополлашуви ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштириш масаласида дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланиладиган аъзолик бадаллари, хайрия ёрдамларининг етарли даражада эмаслиги, умуман олганда маҳаллий ННТларда самарали *фандрейзинг* стратегиясининг мавжуд эмаслигини ҳам эътироф қилишимиз лозим.

## 2.5-Жадвал. Ўзбекистонда ННТлар фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни аниқлашга бағищланган сўровнома<sup>74</sup>



<sup>74</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш Жамоат фондининг расмий веб-сайтида ўтказилган ижтимоий сўров асосида шакллантирилган: [Электрон манба] URL: <http://www.fundng.uz>.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистондаги ННТларнинг биринчи рақамли муаммоси молиялаштиришнинг йўқлиги дея белгиланган. Ундан кейинги позицияларни эса, кадрлар етишмовчилиги, ўзаро секторлараро ижтимой алоқаларнинг сустлиги масалалари қайд этиб ўтилади.

- Сўнгги икки йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан ННТлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича амалий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Масалан, **2017 йил давомида бир қанча йирик жамоат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида, «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар факат номига ийғилишлар ўtkазиш билан машғул бўлиб қолмоқда<sup>75</sup>.**

- Турли даражада фаолият олиб борувчи ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз профессионализми ва компетенциясини ошириб бориши, ўзининг ташкилий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаши, бир сўз билан айтганда, жамиятда ўз легитимлигини таъминлаши энг долзарб масалалардандир.

---

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: URL: <http://president.uz/uz/lists/view/1371>.

- Бугунги кунда, ННТлар давлат ва жамият қурилиши борасидаги долзарб ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий масалалар юзасида доимий изланишлар олиб борадиган, муаммолар ечимлари юзасидан аниқ ва конструктив дастурлар ишлаб чиқадиган ва уларни ҳаётимизга тадбиқ этишда иштирок қиладиган «аналитик марказлар»га (Think tanks) айлантириш даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

## Таянч тушунчалар

*Кучли фуқаролик жамияти; индикатор; қонунчилик асоси; ННТларнинг ривожланиши тенденцияси; жамоат ташкилотларини молиялаштириши; кўппартиявийлик тизими; оммавий ахборот воситалари; халқ билан мулоқот; ижтимоий тадқиқотлар; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии тизими; ижтимоий капитал; фандрейзинг; аналитик марказлар (think tanks).*

## Назорат учун савол ва топшириқлар

1. «*Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари*» концепциясининг мазмуни ҳақида гапириб беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра қандай ташкилотлар жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади?
3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши мезонларини санаб беринг.
4. Мамлакатимизда ННТларнинг иқтисодий ва ташкилий кафолатлари нималардан иборат?
5. Оммавий ахборот воситаларининг очиқлиги деганда нимани тушунасиз?
6. Фуқаролик жамияти тизимида халқ билан очик мулоқот тизими ҳақида биласизми?

7. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишида давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолияти нималарга намоён бўлади?

8. Фуқаролик жамияти ривожида хусусий мулк очиқлигини таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қандай аҳамиятга эга?

9. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириши ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида қандай камчилик ва муаммолар кўзга ташланмоқда?

10. Сизнинг фикрингизча, мамлакатимиизда фуқаролик жамиятини янада тараққий эттиришида нималарга эътибор қаратиш лозим?

## **2.2 § Маҳалла – фуқаролик жамиятининг миллий институти сифатида**

Маҳалла бу энг аввало тарихан шаклланган, шарқона менталитет ва урфодат қоидалари асосида яшовчи ижтимоий институтдир. Тарихий манбаларга қараганда, маҳалла эрамиздан аввалги II асрда пайдо бўлган бўлиб, у асосан катта тепаликларни ҳимоя деворлари билан ўралган қўрғон шаклида бўлган. Қўрғоннинг кўйи кисмида дехқончилик ва чорвачилик билан шуғуланишган. Кичик маҳалла шаклидаги аҳоли истиқомат пунктлари кейинчалик катта шаҳарларга айланган.

**Маҳалла** атамаси (арабча ﷺ «ўрин-жой» деган маънони англатади. У турли минтақаларда маҳаллот (жой), гузар, жамоа, элат, элод номларда аталиб келинган.

Маҳалла тўғрисидаги маълумотлар Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Маҳмуд Қошғарий каби мутафаккирларнинг асарларида ҳам учрайди. Масалан, Фаробийнинг «Фозил одамлар шахри», Берунийнинг «Уй хўжалигини юритиш тўғрисида», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарларида маҳалла ахолиси, уларнинг касби-кори, урф одатлари, анъаналари, диний эътиқоди, хўжалик юритиши ва умуман ўзига хос турмуш тарзи ҳақида маълумот берганлар<sup>76</sup>. Бундан ташқари, мусулмон Шарқидаги маҳаллалар ҳақида Носир Хисравнинг «Сафарнома» асарида ҳам учрайди. Асарда XII асрда Яқин Шарқдаги шаҳарлар ва улардаги маҳаллалар хусусида тўхталиб ўтилади. Унинг маълумотига кўра, ўша пайтлари Қохира шахри ўнта маҳалладан ташкил топган ва маҳаллалар ўз тартиб-қоидаларига эга бўлишган. Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир қанча маҳаллалар бўлганини қайд этиб ўтган.

Маҳаллалар, айниқса, Амир Темур даврида равнақ топган. Маҳаллалар фуқароларнинг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номланган. Масалан, заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, пичоқчилик, қошиқчилик, темирчи, эгарчи, тақачи ва ҳ.к. Маҳаллаларни бошқариш жамоатчилик

<sup>76</sup> Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. Т.: «Адолат». 2003. Б:23.

асосида олиб борилган, улар ўзининг ёзилмаган ички тартиб-қоидаларига эга бўлиб, у ҳамма учун бирдек қонуний аҳамият касб этган.

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарида ҳам маҳалла ва унинг шаҳар ҳаётидаги ўрнига алоҳида урғу берилади. Жумладан, асарда шундай мисралар ўрин олган,

*Шаҳарлар тоини маҳолат этиб,*

*Бўлди чу юз шаҳар Хири-от этиб*

Кўриниб турибдики, ўрта асрларда Хири деб аталган Хирот шахри юз «шаҳарча» – маҳалладан ташкил топган.

Ўрта Осиёда ва, аввало, Ўзбекистонда маҳалла каби ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлган ва бугунги кунимизгача ҳам сақланиб қолган. Ўзбеклар учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра кўпроқ маънони билдиради. Маҳалла туфайли туб аҳоли ижтимоий ва иқтисодий хатти-харакати таркиб топиши, ижтимоий қадриятлар хурмат қилиниши, ўзаро муносабат одоби тамойилларининг алоҳида қоидалари сақланиб қолди. Бу эса, жамият олдидаги мажбурият ва зиммадаги масъулият сўзсиз бажарилишининг кафолатидир. Маҳалла рухи Республикаизда яшовчи ҳар бир киши дилига сингиб кетган<sup>77</sup>. Маҳалла аҳли орасида ўзаро ишонч, бир-бирига бўлган ҳурмат, эҳтиром асрлар мобайнида сайқалланиб келган. Фуқароларнинг ўзаро олди-сотди ишларида ҳам баҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурматни кўриш мумкин.

Шунинг билан бирга, маҳалла бу, энг аввало, миллий фуқаролик жамиятини шакллантирадиган, уни бойитиб, сайқаллаштирадиган, аҳоли тафаккурида қадриятлар тизимини сақлаб, ривожлантириб борадиган институционал асос сифатида ҳам фаолият олиб боради. Ўзбекистонда маҳалла ва унинг жамоаси ўртасида ўзаро ишончни ошишида биринчи навбатда Ислом дини катта таъсир кўрсатган. Айнан, мукаддас динимиз аҳкомлари, ҳадисларда келтирилган қатъий кўрсатмалар, қоидалар асосида

<sup>77</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. З-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. Б:157.

фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий муносабатлари тартибга солинган. Буларнинг барчаси категориал ахлоқий нормалар сифатида тан олинган.

Тарихий манбаларга кўра, ривожланган ўрта асрлар ҳар бир маҳалласининг ўз маркази бўлган. Марказ сифатида асосан **масжидлар** муҳим роль ўйнаган. Бундан ташқари, аҳоли маҳаллада шаклланган ахлоқий қоидаларни ўзларига қабул қилишган ҳамда уларга мувофиқ ҳаёт кечиришган. Қадимдан ўзбек маҳалласи ўз қонун-қоидалари, анъаналарига эга бўлган. Шулардан бири «Шафат», яъни ўзгалардан маҳаллани чегаралаш назарда тутилган. Агар, маҳаллада бирор хонадон эгаси ўз уйини сотиб ўзга қишлоққа ёки маҳаллага кўчишни ният қилган бўлса, аввало, уйга харидорни ўз қариндошлари орасидан қидиради, топилмаса қўшниларига айтади, улар исташмаса, кейин маҳалла аҳлига эълон қиласди. Хонадон эгасини маҳалла аҳли орасидаги ўзига хос «субординация»си, хурмати мана шундай ишларда яққол кўринади<sup>78</sup>.

XIX аср охирлари – XX аср бошларида маҳаллаларда демократик тамойилларга асосланган ҳолда турли лавозим вакилларини сайлаш амалиёти шаклланган. Хусусан, маҳалла аҳолиси томонидан «Элликбоши», «Юзбоши», «Мингбоши», «Амин», «Қози» каби лавозимларни сайлаганлар. Шу билан бирга, давлат ва маҳаллий вакиллик органлари сайловига номзодлар кўрсатган.

Тарихий манбаларга кўра, Чор мустамлакачи ҳукумати даврида Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий маркази ҳисобланган Тошкент шаҳрида 80 мингдан ортиқ аҳоли яшаган, унинг худудида 270 та маҳалла, 310 та масжид, 17 та мадраса, 11 та ҳаммом, 15 та дўконли сарой ва бошқа иншоотлар мавжуд эди<sup>79</sup>.

XX аср бошларида маҳаллаларда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий жараёнлар тезлашди. Бу, энг аввало, жадидлар ҳаракати ва уларнинг фаолияти билан боғланиб кетди. Бир қанча маърифатпарварлар

<sup>78</sup> От сильного государства к сильному обществу. (Махалла: исторический опыт, и современность). Т.; «Akademiya». 2014. -С.39.

<sup>79</sup> Усмонов К., Содиқов М., Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. Т.; – 2005. Б:196.

халқ маърифати, миллат келажаги ва юрт истиқболи йўлида мафкуравий кураш олиб бордилар. Улар жамиятимизда маҳаллаларнинг ўрнини тўла англаган ҳолда уларни замон талабларига қўра ислоҳ қилиш ғоясини ҳам илгари сурдилар. Шунинг билан бирга, ўша пайтларда маҳаллаларда мавжуд бўлган иллатларни ҳам ўткир танқид остига олдилар.

«Ҳар вилоятда бир неча зиёли ёки маълумотли мусулмон бор. Аммо булар бир-бирини билишни истамай, пароканда умр ва фикр юритмоқдалар. Биз, зиёли мусулмонлар, жуда озмиз. Лекин жумламиз уч-беш кун бир маҳаллада ижтимоъ ва мажлис қилсак, бир қанча эканлигимизни кўриб, кўнглигимизни очар, фикримизни айтардик. Миллатимизга бу кун нима керак? Миллатимизга эрта ва индин нима керак бўлади? Бугун нима қилиниши керак, нима қилмаслигимиз керак? Миллат нима истайди ва нимани истамайди каби бир қанча масалалар музокара қилинарди ва шубҳасиз, фойдаси ҳам кўринар эди. Оддий ва содда аҳоли, яъни тужжору уламо ва оддий косиблар икки-уч маротаба «умумий мажлис»лар ўтказиб, Мақарияда, Петербургда «шўройи уммат»ларга юзлаб келдилар. Бир турли мушоваралар қилиб, қарорлар қабул қилдилар... Биз, зиёлиларга буларнинг ҳиммати намуний тимсол бўладиган ҳоллардандир. Миллат уйғонади, иш бошлайди. Бизлар... қўрқаман, ҳозир нима лозим. Ё мавзудан четда ёки янглиш йўлларда юрмокдамиз»<sup>80</sup>, дея таъкидлайди, миллат маърифатпарвари Абдурауф Фитрат. Жадидлар ўз навбатида маҳаллани халқимизни бирлаштирадиган, уларни ягона эзгу мақсад йўлида жамлайдиган ва жамиятда ўзаро ишонч, яъни ўзига хос ижтимоий капитал шаклланган маскан сифатида талқин этганлар.

Лекин, мустамлакачилик даврида халқ пароканда бўлди, тинчлик ва ҳаловати йўқолди. Халқни бирлаштириш, ёшларга илм, маърифат, илғор маданият нималигини англатишда миллатпарвар жадидлар уларга «маёқ» вазифасини ўтади. Улар миллатни ич-ичидан емирадиган турли иллатларни

<sup>80</sup> Абдурауф Фитрат. Вақт келмадими? // «Таржимон» газетаси. 1907 й., 12-сон. [Электрон манба] URL: <http://www.e-tarix.uz/milliyat-insholari/maqolalar/762-maqola.pdf> (Мурожаат қилинган сана: 09.12.2017).

фош қилдилар, қолоқлик ботқоғидан чиқиши йўлини фақат маърифат эканлигини уқтирилар.

«Бир карра дикқат қилиб, маҳалла-кўй ва қишлоқ халқларига қаралсун. Авомлик, беилмлик нақадар кўпайган. Биз мусулмонмиз. Мусулмонликга илм лозим, амал лозим. Ўқумоқ керак, нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўқ экан, биза юза бир нафар саводлик йўқдур»<sup>81</sup>. Албатта, илм барча иллатларнинг давосидир. Илм барча кашфиётлар калити эканлиги, илм йўлида заҳмат чекмоқлик ҳар бир инсон учун фарз эканлигини маърифатпарварларимиз бир неча бор тақрорладилар ва илм олишга даъват қилдилар.

Жадидлар томонидан таълим-тарбия ва маорифни ривожлантириш маҳаллада амалга оширилиши кераклиги, бунда барча ёшларни бирлаштириш зарурлиги ва мактаблар фаолияти таъминотини яхшилаш муҳим масала эканлигига ургу беришади. Бинобарин, халқ ўз келажаги йўлида ёшларга таълим-тарбия, илм-фанни ўргатмас экан, унинг келажаги таназзулга учраши муқаррарлиги таъкидланади.

Юридик фанлари доктори Г.Маликованинг таъкидлашича, маҳалла тирик организм сингари яшаш учун курашиб келган. Ҳар доим оғир шарт-шароитларга мослашган. Шунинг учун ҳам халқнинг қундалик турмуш тарзини тарихан шакллантирган, ўзаро муносабатлар, ахлоқий нормалар, қонун-қоидаларни вужудга келтирган. Маҳаллаларда ёши улуғларга хурмат, эҳтиром, барча аъзоларнинг тенглиги, меҳмондўстлик, ўзаро ёрдам ва ишончни шаклланишига олиб келган. Чор Россияси даврида ҳам маҳалланинг фаолиятини, унинг мазмун моҳиятини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги аҳамиятини сўндира олмади<sup>82</sup>.

Бу борада профессор А.Бегматов шундай ёзади, минтақамизда илк маҳаллалар ҳудудларнинг топономик ва этинологик келиб чиқишлиарини

<sup>81</sup> Махмудхўжа Бехбудий. Миллатлар қандай тараққий этарлар? (1913) // «Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 30 июл. [Электрон манба] URL: <http://e-adabiyot.uz/uzbek/uygonish/306-behbudiy.html> (Мурожаат қилинган сана: 09.12.2017).

<sup>82</sup> Маликова Г. Историко-правовые вопросы развития института махалли. Вестник Челябинского государственного университета. 2014. № 14 (343). С.91.

инобатга олган ҳолда ва, шу билан бирга, маълум қонуниятлар асосида шаклланган. Бу битта ҳудудда маълум соҳа вакиллари ёки хунармандларнинг жамланиши натижасида уларнинг яшаётган жойи номи билан атала бошлаган. Масалан, «Ўқчилар», «Косиблар», «Тақачи», «Совунган», «Гиламдўз», «Қўнчи», «Темирчи» ва хаказолар<sup>83</sup>.

Мустақиллигимиздан кейин том маънода маҳаллага бўлган эътибор янада кучайди. Республикализ тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамиятда тутган ўрни ва мақоми қатъий белгилаб берилди<sup>84</sup>. «*Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуши тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашини тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончили таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим*»,<sup>85</sup> – дея таъкидлаган эди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов.

Маҳалла бошқарувига берилаётган бундай катта эътибор бугун давлатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси тамойилларининг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётилизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

<sup>83</sup> От сильного государства к сильному обществу. (Махалла: исторический опыт, и современность). Т.;, «Akademiya». 2014. -С.50.

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боб 105 моддасида: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқарши органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди», дея белгилаб кўйилган.

<sup>85</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. З-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. Б: 7.


Маҳалла, энг аввало, анъанавийликни намунаси бўлсада, у жамиятда жамоатчилик назорати, ўзини-ўзи бошқариш, баркамол авлодни тарбиялаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш каби демократик жамиятга хос бўлган бир қанча функцияларни ҳам бажариб келади. Бундан ташқари, маҳалла юқори ишонч даражаси ва жамиятдаги ижтимоий коммуникация ҳолати билан таснифланадиган – ижтимоий капитал учун асосий манба бўлиб, шунинг асносида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади<sup>86</sup>.

Хозирги кунда юртимиздаги фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш маҳаллалар республикамизнинг бутун ҳудудида фаолият олиб борадилар. Қуйидаги жадвал орқали фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакатимиз ҳудудлари кесимидағи кўриниши келтирилган.

---

<sup>86</sup> Муминов А. Некоторые особенности развития институтов гражданского общества в Узбекистане (на примере махалли). Журнальный клуб Интелрос «Credo New», №3., 2017.

## 2.6-Жадвал. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳудудлар кесимидағи фаолияти<sup>87</sup>



Шунинг билан бирга, маҳаллани энг аввало фуқаролик жамиятининг маънавий асоси – ижтимоий капитал тарақкий этадиган миллий макон сифатида эътироф этишимиз мумкин. Масалан, бу ўринда кўп асрлик тарихга эга бўлган ҳашарни алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳашарнинг келиб чиқишига доир маълумотлар тарихий манбаларда келтирилмаган. Лекин, у Марказий Осиё халқарида асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Замонавий тадқиқотчилар эътирофича, маҳаллада (умуман олганда жамиятда) ҳашар бу ўзига хос «ижтимоий елим» (социальный клей) вазифасини бажаради. Фуқароларни бирор ижтимоий муаммони баҳамжиҳатлиқда, биргаликда ҳал қилишнинг самарали механизми ҳисобланади. Маҳаллада фуқароларнинг бирортасига уй қуришда, кўприк, кўчаларни тозалаш ва ободонлаштиришда ҳашар жуда қўл келади. Ҳашар инсонларни бирлаштирибгина қолмасдан,

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикасида фуқаролар йиғинларининг ҳудудлар кесимидағи статистик жадвали Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республикаси кенгашининг расмий маълумоти асосида тузилган. [Электрон манба] URL: <https://mahallakengashi.uz> (Мурожаат қилинган сана: 21.01.2018).

балки руҳий яқинлаштириш, ижтимоий жипслаштириш, маънавий маслакдошга айлантириш вазифаларини ҳам бажариб келади. Шунинг учун ҳам ҳашарларда ёшу қариларнинг бирдек иштирок этиши жуда катта аҳамият касб этади. Улар ўртасида ворисийлик тамойили асосида маълумот, тажриба алмашинуви рўй беради. Ҳар бир иштирокчи учун масъулиятни англаш ва бурчни адo этиш фазилатларини шакллантиради. Ҳар бир инсоннинг ўз масъулиятини қай даражада бажаришига қараб, у хақда ўзига хос ижтимоий фикр шаклланади.

Маҳаллаларда ижтимоий капиталга доир яна бир жиҳат бу – гузарларнинг мавжудлигидир. Гузарлар азалдан кўплаб функцияларни бажариб келган. Сиёсатшунос А.Жалиловнинг фикрига кўра, маҳалла Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида мавжуд бўлиб, тарихан унинг марказида «гузар»лар ташкил топган. Гузарлар атрофида чойхона, бозор, сартарашхона, этикдўзлик, новвойхоналар, қолаверса, бошқа ижтимоий обьектлар бунёд этилган<sup>88</sup>.

Маҳаллада инсонлар энг кўп йиғиладиган масканлардан бири бу **чойхона** бўлган. Чойхона ижтимоий-сиёсий институт сифатида кўплаб вазифаларни ҳам бажариб келади. Хусусан, чойхоналарда маҳалладаги (жамиятдаги) «сўнгги ахборотлар» ўзаро алманилган, улар ўзига хос тарзда анализ ва синтез қилинади. Бир сўз билан айтганда, чойхона ахборот макони вазифасини ўтаб берган, дейишимииз мумкин.

Мисол тариқасида, Собиқ Иттифоқ давридаги «қизил чойхоналар» коммунизмнинг мафкуравий машинаси ролини ҳам ўтаган. Улар халқнинг маданий-маърифий, тарбиявий, тарғибот-ташвиқот ишларида муҳим вазифаларни бажарган. Айнан, чойхоналарда жамиятда, сиёsatда юз берадётган ўзгаришлар инсонлар онгига сингдирилган. Биринчи радио эшиттириши, газетахонлик, турли тарғибот-ташвиқот плакатлари

---

<sup>88</sup> От сильного государства к сильному обществу. (Махалла: исторический опыт, и современность). Т., «Akademiya». 2014. -С.60.

чойхоналарда амалга оширилган<sup>89</sup>. XX асрнинг бошларида, маҳаллий газеталар янги нашрлари янгиликлари чойхоналарда кенг оммага ўқиб эшиттирилар эди. Шундан сўнг ахборотлар изоҳланган, тўлдирилган ва шарҳланган. Шу тариқа жамоатчилик фикри шаклланган.

Бундан ташқари, чойхоналар маълумотлар базаси ролини ҳам ўйнайди. Масалан, олис қишлоқдан фалончини уйини қидириб келган меҳмонга мезбоннинг уйини кўрсатиб берилиши, қолаверса, маълум бир инсонни хулқатвори, оиласининг аҳволи, авлод-аждодларининг ким бўлганлиги, анъаналари, одатлари, ҳаттоқи ирсий касалликлари тўғрисида ҳам маълумот берилган.

Бундай маълумотларнинг берилиши маҳаллада ўғил уйлантираётган ёки қизини турмушга бераётган ота-оналар учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, қуда бўлаётган оила ҳақида уларнинг маҳалладошлари қандай фикрдалигига қараб муносабатда бўлишади. Шунинг учун ҳамма оила маҳалла аҳлининг ишончига сазовор бўлишни, ҳурматига лойиқ бўлишга интилади. Маҳалладошларнинг уларга билдириган юксак ишончи бошқаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, ижтимоий жипсликни, яқдилликни мустаҳкамлашга олиб келади.

Ўзбек жамиятида ижтимоий капитал ва фуқаролик жамиятининг сифат ва миқдор жиҳатидан такомиллашиб боришини бир қанча мисолларда ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, азалдан ўзбек маҳалласида ҳеч бир хонадонда қулф осилмаслиги ижтимоий ишончнинг мавжудлигидан далолатdir. Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикояси ёки «Суюнчи» кинофильмидаги дарвозага солинган қулф билан боғлиқ саҳнани эслаш билан ўзбек жамиятида ишонч мустаҳкам эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўзбек маҳалласидаги етакчилардан биридан маҳалла тўғрисида олинган маълумот ҳақиқат эканлиги ҳам ижтимоий капиталнинг ўзига хос аксидир. Маҳалладаги ҳар бир болага маҳалла аъзоларининг барчаси масъул эканлиги,

<sup>89</sup> Брынских С. Махалля: Заметки писателя. Т., 1988. -С.28.

барчанинг боласига барча тарбия бериши ўзаро алоқадорликнинг тимсолидир<sup>90</sup>.

Дарҳақиқат, «Суюнчи» кинофильми маҳаллада ижтимоий капиталнинг қай даражада муҳимлигига ёрқин далилдир. Мисол тариқасида, Анзират бувининг магазин сотувчиси Файбуллага танбех бериши, яъни сотувчи томонидан харидорларга қайтимини бермаётганлигини танқид қилиши ёки уч ойдан бери касалхонада ётган отасини бориб кўрмаётган ўғилни тартибга чақириши натижасида отанинг хурсандлиги фильм сўнггида маълум бўлади.

Асрлар оша сайқаллашиб келган, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган миллий қадриятларимиз, қўни-қўшничиликка асосланган ижтимоий алоқаларимиз ва юқори даражадаги ишонч, бир сўз билан айтганда, ижтимоий капитални жамлаган маҳаллалар Ватанимиз тарихи, бугунги куни ва эртасининг ажralmas қисми дейишимиз мумкин. «*Одам шулар ҳақида ўйлар экан, узоқ тарихимизда маҳалла, деган идоранинг ўзбек заминида пайдо бўлишида ташаббускор, сабабчи бўлган аждод-авлодларимизга ҳар қанча таъзим қилса арзийди, албатта*»<sup>91</sup>.

Юртимизда фуқаролик жамияти руҳининг мавжудлиги, фуқароларнинг маҳалла шаклидаги ўзини-ўзи бошқариш воситаси орқали одамлар, оиласлар ўртасидаги алоқалар яқин ва пухта йўлга қўйилганлиги жамиятда эҳтиёжманд кишиларга ёрдам беришнинг ижтимоий жиҳатдан адолатли тизими шаклланди. Ижтимоий ёрдамнинг таъсирchan тизимини ташкил этишнинг энг самарали йўлларини излаш натижасида Ўзбекистонда маҳалла институти манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш марказига айлантирилди.

Германия Фуқаролик фаоллиги федерал тармоғи ишчи гурӯҳи раҳбари Экхард Приллер шундай таъкидлайди: «*Олим сифатида айтишиим мумкинки, фуқаролик жамияти ривожланишининг турли моделлари мавжуд. Мен ноёб миллий хусусиятлар асосида ва демократик ривожланишининг*

<sup>90</sup> Жалилов А., Мухаммадиев У., Жураев Қ. Фуқаролик жамияти асослари (ўқув қўлланма). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Бирлашган Миллатлар Тараққиёт Дастири. Тошкент – 2015. Б.110.

<sup>91</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий максадимиз. Т., 17 Т. Ўзбекистон. Б:32.

*устувор вазифаларини инобатга олиб ишилаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Мисол учун, сизда маҳалла институти самарали ишиламоқда. Ўзини ўзи бошқаришининг энг асосий вазифаларини бажараётган бу каби маҳаллий тузилмалар дунёning кўплаб давлатларида мавжуд эмас. Ушбу тажрибани ўрганиши, назарий асосларини яратиш ҳамда тарқатии лозим. Ўйлашимча, Ўзбекистон бу борада биринчидир. Бугун кўплаб мамлакатлар маҳаллий тузилмаларни фаоллаштириши, бунинг учун зарур механизмларни яратишга уринмоқда. Боиси, фуқаролик жамияти мустаҳкамланишида уларнинг аҳамияти беқиёсдир»<sup>92</sup>.*

Дарҳақиқат, маҳаллани катта бир оиласа қиёслаш мумкин, чунки маҳаллада яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаёти, қувонч ва ташвишлари барчанинг эътиборида бўлади. Халқимизга хос инсонийлик фазилатлари, меҳр-оқибат ва саҳоват маҳалла ҳаётида ўз ифодасини топади. Бу ердаги яхши гап, хайрли ташаббусдан бошимиз кўкка етса, бирор-бир ножӯя ҳаракат дилимизни хира қиласди. Шунинг учун маҳаллалар ижтимоий-маънавий муҳитни, оила аъзоларининг касб-кори, кайфиятини доимий равища ўрганиб, таҳлил қилиб боради. Зарур бўлса, моддий ва маънавий кўмак берилади.

Бугунги кунда, маҳалла тизимиға берилаётган эътибор ҳар доимгидан ҳам юксакроқдир. Мисол учун, 1998 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони, 1999 йил 14 апрелда (2013 йил 22 апрелда янги таҳрирдаги) Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда 2017 йил 3 февраль куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари маҳалла институтининг давлат ва

---

<sup>92</sup> Экхард Приллер: «Ўзбекистон - жадал ривожланаётган мамлакат». Халқ сўзи online. 04.08.2015.

жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашда хуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Маҳалларга жамиятимиз ҳаётини модернизация ва ислоҳ қилиш борасида бир қанча функциялар юкланган. Шу мақсадда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ҳар бир маҳалланинг хусусияти, аҳолининг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққани ҳолда улар қошида бир қанча жамоатчилик комиссиялари фаолият олиб боради:

- яратириш комиссияси;
- маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия;
- ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия;
- хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия;
- вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;
- тадбиркорлик фаолияти ва оиласвий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия;
- экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия;
- жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия.

Маҳалла тизимининг иш фаолияти қай даражада яхши ва тўғри йўлга қўйилган бўлса, давлат ва жамият қурилишида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ҳам шу йўсинда кечади. Бу борада, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда: «*Маҳалла институтининг жойларда ҳалқнинг маслакдоши ва қўмакдошига, таъбир жоиз бўлса,adolat tarozisiga aйланиши, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди*»<sup>93</sup>.

Шунинг билан бирга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб танқидий кўзда қараш, маҳаллаларнинг аҳолимизни қийнаётган муаммолар билан ишлаши, уларнинг ечими бўйича

<sup>93</sup> Мирзиёев Ш.М. «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби». 15.06.2017. [www.Uza.uz](http://www.Uza.uz) – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.

аниқ ва таъсирчан чоралар қўллай олиши, жамият билан давлат ўртасида «қайта алоқа» тизимини йўлга қўювчи том маънодаги фуқаролик жамияти институти сифатидаги ролини бажаришда айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд, албатта.

Жумладан, бизнинг фикримизча булар қуидагилардан иборат:

**Биринчидан**, ахолимиз ўртасида яқин қўни-қўшничилик, ўзаро ижтимоий алоқага киришиш ва ҳамжиҳатлик, бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти ва ижтимоий капитал кўринишлари анъанавий, яъни ерли аҳоли жам бўлган маҳаллаларда (асосан, қишлоқ жойларида) кучли ҳисобланиб, катта шаҳарларимиз ҳамда кўп қаватли уйларда истиқомат қиласиган аҳоли орасида ижтимоий алоқадорлик, умуман олганда, маҳалла тизимининг айнан когнитив кўринишлари жуда суст ҳолатда дейишимиз мумкин. Яъни, биз анъанавий маҳаллада яшайдиган бўлсак, қўни-қўшнию барча маҳалладошларни таниймиз, биламиз ва улар билан алоқа қиласиз. Кўп қаватли уйларда айрим ҳолатда эса ёнимиздаги хонадонда ким истиқомат қилишилигидан ҳам бехабар бўлишимиз мумкин.

**Иккинчидан**, бугунги кунда, замонавий ҳаётимизнинг шиддат билан ўзгариб бориши, инсонларнинг эҳтиёж кўламининг ошиши ва фаолият доирасининг кенгайиши параллел равишда маҳаллачилик анъаналарининг сусайишига ҳам олиб келмоқда. Яъни, биз шаҳарнинг бир қисмида истиқомат қилсакда, умуман бошқа бир чеккасида ишлаймиз. Кунимиз, вактимизнинг асосий қисми иш фаолиятимиз билан маҳалламиздан ташқарида ўтади. Бу ўринда, қўни-қўшнилар (маҳалладошлар) билан яқин алоқалар ўрнатишга, бошқача айтганда, «маҳаллага қўшилиш»га жисмоний жиҳатдан имконият ва вактимиз қолмайди. Мазкур ҳолатларнинг кенгайиб боргани сари қўшнилар ҳолидан хабар олиш, маҳаллада ўзаро ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ўзаро жипслашув асосда ижтимоий муаммоларни ечиш каби тарихан шаклланган ижтимоий ҳамжиҳатлик элементлари ҳам ўз аҳамиятини йўқота бормоқда.

**Учинчидан**, маҳалла фуқаролар йиғинларини Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг том маънодаги таянчи бўлишига тўсқинлик қилаётган яна

битта омил – бу уларнинг ташкилий функцияларининг самарали йўлга қўйилмаганидир. Масалан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари бевосита маҳалла фуқаролари томонидан сайланиши белгилаб қўйилган<sup>94</sup> бўлсада, аммо уларнинг сайлов жараёнларига туман (шаҳар) ҳокимиятларининг бевосита аралашуви кузатилади. Амалда эса, бу фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар ахолининг манфаатларига хизмат қилиш, ҳудуддаги ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ва фуқароларни қийнаётган муаммоларни давлат органларига етказиш ўрнига, ҳокимиятнинг вазифалари ва «юқоридан» келадиган топшириқларни бажариш билан чекланиб қолишига олиб келади. Мазкур ҳолатда шуни таъкидлаш лозимки, айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари маҳалла аҳолисидан маънавий жиҳатдан йироқлашган ва аслида давлат аппаратининг бир қисмига айланиб қолган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда мустақилликка эришилганидан сўнг давлат ва жамият қурилиши соҳасида туб ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчилилк билан амалга ошириб келинмоқда, ушбу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришdir. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигига олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар энг аввало – давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ қилиш, Ўзбекистонни замонавий ривожланган, демократик давлатлар қаторига қўшиш, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни эгаллаш ва халқимиз учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган.

Мазкур жараёнларда эса, фуқаролик жамиятининг миллий қўриниши хисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалланинг ўрни ва роли каттадир. Маҳалла миллий қадриятларимиз, урфодатларимизни асрлар оша авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирадиган

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлови тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддаси. 22.04.2013. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

маскан ҳисобланади. У азалдан тинчлик-тотувлик, меҳр-муруват, ҳамжиҳатлик қўрғони ҳисобланиб, фуқаролар ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий алоқаларни шакллантирадиган, ахлоқ нормаларини мустаҳкамлайдиган ва ишонч феноменини оширадиган, бир сўз билан айтганда, жамиятда ижтимоий капиталнинг тобора ошиб бориши асносида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишга замин яратишида энг муҳим вазифаларни бажариб беради.

## **Таянч тушунчалар**

*Маҳалла; ўзини ўзи бошқарии; ижтимоий ишонч; Ислом дини; миллий қадриятлар, қўни-қўшинчилик; оила; маърифатпарварчилик; жадидлар; таълим-тарбия; ахлоқий нормалар; анъанавийлик; ҳашар; инсон масъулияти; ижтимоий фикр; маҳалла гузари; чойхона; ижтимоий ёрдам; меҳр-оқибат ва саҳоват; адолат тарозиси.*

## **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. *Юртимиизда маҳаллаларнинг келиб чиқиши тарихи ҳакида нималарни биласиз?*

2. *Маҳалла ва унинг билан боғлиқ бўлган масалаларга жадидлар қандай таъриф беришган?*

3. *Маҳалла тизимида мавжуд бўлган «шафат» ва «ҳашар» анъаналари тўғрисида гапириб беринг.*

4. *Ўзбекистон жамиятида маҳалла тизими билан бевосита боғлиқ бўлган миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимиз ҳакида биласизми?*

5. *Фуқаролик жамиятида ўзини ўзи бошқарии тамойтили деганда нимани тушунасиз?*

6. *Ўзбекистонда маҳалла тизимини такомиллаштиришига қаратилган қандай ҳуқуқий асосларни биласиз?*

7. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органларида қандай жамоатчилик комиссиялари фаолият олиб боради?

8. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев маҳалла институтига қандай таъриф берган?

9. Давлат ва жамият ҳаётида «қайта алоқа» тизими деганда нимани тушиунасиз?

10. Бугунги кунда, Ўзбекистонда маҳалла тимизимида учраётган айрим камчилик ва муаммоларни санаб беринг.

## **2.3 § Ўзбекистонда кўппартиявилик тизимининг ривожланиши**

Хукуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларидан, энг муҳими, давлат ҳокимияти органларининг умумхалқ сайловлари асосида шакллантирилиши ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида бевосита ёки ўзлари томонидан сайлаб қўйилган вакиллари орқали иштирок этиши ҳисобланади. Бунда, энг аввало, жамият билан давлат ўртасида ўзига хос «кўприк» вазифасини ўтовчи ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган – сиёсий партиялар асосий роль ўйнайди.

Сиёсий партия – бу қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилевчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи фуқароларнинг қўнгилли бирлашмасидир<sup>95</sup>. Сиёсий партиялар турли табака ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар<sup>96</sup>.

Экспертларнинг фикрига кўра, сиёсий партия – бу сиёсий амбицияга эга бўлган шахслар томонидан тузилган ва бошқариладиган, аъзолари ўртасида юксак ишонч (ижтимоий капитал) шаклланган ҳамда умумий мафкура асосида бирлашган тармоқdir (networks)<sup>97</sup>. Сиёсий партиялар, энг аввало, ўз электорати манфаатларидан, сиёсий мафкураси ва позициясидан келиб чиқиб сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларига етарлича таъсир ўтказишлари ҳамда ўзининг вакиллари орқали давлатнинг марказий ва маҳаллий ижроия органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда қатнашишлари лозим. Электорал фаоллик, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 26 декабрь, 337-I-сон.

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., Ўзбекистон. 60 модда, 2017.

<sup>97</sup> Diamond L. “Is the Third Wave Over?” Journal of Democracy, 1996, № 3.

жараёнларга қамраб олиниши эса ўз навбатида партия тизимидаги ижтимоий капиталнинг даражаси билан белгиланади.

Сиёсий партиялар соҳасида машхур тадқиқотчилардан бири **Ла Паломбара**, сиёсий партиялар, сиёсий тизимнинг вазифалари муайян мураккаблик даражасига етган ёки сиёсий ҳокимият аҳолининг давлат ва жамият ҳаётида иштирок этиши керак деган хуносага келган ҳамма жойда пайдо бўлади, дея таъкидлайди. Сиёсий партия ҳалқни уюштиргани ҳолда ҳокимият ротациясида иштирок этади<sup>98</sup>.

**Т.Берцель**, сиёсий партиялар жамиятда ижтимоий алоқаларни мустахкамлаши асносида сиёсий тармоқни шакллантиради. Сиёсий тармоқ бу – сиёсатда умумий манфаатлар асосида бирлашган ва мазкур манфаатларни илгари суриш учун ўзаро ресурслар алмашадиган акторлар йиғиндиси ҳисобланади. Бунда ижтимоий ва сиёсий кооперация умумий мақсадларга эришишнинг энг тўғри ва самарали йўли ҳисобланади,<sup>99</sup> дея эътироф этади. Олимнинг сўзларини тўлдирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, сиёсий кооперация механизмлари, энг аввало, жамоада (электоратда) умумий нормалар ва қадриятлар, мустаҳкам алоқалар тизими ҳамда ишонч омилини шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Сиёсий партияда ижтимоий капитал қанчалик кучли бўлса, партиянинг давлат ва жамият сиёсий ҳаётидаги позицияси ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Сиёсий партияларнинг асосий вазифалари сифатида давлат бошқарувида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш; ўз электорати ҳамда бутун жамият манфаатларини илгари суриш; давлат ва жамият тараққиётiga қаратилган муқобил лойиха (дастур)лар ишлаб чиқиш каби кўплаб функцияларни бажариб келади. Немис сиёсатшуноси **Клаус фон Бейме** сиёсий партияларнинг устувор функциялари сифатида қуйидагиларни эътироф этиб ўтади: ўз мақсадини аниқлаш, мафкурасини ишлаб чиқиш,

<sup>98</sup> La Palombara J., Weiner M. Political parties and political development. – The origin and development of political parties (Princeton, NJ, 1966), Pp. 3-4.

<sup>99</sup> Tanja A. Borzel. Organizing Babylon - On the Different Conceptions of Policy Networks//Public Administration. - 1998, Pp. 253–273.

ҳаракат дастури ва йўналишини белгилаш; жамоатчилик манфаатларини бирлаштириш ва илгари суриш; фуқароларни социализация ва мобилизациясини ташкиллаштириш; мамлакат бошқарув элитаси ва ҳукумат таркибини шакллантириш; ўз тарафдорлари ва аъзолари ўртасида мустаҳкам ижтимоий алоқалар, тартиб-қоидалар ва ишонч факторини ўрнатиш<sup>100</sup>. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ижтимоий тараққиётнинг турли йўллари ва стратегияларини ишлаб чиқиш орқали социумнинг интеграциялашувини таъминлаб беради.

Шу ўринда, ижтимоий капитал омилиниң мустаҳкамланиши нафақат сиёсий партияларда, балки бутун жамиятимиз сиёсий тизимида рўй берадиган **сиёсий дискурс** (дискуссия, мунозара) билан бевосита боғлиқdir. Айнан жамиятда бугунги кун учун долзарб бўлиб турган ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий муаммоларни (масалаларни) муҳокама қилишда партиялар ўртасида доимий равищда олиб бориладиган сиёсий дискурсларнинг аҳамияти катта. Сиёсий дискурс – бу, энг аввало, сиёсий партиялар (шу жумладан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари) ўртасида коммуникатив мулокотни ташкил қилиб берадиган сиёсий жараёндир<sup>101</sup>.

Сиёсий мунозаралар ўз навбатида сиёсий етакчилар орқали бошқариладиган ва тегишли аудитория учун қўлланиладиган ҳамда ўзининг маҳсус тилига эга бўлган сиёсий воситадир. Сиёсий дискурс сайлов кампанияси даврида партиялар томонидан мамлакат ички ва ташқи сиёсатини муҳокама қилишда, жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли муҳим масалалар юзасидан баҳс-мунозарага киришувида ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларни таҳлил қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Сиёсий партияларнинг ўзаро сиёсий дискуссияга киришишида оммавий ахборот ва коммуникация воситаларининг ўрни катта. Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасида нафақат сайловолди кампанияси даврида, балки

<sup>100</sup> Бейме К. фон. Партии // Политология вчера и сегодня. Вып. 4. –М., 1992. – С. 64.

<sup>101</sup> Язык и наука конца XX века. Сб. статей. М.: РГГУ, 1995. - С. 35-73.

мунтазам равища долзарб ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан телебатлар, брифинг ва пресс-конференциялар ўтказиб келинади.

Сиёсий дискурснинг асосий мақсади – мавжуд ҳолатни оддийгина таснифлаш эмас балки, бу ўз ғоя ва фикрлариға электоратни ишонтириш, ижобий имидж яратиш ва аудиторияда мотивацияни уйғотишиң қаратилади. Шунинг асносида сиёсий дискуссиялар **презентатив** - ўз ғоя ва дастурларини тақдимот қилиш; **конструктив** - амалдаги ҳукуматга (ёки ҳокимиятдаги партияга) нисбатан ўз позициясини билдириши, яъни муқобил ғоя ва дастурларни илгари суриш, **конфронтатив** - амалдаги ҳукуматга (ёки ҳокимиятдаги партияга) нисбатан мухолифат шаклида фаолият олиб бориши каби кўринишларда намоён бўлади.

Шундан келиб чиқиб, давлат бошқарувини демократлаштириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш ва мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашда сиёсий партияларнинг ўз нуқтаи назари шаклланиши, давлат ва жамият тараққиётига қаратилган муқобил дастурларни илгари сура олиш қобилиятига эга бўлиши, сайловлар давомида ўз сиёсий рақиблари (бошқа сиёсий партиялар) билан мазмунли мунозарага кириша олиши, бир сўз билан айтганда, мамлакат сиёсий тизимида партиялараро рақобатни шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам кўп партиявийлик тизимини мустаҳкамлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш борасида ташкилий, ҳуқуқий ва институционал асослар яратилди. Бу борада эса, мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизими алоҳида диққатга сазовордир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунлар, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини

кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Бундан ташқари, 2018 йилнинг 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Унга кўра, Республикада **Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ҳамда барча даражадаги сайловлар жараёнига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш вазифалари белгилаб берилди.** Шунингдек, 2019 йил 26 июндан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов кодекси» сайлов тизимининг ягона хуқуқий асосларини яратди.

Бугунги кунда, мамлакатимизда бешта сиёсий партия расман рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб бормоқда, булар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси; «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияларидир.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП)** – 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ташкил қилинган биринчи сиёсий партия хисобланади. ЎзХДП 1991 йил 1 ноябрда расман давлат рўйхатига олинган. Расмий маълумотларга қараганда бугунги кунда партиянинг умумий аъзолари сони 425 мингта яқин. Жойларда партиянинг 11 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб боради. Партия уставида унинг асосий мақсади – давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Партиянинг матбуот органи – «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталаридир<sup>102</sup>.

---

<sup>102</sup> Ўзбекистон Халқ демократик партияси расмий веб-сайти маълумотлари асосида URL: [www.xdp.uz](http://www.xdp.uz)

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси** – 1995 йил 18 февралда ташкил топган. Бугунги кунда 135 мингдан ортиқ аъзоси бор. Республика худудларида 3 минга яқин бошланғич партия ташкилотларига эга. Партия матбуот органи – «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси. Партия уставида белгиланган асосий мақсади – ҳуқуқий-демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон худудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш дея белгиланган<sup>103</sup>.

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси** – 2008 йил 20 июнда Миллий тикланиш ва Фидокорлар партияларининг бирлашуви асосида шаклланган. Партиянинг умумий аъзолари сони 190 мингга яқинни ташкил этади. «Миллий тикланиш» демократик партияси уставига мувофиқ асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий ғуур, ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш эканлиги таъкидланади. Сиёсий партиянинг матбуот органи – «Миллий тикланиш» газетаси ҳисобланади<sup>104</sup>.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛидеп)** – 2003 йилнинг 15 ноябрида тузилган. Партия ўзининг асосий мақсади сифатида – тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерларнинг янада кенгрөқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш экани қайд этилади. ЎзЛидеп аъзоларининг умумий сони

<sup>103</sup> Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси расмий веб-сайти маълумотлари асосида URL: [www.adolat.uz](http://www.adolat.uz)

<sup>104</sup> Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси расмий веб-сайти маълумотлари асосида URL: [www.mt.uz](http://www.mt.uz)

252 мингдан ошади. Партия матбуот органи – “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси<sup>105</sup>.

**Ўзбекистон Экологик партияси** – 2019 йил 8 январь куни таъсис съезди бўлиб ўтди ва партия 24 январда давлат рўйхатига олинди. Янги сиёсий партиянинг асосий дастурий мақсадлари сифатида - мамлакатда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, Ўзбекистон аҳолиси учун қулай экологик шароит яратиш ва ноёб табиатни сақлашга жамиятнинг барча кучларини сафарбар қилиш, худудий ва маҳаллий экологик ва фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жамиятда экологик маданият даражасини кўтариш, ёшларни табиат ва унинг ресурсларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишларига ҳисса қўшиш дея белгилаб қўйилган.

Шунингдек, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партияларнинг 1994 й., 1999 й., 2004 й., 2009 й., 2014 й. ва 2019 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда иштироки ва сайловлар жараёнида орттирилган ўзига хос тажрибаси ҳам Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожига ижобий таъсир этади, албатта.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, 2017 йилнинг 12 июлида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўtkazilgan йигилишидаги маъruzасида сиёсий партиялар ва депутатлик корпуси вакиллари фаолияти танқидий таҳлил этилди. Унда асосий эътибор партияларро сиёсий рақобатнинг сустлиги, аҳоли (электорат) билан ишлаш тизимидағи муаммолар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари фаолиятидаги камчиликлар ва бошқа жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шулардан келиб чиқиб, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти ва уларни том маънодаги фуқаролик жамияти институтига

---

<sup>105</sup> Ўзбекистон Либерал-демократик партияси расмий веб-сайти маълумотлари асосида URL: [www.uzlidep.uz](http://www.uzlidep.uz)

айланиши борасидаги фундаментал муаммоларни қуидагича таснифлаш мумкин:

**биринчидан**, амалдаги сиёсий партиялар ўз ҳаракати ва фаолияти жиҳатидан жамиятдан, электоратдан узилиб қолган десак муболага бўлмайди. Сиёсий партиялар дастурларида индивидуаллик ва рақобатни кўра олмаймиз. Мазкур партиялар расмий хукумат томонидан олиб борилаётган сиёсатга нисбатан муқобил дастур ва моделларни илгари суриш қобилиятига эга эмас. Шуни таъкидлаш лозимки, *ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади*<sup>106</sup>;

**иккинчидан**, энг асосий муаммолардан яна бири бу ҳалигача сиёсий партияларнинг ижтимоий асоси – электорати тўлиқлигича шакллантирилмагани ҳисобланади. Шунингдек, амалда сиёсий партиялар билан, улар ўз электорати, дея эълон қилган, ижтимоий гурухи ўртасида «қайта алоқа» тизими мавжуд эмас. Аҳоли (сайловчилар) ўзларини қийнаётган социал-иктисодий муаммоларни ечими бўйича депутатларга (партияга) мурожаат қилишдан кўра ҳокимият ёки хуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишни афзал кўришади. Масалан, Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ўтказилган социологик сўровда «*Сизнинг ҳуқуқларингизни амалда ким ҳимоя қиласди?*» деган саволга респондентларнинг аксарияти (27%) хуқуқ тартибот органлари: ИИБ, ДХХ, прокуратура ва суд; яна бир қисми маҳалла ва ҳокимият идоралари дея жавоб берган бўлса, сўровда иштирок этган ҳеч бир респондент сиёсий партия ёки ўзим сайлаган депутат, дея жавоб бермаган<sup>107</sup>;

**учинчидан**, ҳозирда, сиёсий партиялар ташкилотларида кадрлар муаммоси жуда долзарблигича қолмоқда. Партия тизимида ҳали-хамон ёши ўтган ва эскича фикрлайдиган партташкилотчилар фаолият олиб бормоқда.

<sup>106</sup> Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 12.07.2017. <http://uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017>

<sup>107</sup> Фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятнинг хуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга оид Ўзбекистон тажрибаси. Ўқув қўлланма. Т., 2016. Б.80.

Ёш, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрларнинг сиёсий партиялар тизимида келишмаётганининг сабабларидан бири - ойлик маошининг пастлиги билан ҳам изоҳлашимиз мумкин. Масалан, сиёсий партиянинг марказий органлари ходимлари учун лавозимида қараб 1.5 млн.дан 2 млн. сўмгача маош олишади<sup>108</sup>. Шунингдек, партия ташкилотлари тизимида ўрнатилган қаттиқ бюрократик тизим ҳам профессионал кадрларни жалб қилиш имконини чеклайди;

**тўртинчидан**, мамлакатимиз партиявий тизими камчиликларидан яна бири, ўзида ижтимоий-сиёсий алоқалар, умуний қадриятлар ва ишонч омилини қамраб олган – ижтимоий капитал феноменининг суст даражадаги ривожи билан боғлиқдир. Бундан ташқари, сиёсий партиялар томонидан ижтимоий капитални тараққиётига қаратилган ўзига хос инвестициянинг етарли даражада эмаслиги ҳам мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширади;

**бешинчидан**, демократик норма ва қадриятларнинг сустлиги – сиёсий партияларнинг муҳим муаммоларидан яна биридир. Ўзларини «демократик» партия, дея эълон қилган мазкур сиёсий партияларнинг фаолиятида демократияга хос бўлмаган кайфият устуворлигини кузатиш мумкин. Булар, партия бошқарув органлари сайловида, сиёсий партиядан депутатликка номзодларнинг кўрсатилишида, партия тизимида ўрнатилган чуқур вертикал муносабатларда яққол кўринади. Мазкур ҳолатлар эса, аслида жамиятда демократияни мустаҳкамлашга қаратилган фуқаролик жамияти институти ҳисобланмиш – сиёсий партияларнинг халқ олдидаги имиджини тушишига олиб келмоқда.

Шунинг билан бирга, мазкур масалани **«ижтимоий амортизатор»** концепцияси асосида таҳлил қилиш ҳам қўл келади<sup>109</sup>. Ижтимоий амортизатор ўзида социомаданий ихтилофларнинг ошиши ҳақида ўзига хос сигналларни қабул қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-

<sup>108</sup> Сиёсий партия вакиллари билан сухбат асосида шакллантирилган – муаллиф.

<sup>109</sup> Ижтимоий амортизатор – жамиятда юзага келадиган ижтимоий қарама-қаршиликларни юмшатиш ва бартараф қилишга қаратилган фаолият тури. Социокультурный словарь, Т.3. 471 с.

тадбирларни кўришга қодир бўлган социомаданий институтларни қамраб олади. Демократик жамиятларда ижтимоий амортизатор институтлари сифатида – мустақил ОАВ, парламент ва албатта ўзида рақобат элементларини қамраб олган сиёсий партиялар ташкил этади. Ижтимоий амортизаторларнинг асосий вазифаси сифатида давлат ва жамиятни қийнаётган долзарб муаммоларни юмшатиш ва бугунги кун тартибига кўчиришдан иборатдир. Уларнинг фаолиятига бирдан бир баҳони эса социум беради.

Ижтимоий амортизаторларнинг йўқлиги (ёки суст фаолияти) жамиятда ижтимоий, сиёсий ва бошқа турдаги муаммоларнинг янада «газак отишига» олиб келиши муқаррар. Шулардан келиб чиқиб савол пайдо бўлади: **буғун Ўзбекистонда сиёсий партиялар том маънодаги ижтимоий амортизатор вазифасини ўтай олаяпдими?**

Мазкур саволга турлича жавоб бериш мумкин. Шунингдек, бугунги кунда, сиёсий партияларни давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги долзарб ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий масалалар борасида доимий изланишлар олиб борадиган, аҳолини (электоратни) қийнаётган муаммолар ечимлари юзасидан аниқ ва манзилли дастурлар ишлаб чиқадиган, давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини ва ижтимоий ҳамкорлик ўрнатадиган «ақл фабрика»ларига айлантириш зарурати мавжуд.

Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда хуқукий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти шаклланишида, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, социумда ижтимоий капитал факторини мустаҳкамлашда сиёсий партиялар иштирокини кенгайтириш борасида бир қанча таклифларни илгари суриш мумкин. Жумладан:

- буғунги кунда, сиёсий партияларни давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги долзарб ижтимоий-сиёсий ва иктиносий масалалар борасида доимий изланишлар олиб борадиган, аҳолини (электоратни) қийнаётган муаммолар ечимлари юзасидан аниқ ва манзилли дастурлар ишлаб чиқадиган, давлат бошқарув органлари устидан

- жамоатчилик назоратини ва ижтимоий ҳамкорлик ўрнатадиган «ақл фабрика»ларига айлантириш зарурати мавжуд;
- Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган сиёсий партияларни вакиллик демократияси институтига айлантириш учун энг аввало уларнинг иш самарадорлигини ошириш, электорат билан ишлашда янги, XXI асрга хос бўлган, инновацион ижтимоий механизмларни қўллаш ҳамда партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратиш лозим;
  - давлат ва жамият ижтимоий-сиёсий тизими шаффоғлиги ва легитимлигини таъминлаш энг аввало хилма-хиллик муҳитини яратиш ҳамда сиёсий плюрализмга ҳам боғлиқдир. Кўп партиявийлик тизими ўз ўзи билан демократияни яратмайди;
  - шунинг билан бирга, ҳозирги кунда Ўзбекистон Ҳаракатлар Стратегияси асосида ўз олдига қўйган ва илгари сурилаётган улкан ислоҳотларнинг қай даражада муваффақиятли кечиши янги сайланган миллий парламентимизга ҳам кўп жаҳатдан боғлиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун Ўзбекистонга том маънодаги **демократик сайловлар, демократик партиялар ва демократик парламент** жуда зарур.

Хулоса ўрнида, партология соҳасидан яна бир эслатмани келтириш фойдадан ҳоли эмас. Партияларнинг мавжудлиги бу бир масала, улар амалда қандай фаолият юргизишни тушуниш бу бошқа масала. Ҳар хил демократияларда партиялар ҳар хил иш юритади. Замонавий демократия классик демократиядан фарқ қиласди. Жамиятлар ва давлат институтлари глобаллашув даврида ва жадал информацион жараёнлар муҳитида жуда мураккаблашиб бормоқда. Демак, партиялар ҳам бундай шароитда жиддий синовдан ўтиши муқаррар. Бунда партия тизимини ислоҳоти бир нечта йўналишда амалга оширилиши керак бўлади, яъни: партиянинг ташкилот сифатида олий мақсади ва ички тузилиши; партиянинг давлат билан муносабати; партиянинг фуқаролар билан мулоқоти ва ҳаказо.

## **Таянч тушунчалар**

*Сиёсий партия; кўппартиявийлик; электорат; депутат; Олий Мажлис; маҳаллий вакиллик кенгашилари; ҳокимият ротацияси; сиёсий мафкура; сиёсий дискурс; конструктив мулоқот; ЎзХДП; ЎзЛиДеП; «Адолат» СДП; «Миллий тикланиш» ДП; Экология партияси; бошлангич партия ташкилоти; Сайлов кодекси; ижстимоий амортизатор; инновацион ижстимоий механизмлар; сиёсий плюрализм.*

## **Назорат учун савол ва топшириқлар**

1. «Сиёсий партия» деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида сиёсий партия тушунчасига қандай таъриф берилган?
3. Кўппартиявийлик тизими ва унинг фуқаролик жамиятидаги ўрни ҳақида гапириб беринг.
4. Кўппартиявийлик шароитида «сиёсий дискурс» омили нималарда намоён бўлади?
5. Ўзбекистонда кўппартиявийлик ва демократик сайлов тизимини шакллантиришига қаратилган қонунчилик асосларини санаб ўтинг.
6. Бугунги кунда мамлакатимизда қандай сиёсий партиялар фаолият олиб бормоқда?
7. «Ижстимоий амортизатор» илмий концепцияси ҳақида нималарни биласиз?
8. Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти ва уларни том маънодаги фуқаролик жамияти институтига айланиши борасида қандай муаммолар мавжуд?
9. «Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берииши зарур...» жумласини изоҳлаб беринг.
10. Сиёсий плюрализм тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.

## II БОБ БҮЙИЧА ХУЛОСА

Бугунги кунда, мамлакатимизда кечаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёни ижтимоий ҳаётимизнинг кун тартибига бир қанча долзарб масалаларни олиб чиқмоқда. Ҳукумат ва давлат ташкилотлари юқори ва барқарор иқтисодий ўсишга интилиши билан бирга, айни пайтда, том маънодаги кучли фуқаролик жамиятини, унинг муҳим ва ажралмас компонентларини янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам бош қотиришмоқда. Яъни, бир сўз билан айтганда, хуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётини шакллантириш фуқаролик жамияти институтлари ривожига, фуқаролик институтлари ривожи эса, давлат ва бизнес тизилмаларининг самарали фаолиятига боғлиқдир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти омили, бошқа мамлакатлардан фарқли равишда чукур миллий, маънавий ва диний илдизларга асосланиши билан ажралиб турди. Дунё миқёсида кечаётган глобал ўзгаришлар, интернет ва виртуал ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши, «оммавий маданият» ва унинг турли даражадаги таъсирларига қарамай, ўзбек жамияти - ўзаро бирдамлик, жамоавийлик, яқин қўни-кўшничилик, маҳаллачилик, ижтимоий ишонч каби ўзининг асрий қадриятларини сақлаб қолгани ҳолда уларни келажак авлодга етказиб беришдек вазифаларни ҳам бажариб келмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда турли фуқаролик жамияти институтлари мамлакат ҳаётида муҳим ижтимоий дастурларни амалга оширади. У жамият ва давлат, шахс ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларни тартибга солгани ҳолда юртимизда демократик бошқарув, кучли фуқаролик жамияти ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга замин яратади. Уни шаклланиши ва ривожи энг аввало шахс-жамият-давлатнинг биргаликдаги саъй-харакатлари натижасида рўй беради. Бу эса, ўз навбатида, халқимизни, энг аввало ёшлиаримизни истиқлол шароитида ватанпарварлик рухида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар, азалий анъаналаримиз, удумларимиз,

она тилимиз руҳиятига асосланиб, эртанги кунига ишончни янада мустаҳкамлашга асос бўлади.

## ХУЛОСА

Мазкур ўқув қўлланмада Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларида фуқаролик жамияти институларининг ролига алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, давлат томонидан жамоат ташкилотларининг шаклланиши ва самарали фаолият юргизиши учун яратилаётган шарт-шароитлар таҳлил этилади. Рўйхатга олинган ННТларнинг асосий формаси ва ишлаш методлари характеристики; мамлакатда ушбу турдаги ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси бериб ўтилган. Мазкур воқеликнинг ижтимоийлик хусусиятига алоҳида ургу берилгани ҳолда, бунда нафақат ННТларнинг шаклланиши, фаолият юргизиши ва жамиятда ижтимоий фикрни ривожидаги ўрни, балки умумдавлат контекстидаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш борасидаги иштироки тенденцияларига алоҳида эътибор берилган.

Бугунги кунда, жаҳонда кечеётган геосиёсий вазиятдан келиб чиқиб шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда миллий ННТларимизни, умуман олганда, учинчи секторни шакллантиришимиз ва қўллаб-кувватлашимиз, минтақада ўз позициясини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган геостратегик кучларнинг «юмшоқ куч» (soft power)га асосланган сиёсий ҳаракатларига муносиб жавоб бўлиши мумкин.

Шулардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

1) Фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳияти, унинг турли даврлар ва ижтимоий-сиёсий шароитларда фаолияти тўғрисидаги назарий қарашлар таҳлилини умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти давлат томонидан тўғридан-тўғри тартибга солинмайдиган ва бошқарилмайдиган эркин фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кўнгиллилар уюшмаларининг ўзаро самарали ижтимоий алоқалари

тизимидан ташкил топади. Фуқаролик жамияти ўзининг коммуникацияларини, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий соҳаларига тегишли принциплардан фарқ қиласидиган, ўзига хос қонуниятлар – тенглик, бирдамлик, очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч асосида шакллантиради.

2) Фуқаролик жамияти шахсларнинг ижтимоий мустақиллигини таъминлайди ҳамда бир вақтнинг ўзида уларни ННТларга бирлаштиргани ҳолда ижтимоий интеграцияни ҳам кучайтиради. Фуқаролик жамиятининг етуклик даражасини асосий қўрсаткичи *ижтимоий ташкилотларнинг сони эмас, балки фуқароларнинг мазкур ташкилотларга жалб этилганлиги*, яъни мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни белгилаб берадиган фуқаролик жамиятининг ижтимоий базаси ташкил этади.

3) Замонавий ижтимоий-сиёсий фанларда фуқаролик жамияти ривожини ўлчаш бўйича бир қатор методологик ёндашувлар шаклланган бўлиб, улардан *институционал, тизимили ва интегратив* методларни алоҳида кўрсатиш лозим. Институционал ёндашув фуқаролик жамиятини ижтимоий бирлашмалар ва институционал мухит фаолияти асосида келиб чиқувчи феномен сифатида қарайди, лекин фуқаролик жамияти ва ижтимоий мухитнинг функциялари ўртасидаги яққол фарқни ажратмайди. Тизимли ёндашув фуқаролик жамиятининг асосий вазифа ва функцияларини жамият меҳнат бозорига татбиқан ўрганиш учун кенг имконият берсада, кўпинча унинг натижаларини ижтимоий жараён ва қадриятлар шаклланиши шароитида амалда қўллаш нисбатан мураккаброқ ҳисобланади. Интегратив ёндашув, энг аввало, фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этувчи институционал ва структуравий боғлиқлик асосига қурилган бўлиб, унда фуқаролик жамияти институтларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва ижтимоий аҳамиятини кенгроқ тадқиқ этишга имкон беради.

4) Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг демократик қадриятларнинг тан олиниши, ҳуқуқий давлат ва иқтисодий эркинликларга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик жамияти феноменининг долзарблигини алоҳида эътироф этиш лозим. Фуқаролик жамияти мавзусига

бўлган эътиборнинг кучайишига қаратилган ички ва ташқи шароитларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу борадаги ўзбек модели кўп жиҳатдан давлат бош ислоҳотчилиги ва патерналистик характерга асосланади. Айнан ҳокимият жамиятда ижтимоий фаолликни каналлаштиради, уни ННТлар формати орқали ижтимоий йўналтирилган ҳаракатга трансформациясини амалга ошириб боради.

5) Миллий нодавлат ташкилотлари фаолиятида бир қанча долзарб муаммолар ҳам мавжуд. Аниқланган муаммолар нафақат «учинчи сектор» моддий-техник базасининг етарли эмаслиги, балки фуқаролик жамиятининг муҳим компоненти ҳисобланган, жамиятнинг барча ижтимоий гурӯҳ ва қатламларини қамраб оловчи ижтимоий капиталнинг суст ривожи билан ҳам боғлик. Бунда давлат органларининг жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликнинг самарали йўлга қўйилмаганлиги, аҳоли орасида ижтимоий фаоллик ва ННТлар фаолиятида иштирок этишга қизиқишининг пастлиги, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро алоқалари бир томонлама характер касб этиб, давлат томонидан бошқарилиб, тартибга солиниб турилиши каби омилларни санаб ўтишимиз мумкин.

6) Бугунги кунда мамлакатдаги ННТларнинг давлат органларига йўналтирилганлиги, танқидий фикр юритишнинг сустлиги, аҳоли билан тўғридан-тўғри муроқот қилиш мотивациясининг етарли эмаслиги – буларнинг бари фуқаролик жамияти ривожига тўсқинлик қилмоқда. Фақатгина турли жамоат ташкилотлари, касаба уюшмалари, бизнес тизилмалар ва ОАВлар билан доимий алоқалар тизимини шакллантириш – фуқаролик жамияти институтларига турли ижтимоий қатлам ва синфларни ягона миллий ғоя атрофида бирлаштириш ҳамда ўз фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча ресурсларни жалб қилиш имконини беради.

## ГЛОССАРИЙ

**Адолат** – барчанинг қонун олдида тенглиги ва қонуннинг барча учун тегишлилигидир.

**Ассимиляция** – қоришиб кетиш, ўхшашлик, қўшилиб кетиш. Шахснинг жамиятга қўшилиши.

**Ахлоқ** – ижтимоий онг шакли сифатида муайян халқ, элат ёки уюшманинг асрлар давомида шаклланган хулқ-автор, хатти-ҳаракатлар, ҳистуғу ва кишилар ўртасидаги ўзаро реал муносабатлари тизимини ифода этади.

**Бетарафлик** – бирвларнинг жанжалига, икки томон курашига аралашмаслик. Ижтимоий-сиёсий статус.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – 1945 йилда дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида тузилган халқаро ташкилот.

**Гурӯҳ** – бу хатти-ҳаракатлари расмий ва норасмий институтлар томонидан бошқариладиган, маълум норма ва қадриятларга эга бўлган, бошқа бирликлардан ўз хусусиятлари билан фарқ қиласидиган, бир-бирлари билан ижтимоий муносабатлар системаси билан боғланган кишилар йиғиндисидан иборат бўлган социал бирлиқdir.

**Давлат** – ўзида маъмурий ва бошқарув функцияларини қамраб олган жамиятнинг сиёсий ташкилоти.

**Демократия** – (юононча: demos-халқ, kratos-ҳокимият) давлат бошқарувининг халқ ҳокимиятчилигига асосланган шакли.

**Жадидчилик** – маърифатчилик ҳаракати (арабча: янги)- янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари.

**Жамият** – ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, муносабатлар ва алоқаларни жамлаган инсонларнинг ижтимоий бирлашмаси.

**Жамоатчилик фикри** – халқ фикри, халқ нуқтайи назари, ёндашуви деб тушуниш мумкин.

**Ижтимоий сиёсат** – инсон манфаатини кўзлаб олиб бориладиган сиёсат.

**Ижтимоий ташкилотлар** – қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари.

**Ижтимоий бирдамлик** – бу қўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган ижтимоий категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият юритаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлигининг кўриниши.

**Ижтимоий меъёр** – жамият бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, шахс ёки ижтимоий групҳо хулқ-атворини муайян ижтимоий муҳитга мослаштирувчи қоидалар мажмуаси.

**Ижтимоий капитал** – ўзида маълум ижтимоий муносабатлар, маънавий қадриятлар ва ишонч омилини жамлаган фуқаролик жамиятининг когнитив асосидир.

**Интеграция** – миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиши ва мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида, ихтиёрий равишда бирлашиш, бир-бирларига ўзаро таъсир этиш жараёни.

**Қадрият** – инсон ва инсоният учун аҳамиятли, қадрли бўлган ижтимоий ҳаракат шакллари.

**Кўппартиявийлик** – сиёсий хилма-хиллик жамиятида бир неча сиёсий партияларнинг мавжудлигидир.

**Мафкура** – муайян ижтимоий групҳо, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимиdir.

**Маданият** - (арабча «маданият»-мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрганлик) - кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва усуслари мажмуаси.

**Миллат** – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит худудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий хаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

**Парламент** – французча «сўзламоқ» деган маънони англатади. Парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

**Партия** – лотинча қисм, гурух деган маънода тушуниш мумкин. Бу қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилевчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи фуқароларнинг қўнгилли бирлашмасидир.

**Республика** – идора қилиш усули бўлиб ундан давлат ҳокимиятининг юқори органлари Конституция томонидан белгиланган муайян муддат ва тартибда сайланадиган вакиллардан иборат бўлади.

**Референдум** – давлат аҳамиятига молик масалалар бўйича умумхалқ сўрови.

**Сиёсат** – бу давлатни, жамиятни бошқариш санъати ва маҳорати, турли табака ва гурухларнинг ўзаро муносабатлар билан боғлик фаолият доирасидир.

**Сиёсий маданият** – жамият аъзоларининг давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тушуна билиш қобилияти, таҳлил қилиш даражаси ва сиёсий вазиятга қараб мустақил равишда ўз хатти ҳаракатларини белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш маҳорати.

**Сиёсий тизим** – давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувини шакллантириш ва амалда рўёбга чиқариш билан боғлик муносабатлар, ҳаракатлар, ташкилотлар тузилмасининг умумлашган ифодаси.

**Ташқи сиёсат** – ҳар-бир давлатнинг бошқаси билан у ёки бу даражада алоқа қилиши ва ўзаро муносабат ўрнатиш шакли.

**Хуқуқий онг** – давлат ва хуқуқий воқеликлар ҳақида ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар тизимиdir.

**Шахс** – ижтимоий мавжудот бўлган ва ўзининг индивидуал ифодаланган сифатларига эга киши. Муайян хуқуқ ва эркинликларга эга бўлган инсон.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Норматив-хукукий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т: «Ўзбекистон», 2017, - 76 б;
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни. 1991 йил 14 февраль./Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4-сон. - Т.: Адолат, 1993, - Б.153-178;
3. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни. 1996 й. 26 декабрь./Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 2 (1250), 1997. - Б.11-19;
4. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни./Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 5 (1277), 1999. - Б.61-73;
5. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонуни. 2003 й. 29 август./Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 9-10 (1329-1330), 2003. - Б.89-103;
6. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонун. «Халқ сўзи» газетаси 2013 йил 23 апрелдаги 77 (5751)-сони;
7. Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлови тўғрисида»ги Қонуни. «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 24 апрелдаги 78 (5752)-сони;

8. Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни. 2014 йил 25 сентябрь//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. - Б.4-20;

9. Ўзбекистон Республикаси «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни. «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 6 майдаги 87 (6017)-сони;

10. Ўзбекистон Республикаси «Ёшлирга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 15 сентябрдаги 182 (6617)-сони;

11. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида (янги таҳрири)»ги Қонуни. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 23 сентябрдаги 188 (6623)-сони;

12. Ўзбекистон Республикаси «Кексалар, ногиронлар ва ахолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 31 декабрь, 52-сон;

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 7 февраль//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz));

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси 2019 йил 18 январь;

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлашни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қўшма Қарори//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й., 7-сон;

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони. 2018 йил 4 май://Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz));

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 3 февраль://Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz));

18. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т., «Ўзбекистон». 2017. - 104 б;

19. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Т., «Ўзбекистон». 2016. - 56 б;

20. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови. Т., «Ўзбекистон». 2017. - 48 б;

21. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. Т., «Ўзбекистон». 2017. - 488 б;

22. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 364 б;

23. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 380 б;

24. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 366 б;

25. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 349 б;

26. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997.-384 б;

27. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 429 б;

28. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999. - 410 б;
29. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 528 б;
30. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: Ўзбекистон, 2001. - 432 б;
31. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Т.: Ўзбекистон, 2002. - 432 б;
32. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Т.: Ўзбекистон, 2003. - 320 б;
33. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004. - 400 б;
34. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. -Т.: Ўзбекистон, 2005. - 448 б;
35. Каримов И.А. Инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. -Т.: Ўзбекистон, 2006. - 280 б;
36. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 96 б;
37. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 144 б;
38. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. -Т.: Ўзбекистон, 2007. - 318 б;
39. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 315 б;

40. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. -Т.: Ўзбекистон, 2010. - 280 б;

## **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар.**

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. Т., «Янги аср авлоди». 2016. - 318 б;
2. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. - Ташкент, 1963. Т.2. 147 с;
3. Алиева В. Политическая культура молодёжи в условиях демократизации общества в Узбекистане. Автореф.дисс.на соис.кан.пол.наук. Т., 2011;
4. Билолхужаева Ш. Проблема взаимодействия морали и права в условиях формирования гражданского общества в Узбекистане. Автореф.дисс.на соис.кан.юрид.наук. Т., 2005;
5. Бекмуродов М., Қуронбоев Қ., Тангриев Л. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. - Т., 2017. - 92 б;
6. Джавакова К. Семья и тенденции духовного оздоровления общества независимого Узбекистана. Автореф. дисс.на соис.кан.филс.наук. Т., 1994;
7. Жалилов Ш. Кучли давлатдан - кучли жамият сари. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - 160 б;
8. Жалилов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма. Т., 2015. - 264 б;
9. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. -Т.: Шарқ, 1998. - 154 б;
10. Жўраев Н. Агар огоҳ сен...сиёсий эссе. -Т.: Шарқ, 1998. - 256 б;
11. Жўраев Н., Азизов Ш. Ижтимоиёт асослари. -Т., 2003. - 384 б;
12. Ибн Сина. Избранные философские произведения. -М., 1980. - 552 с;

13. Исламов З. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага.-Т.: Тошкент Давлат юридик институти, 2002. - 86 б;
14. Исламов З. Общество, государство, право. Тенденции и перспективы развития. -Т.: Адолат, 1997. - 64 с;
15. Кадырова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодёжи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. Автореф.дисс.на соис.док.филс.наук. Т., 2000;
16. Кочкорова Г. Роль негосударственных некоммерческих организаций в формировании нравственных устоев гражданского общества. Автореф.дисс.на соис.кан.филс.наук. Т., 2008;
17. Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. Юридик фан.бўй.фан док.дисс. автореф. Т., 2011;
18. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Миллатлар қандай тараққий этарлар? (1913) «Самарқанд» газетаси, 1913;
19. Маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликнинг самарали тизимини шакллантириш: бугунги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Т., 2016. - 128 б;
20. Мусаев Ф. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Т., 2007. - 272 б;
21. Мирзаев А. Фуқаролик жамияти ва демократик қадриятлар. -Т.: ТДТУ, 2005. - 172 б;
22. Муминов А. Национальная политика независимого Узбекистана и пути её реализации в духовно-культурной сфере. Автореф.дисс.на соис.док.пол.наук. Т., 1999;
23. Навоий А. Ҳайратул-аббор. -Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1974. - 145 б;

24. Назаров Ш.Н. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли (назарий ва ҳуқуқий масалалар). Юридик фан.бўй.фан ном.дисс.автореф. Т., 2009;
25. Насридинова О.Т. Ҳуқуқий маданият – фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил (ёшлар мисолида). Юридик фан.бўй.фан ном. дисс.автореф. Т., 2009;
26. Наджимов Г. Роль народных традиций в культурной жизни обновляющегося общества (Социально-философский аспект). Автореф.дисс.на соис.док.филс.наук. Т., 1993;
27. Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. Т., 2015. - 190 б;
28. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. -Т.: Шарқ, 2002. - 320 б;
29. Пахрутдинов Ш. Тахдид - ҳалокатли куч. -Т.: Академия, 2001. - 317 б;
30. Садыков Н.Н., Котова Л.М. Неправительственные организации - основа гражданского общества, создаваемого в Узбекистане. -Т.: Фонд им. Ф.Эберта, 2000. - 100 с;
31. Сухомлинова М.В. Социальная активность женщин как фактор устойчивого развития общества. Автореф.дисс.на соис.док.соц.наук. Т., 2004;
32. Темур тузуклари./Форсадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. -Т.: Ф.Ғулом номидаги нашриёт, 1991. - 144 б;
33. Узбекистан на пути к гражданскому обществу - Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари: (Сборник статей). Отв.ред. Р.Алимов. -Т.: Шарқ, 2003. - 304 б;
34. Фазилов У.Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари. Юридик фан.бўй.фан ном.дисс.автореф. Т., 2009;
35. Фалсафа комусий лугат. Т., 2010. - 344 б;

36. Фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга оид Ўзбекистон тажрибаси. Ўқув қўлланма. Т., 2017. - 184 б;
37. Холбеков А.Ж., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Янги аср авлоди, 2004. - 186 б;
38. Хурельман К., Тешендорф П. Молодежь Центральной Азии. Узбекистан: На основе социологического опроса. Алматы. 2016. - 280 с;
39. Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. -Т.: Изд. дом «Мир экономики и права», 2002. - 272 с;
40. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар. -Т.: Шарқ, 2002. - 272 б;
41. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. -Т.: Akademiya, 2004. - 130 б;
42. Эргашев И.Э. Политика государства независимого Узбекистана на селе: теория и практика. Автореф.дисс. на соиск.уч.степ.докт.полит.наук. -Т., 1995;
43. Юлдашева Ф. Роль ценностей ислама в процессе духовного обновления общества. Автореф.дисс.на соиск.кан.филс.наук. Т., 2006;
44. Яхшиликов Ж., Мухаммадиев Н. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. Т., 2017. - 424 б;
45. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Т., «Ўзбекистон». 2010. - 256 б;
46. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. Т., «Шарқ». 1998. - 160 б;
47. Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. -Т.: ТДЮИ, 2005. - 124 б;
48. Гуломов М. Маҳалла - фуқаролик жамиятининг асоси. -Т.: Адолат, 2003. - 352 б.

### **III. Хорижий илмий адабиёт ва манбалар.**

1. Аберкромби Н. Социологический словарь. - 2-е изд., перераб. и доп. изд. - М.: ЗАО «Экономика», 2004. - 88 с;
2. Anheier H. K., Salamon L. M. Volunteering in cross-national perspective: Initial comparisons. Civil Society Working Paper 10. 2001. - Р. 5-8;
3. Алексеева О., Джибладзе Г. и др. Государственная политика в области содействия гражданским инициативам: позиция неправительственных организаций. М., 2001;
4. Адам Ф., Подменик Д. Социальный капитал в европейских исследованиях // СОЦИС. 2010. № 11. - С. 35-48;
5. Banfield E. The Moral Basis of a Backward Society. New York: Free Press, 1958. - 205 p;
6. Бейме К. фон. Партии // Политология вчера и сегодня. Вып. 4. –М., 1992. – 270 с;
7. Bourdieu P. “The Forms of Capital”. Handbook of Theory and Research for the Sociology of Education, edited by J. G. Richardson. New York: Greenwood Press. 1986. - P. 241-258;
8. Bourdieu P. The forms of capital // Handbook of theory and research for sociology of Education. Ed. by J. Richardson. New York: Greenwood Press, 1986;
9. Бурдье П. Социальное пространство: поля и практики / под ред. Н. А. Шматко. - СПб.: Алетейя, 2007. - 576 с.
10. Бидерман К. Координация работы добровольцев и менеджмент волонтерских программ в Великобритании. М., 1999. - 39 с;
11. Burt, R. S. Structural Holes, The Social Structure of Competition, Harvard University Press, Cambridge. 1992. - P. 57-91;
12. Becker G.S. The Economic Way of Looking At Life // Nobel Lecture, December 9, 1992. / Department of Economics, University of Chicago, Chicago, IL. 60637, USA. – 619 p;
13. Bruno Frère: Social Capital and the “New Spirit of Capitalism”. The Ideology of the Connected Man and New Ways of Exploitation, FJ NSB 3/2009, - Р. 29-45;

14. Woolcock M., Narayan D. Social Capital: Implications for Development Theory // The World Bank Research Observer. 2000. № 15. - P. 225-251;
15. Woolcock M. The Place of Social Capital in Understanding Social and Economic Outcomes // Isuma. 2001. Vol. 2. №1;
16. Гончарова Т., Чахор Р. Роль «третьего сектора» в развитии социального капитала. Томский журнал ЛИНГ и АНТР. Tomsk Journal LING & ANTHRO. № 3(9). 2015. - С. 14-15;
17. Glaeser E., Laibson D. Scheinkman J., Soutter C. Measuring Trust // Quarterly Journal of Economics. 2000. Vol. 115, No 3. - P. 811-846;
18. Grootaert C., Narayan D., Nyhan Jones V., Woolcock M. Measuring Social Capital: An Integrated Questionnaire //World Bank Working Papers, 18. [Электрон манба] URL:[www.worldbank.org/socialdevelopment](http://www.worldbank.org/socialdevelopment);
19. Grootaert C. Social Capital, Household Welfare, and Poverty in Indonesia. Washington. The World Bank., 1999. [Электрон манба] URL:<http://www.nlr.ru/lawcenter/izd/index.html>;
20. Дворянов А.А. Социальные функции доверия // Регион: экономика и социология. 2006. № 4. - С. 130-140;
21. Джери Д. Большой толковый социологический словарь: русско-английский, англо-русский. том 1. - М.: Вече-АСТ, 1999. - 83 с;
22. Diamond L. "Is the Third Wave Over?" Journal of Democracy, 1996, № 3. P. 20-37;
23. Eva More-Hollerweger a. o. Univ.-Prof. Dr. Arno Heimgartner. 1. BERICHT ZUM FREIWILLIGEN ENGAGEMENT IN ÖSTERREICH. Erstellt vom Institut für interdisziplinäre Nonprofit Forschung an der Wirtschaftsuniversität Wien (NPO-Institut). Wien, Juni 2010. - S. 15-17;
24. Исаэлян Е.В. Взаимодействие государства и гражданского общества: опыт Канады и российские реалии. Россия и Америка в XXI веке. Электронный научный журнал. №2. 2008. [Электрон манба] URL:<http://www.rusus.ru/?act=read&id=82>;

25. Коньков А.Т. Социальный капитал и экономическое взаимодействие: Монография, М.: Изд-во РУДН, 2007;
26. Coleman J. «Social Capital in the Creation of Human Capital» // American Journal of Sociology. Vol. 94, 1988. - P. 95-121;
27. Coleman J. “Different Strokes from Different Folks: Community Ties and Social Support”. American Journal of Sociology. 1996. - P. 558-88;
28. Кошев А.М. Внутренние факторы формирования японского социума. // Путь Востока: Традиции освобождения. Санкт-Петербургское философское общество, 2000. - С.114;
29. Карасев Ф.Г. Социальный капитал соседских сообществ. /Научный ред. И.Е. Кокарев. – М.: Прометей, 2001;
30. Кенэ Ф. Избранные экономические произведения / Франсуа Кенэ [перевод с фр. А. И. Казарин]. - М.: Соцэкгиз, 1960. - 539 с;
31. Коулман Дж. Капитал социальный и человеческий. 1994. - С. 126-302;
32. Kreuter M. W., Young L. A. , Lezin N. A. Measuring Social Capital in Small Communities//Study conducted by Health 2000 Inc., Atlanta GA in cooperationwith St. Louis School of Public Health, Atlanta, Georgia. 1999;
33. Коулман Дж. Капитал социальный и человеческий // Общественные науки и современность. М., 2001. № 3. - С.124-126;
34. Claus Offe, “Sozialkapital”. Begriffliche Probleme und Wirkungsweise, in: Ernst Kistler/Heinz-Herbert Noll/Eckhard Priller (Hrsg.), Perspektiven gesellschaftlichen Zusammenhalts. Empirische Befunde, Praxiserfahrungen, Meßkonzepte, Berlin 1999, - S. 118;
35. Knack S., Keefer Ph. Does Social Capital Have An Economic Payoff? A Cross-Country Investigation // Quarterly Journal of Economics. 1997. Vol. 112. №4. - P.1251–1288;
36. La Palombara J., Weiner M. Political parties and political development. – The origin and development of political parties (Princeton, NJ, 1966), 487 p;

37. Loury, Glenn. A Dynamic Theory of Racial Income Differences. Chapter 8 of Women, Minorities, and Employment Discrimination, Ed. P.A. Wallace and A. Le Mund. Lexington, Mass.: Lexington Books, 1977;
38. Loury, G. C. (1976), «Dynamic Theory of Racial Income Differences», Discussion Papers. 2001. Vol. 225. - 95 p;
39. Лебедева Н.Н., Ломовцева О.А. Социальный капитал и модернизация этноэкономики Юга России // Общественные науки и современность. М., 2006. № 2. - С. 109-117;
40. Luhmann N. Trust and Power. Wiley, 1979. - 208 p;
41. La Porta R., Lopez-De-Silanes F., Shleifer A., Vishny R.W. Trust in large organizations // American Economic Review Papers and Proceedings. 1997. №87(2) - P. 333-338;
42. Лисовская Т. А. Концепт volunteering в сознании американцев // Вестник ВГГУ. 2010. Т.4., № 2. - С. 73-75;
43. Леонид Полищук: выступление на научном семинаре на тему: «Социальный капитал в России: измерение, анализ, оценка влияния». 20.05.2011. [Электрон манба] URL:<http://www.liberal.ru/articles/5265>;
44. McKenzie K., Harpham T. Meanings and uses of social capital in the mental health field // In K.McKenzie& T. Harpham (Eds.), Social capital and mental health. Philadelphia, PA: Jessica Kingsley Publishers. 2006. - P. 11-23;
45. Maluccio, J., Haddad L. May J. Social capital and household welfare in South Africa, 1993-98 // Journal of Development Studies. 2000. № 36(6)., - P. 54-80;
46. Михеев А.Н. Многосторонние партнерства: определение, принципы, типология, процесс осуществления // Информационное общество. 2005. № 3. - С. 18-25;
47. Michael Corsten: Local Social Capital as Social-Moral Map – Subjective Visualizations of the Own City, FJ NSB 3/2009., - P 88-99;
48. Nelson R.H. Max Weber Revisited / Religion, Economy, and Cooperation; I. Pyysiainen (ed.). Gottingen: De Gruyter, 2010. - P. 240-245;

49. Новикова В.Ф. Влияние социального капитала на экономические процессы // Вестник МГАДА. № 4 (16) / 2012. - С. 42-48;
50. Основы политической науки. Часть I.-М.: МГУ, 1996. - 224 с;
51. Основы политической науки. часть II. -М.: МГУ, 2001. - 160 с;
52. Ostrom E. Social Capital: A Fad or a Fundamental Concept // in Social Capital: A Multifaceted Perspective, ed. by P. Dasgupta, and I. Serageldin, 1999. - P. 172-214;
53. Portes A. Economic Sociology and the Sociology of Immigration: A Conceptual Overview. // The Economic Sociology of Immigration: Essays on Networks, Ethnicity, and Entrepreneurship. Ed. by A. Portes. New York: Russell Sage Foundation, 1995. - P. 1-43;
54. Portes A., Landolt P. The Downside of Social Capital // The American Prospect, 1996, 26, May-June, - P. 18-21;
55. Portes, A. Social capital: Its origins and application in modern sociology // Annual Review of Sociology, Vol. 24, 1998. - P. 1-24;
56. Putnam R. Tuning in, Tuning out: the Strange Disappearance of Social Capital in America // PS: Political Science and Politics. 1995., Vol. 28, № 4. - P. 664-683;
57. Putnam R. Bowling alone: the collapse and revival of American community. New York: Simon Schuster, Vol. 108, No. 3/4 (2001), - P. 390-395;
58. Петти В., Смит А., Рикардо Д. Антология экономической классики. Т.1. - М.: МП «Эконов»-«Ключ», 1993. - 81 с;
59. Paldam M. Social Capital: One or Many? Definition and Measurement // Journal of Economic Surveys. 2000. Vol. 14. Is. 5. - P. 629–654;
60. Kathryn Pitkin Derose, Danielle M Varda. Social Capital and Health Care Access: A Systematic Review // Medical Care Research and Review. 2009. № 66(3). - P. 272-306;
61. Плотников А.И. Межсекторное партнерство как социальная инновация для муниципальной власти России // Современные научные

исследования и инновации. 2011. №1. [Электрон манба]

URL:<http://web.snauka.ru/issues/2011/05/404>;

62. Robison L. J., Allan S., and Siles M. Is Social Capital Really Capital // Review of Social Economy, 2002. № 60(1). - P. 1-21;

63. Сморгунов Л.В. Сравнительная политология: теория и методология измерения демократии. - Санкт-Петербург: СПб.ГУ, 1999. - 374 с;

64. Соловьев А.И. Политология: Политическая теория, политические технологии: Учебник для студентов вузов. -М.: Аспект Пресс, 2004. - 559 с;

65. Martin Diewald. Soziale Netzwerke und soziale Ungleichheit. Zur Rolle von Sozialkapital in modernen Gesellschaften. Wiesbaden: VS Verlag für Sozialwissenschaften, GWV Fachverlage GmbH, 2007. - 298 s;

66. Social Capital: Reviewing the Concept and its Policy Implications, Research Paper. Canberra; Productivity Commission, AusInfo, 2003. - P. 89;

67. Sandra Seubert: Crisis or Chance for Societal Integration? The Meaning of Social Capital for a Theoretical Analysis of Democracy, FJ NSB 3/2009., - P. 21-28;

68. Samuelson P. The Pure Theoru of Publik Expenditur // Review of Ekonomics. 1954, vol. 36, № 4. - P. 387-389;

69. Сосьев С.А. Особенности социального капитала. Журнал теоретическая экономика. №2, 2012. [Электрон манба]  
URL:[www.theoreticaleconomy.info](http://www.theoreticaleconomy.info);

70. Smith, S. S., and Kulynych J. It may be social, but why is it capital? The social construction of social capital and the politics of language. // Politics & Society. 2002. № 30 (1). - P. 149-186;

71. Salamon M., Sokolowski S., Haddock M. Measuring the economic value of volunteer work globally: concepts, Estimates, and a roadmap to the future // Annals of Public and Cooperative Economics 2011. Vol. 82. №3. - P. 217-252;

72. Стеббинс Р. А. Свободное время: к оптимальному стилю досуга (взгляд из Канады) // Социологические исследования. - 2000., №7. - С. 64-72.